

АБДУРАУФ ФИТРАТ

# АРУЗ ҲАҚИДА

(АДАБИЁТ МУАЛЛИМЛАРИ ВА  
ИЛМ ТОЛИБЛАРИ УЧУН)

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими  
вазирлигининг Республика таълим  
маркази нашрга тавсия этган*

Нашрга тайёрловчи, сўзбоши  
ва изоҳлар муаллифи —  
филология фанлари номзоди  
ҲАМИДУЛЛА БОЛТАБОЕВ

Фитратнинг ушбу рисоласи шарқ мумтоз шеъриятида асосий вазн тури ҳисобланган аруз илмининг мураккаб сирларини ўрганишга бағишлиланган бўлиб, у 1936 йили лотин ёзувида эълон қилинган эди. Ушбу нашрни тайёрлаган Ҳамидулла Болтабоев уни ҳозирги ёзувга ўғиришда илмий матншуносликнинг барча талабларига риоя қилган. Китобга ўзига хос сўзбоши ва изоҳлар илова қилинган.

Рисола ўрта мактаб ўқитувчилари ва олий ўқув юртларининг талабаларига, шунингдек, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**Махсус мұхаррир: ҮзР ФА мухбир аъзоси, филология  
фандары доктори, профессор Б. НАЗАРОВ**

## Ф 71

Фитрат Абдурауф.

Аруз ҳақида: (Адабиёт муаллимлари ва илм толиблари учун) / Махсус мұхаррир: Б. Назаров [Нашр. тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Болтабоев].—Т.: Ўқитувчи, 1997.—80 б.

ББК 83.3Ўзя73

Ф 4306010400—81 190—97  
353 (04)—97

(С) «Ўқитувчи» нашриёти, 1997

ISBN 5-645-02905-4

## ФИТРАТ — АРУЗШУНОС

Ҳар қандай шеърий асар туйғуларимизга таъсир этиб, бирор маъно англатиши баробарида ўзига муносиб шакл ва вазндана-тина гўзал ифодасини топиши мумкин. Анъанавий Шарқ адабиётида шеърий асарнинг ана шундай шаклий жиҳатларига, яъни «вазн» ва «қоғия» томонларига алоҳида эътибор билан қараганлар. Аруз мумтоз шеъриятнинг асоси, пойдевори сана-либ, шеърнинг фақатгина зоҳирий кўринишларини эмас, балки ботиний моҳиятини ҳам тутиб тургани учун бу соҳани «илми аруз» номи билан атаб, алоҳида фан сифатида ўрганганлар.

Фитратнинг чуқур арузшунос бўлгани унинг «Адабиёт қоидалари», «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» каби қўлланма ва рисолалари, «Ўзбек адабиёти намуналари» мажмуаси ҳамда «Шеър ва шоирлиқ» каби мақолаларидан маълум. Шунга қарамай, олимнинг аруз илмига бағишилаб ёзган маҳсус илмий рисоласи «Аруз ҳақида» номи билан 1936 йилда чоп этилгап. Мумтоз адабиётимизда аруз илмининг нозик тадқиқотчиларидан саналган Низомий Арузий Самарқандийнинг ёзишича, «ҳар кимнинг шеър табъи мустаҳкам бўлиб, унинг сўзлари ва фикри равонлашса, у шеър илмини ўрганишга, аруз ўқишга киришади»<sup>1</sup>. Эҳтимол, мана шу илмий ўғит сабабли улкан адабиётшунос олим, мумтоз шеъриятнинг чуқур тадқиқотчиси профессор Фитрат эллик ёшга етиб, фикри равон, сўзлари комил бўлгач, аруз илмига қўл уриши бежиз эмас.

Халил ибн Аҳмад (718—786) асарларидан бошлиб Абу Сибавайҳ (вафоти 793), Ал-Ахфаш (вафоти 830), Ибн Сидқий каби араб «арузий»лари, Ибн Ҳожиб, Рашидиддин Ватвот, Шамсиддин ар-Розий, Носириддин Тусий каби форс арузчила-риининг аруз назариясига оид асарларида аруз илми изчил ўр-ганилиб, қонуниятлари мустаҳкам тизимга тушган. Навоий ва Бобур асарларида эса турк арузининг айrim хусусиятларигина кўрсатилиб, ўтган беш асрдан мўлроқ муддат давомида бирор олим томонидан қўл урилмай келинган. Бу даврда форс ва араб тилларida бир неча «рисолаи аруз»лар яратилган бўлса ҳам, аруз қоидаларининг туркий шеърда қўлланилишига доир ҳеч қандай қайдларни учратмаймиз. Бундан ташқари, 20- йилларнинг бошларида авж олган арузга қарши ялпи курашлар бир

<sup>1</sup> Низомий Арузий Самарқандий. Нодир ҳикоятлар. Тошкент, 1985, 31- бет.

оз тиийлиб, бу вазн ўзбек шоирларининг тажрибасидан қайта ўтгандан сўнггина Фитрат томонидан яратилган арузнинг «назарий ёқларидан сабоқ берувчи» бундай илмий рисола вужудга келишига эҳтиёж туғилди.

30-йилларнинг ўрталарида шеъриятда шакл ва вазн муаммоларига бағишлиланган қатор мунозаралар уюштирилиб, «бармоқ» шеърий тизимининг енгил йўлини тутган айрим шоирлар «арузнинг келажаги йўқ»лиги ҳақидаги «башорат»лар билан унинг «тагига сув қўйишга» ҳаракат қилганлар. Аруз вазнининг «бошини бундай сиртмоқлардан қутқариш учун» Фитрат бу соҳада маҳсус тадқиқот яратиб, унинг туркӣ шеъриятдаги қонуний ўрнини тушунтириб берган.

Фитрат рисоласи нафақат аруз тарихи ва техникаси, балки умуман вазн назарияси ва унинг қўлланилиш тарихидан сабоқ берувчи назарий қўлланма ҳам ҳисобланади. Чунки олим ўз асарида шеър вазни масаласига шеърий асарни юзага чиқарувчи энг зарурий бадиий бирлик сифатида қараган: «Қоидага мувофиқ суратда ўлчанган ва ўлчовлари муштарак бўлган гап парчаларининг маълум қоида билан кетма-кет тизилиши десак, ҳар ҳолда ҳақиқатдан жуда узоққа бормаймиз»<sup>1</sup>. Ушбу таърифни тугалроқ тушуниш мақсадида шеър назарияси ҳақидаги илк илмий рисолалардан бири—Абу Наср Форобийнинг «Китоб ушшеър» асаридағи қоидаларга мурожаат қиласиз: «Шеърниң ҳар бир вазнида қўлланиладиган сўз бўлаклари тартибининг муайян чегараси бўлади. Шеър байтларининг ҳар бир бўлагидаги вазн тартиби билан бошқа қисмидаги тартиб ҳамоҳанг бўлмоғи керак»<sup>2</sup>. Мана шу ҳамоҳанглик, яъни Фитрат тушунтирган таъриф бўйича «шеър билан ёзилган маълум бир асарнинг вазнида воҳид қиёси бўлиб такорланган нарса» шеърий асарнинг вазн ўлчовидир. Қисқача айтганда, шеър вазнида маълум бир қоида бўйича гап ва сўз, тўғрироғи, мисра ва байт ўлчанади. Бир сўзни ўлчаш ҳижолар (бўғинлар) ёрдамида амалга оширилади. Худди шу ўринда, Фитрат тушунтирганидек, шеър вазни тизимлари ўртасида айрима вужудга келади. Мана шу нуқтадан бошланган ва бир-биридан кескин фарқ қиласиган «бармоқ» ва аруз вазнининг хусусиятларини олим шундай фарқлаб кўрсатади: «Бармоқ вазни шоирлари ҳижоларнинг сонига аҳамият берадилар ва бир мисраъни ташкил қилган маълум бир миқдордаги ҳижоларни туроқлар воситаси билан айрим тўпламларга ажратадилар-да, туроқларнинг жойини белгилаш билан керак бўлган оҳангни таъмин этадилар. Аруз вазнида эса ҳижоларнинг камияти билан кайфияти (миқдори билан сифати — X. Б.) айни даражада асосий роль ўйнайди. Мисраларда ҳижоларнинг сони эътиборга олингани каби қисқа ва тўлуқ ҳижоларнинг тизилиш тартиби ҳам ўзгарганча янги-янги вазнлар майдонга келади. Мана шу хусусият бармоқ

<sup>1</sup> Фитрат. Аруз ҳақида. О. Ҳошим таҳрири остида. Тошкент, 1936, 6-бет.

<sup>2</sup> Абу Наср Форобий. Шеър санъати. Тошкент, 1979; 13- бет.

вазни системасида йўқ». Маълумки, вазн масаласи бевосита ўша асар яратиляётган миллий тилнинг товуш жиҳатига, фонетик қонуниятларига боғлиқ. Фитрат ёзганидек, «тизимда (шеърда — *Ҳ. Б.*) вазн масаласини ҳар миллат ўз тилининг баъзи хусусиятларига кўра ҳал қилрандир». Аруз табиатининг турк тилига муносабати масаласини «тайин қилиш» учун олим «аруз вазнининг тарихий ўсушини» кузатиш лозимлигини уқдирган: «мумкинки, араб адабиёт назариячилари арузни умуман шеър вазни маъносида олган ва англаганлар... Иқтисодий ҳаётнинг ўзгариши, жамиятнинг табақаланиши билан бирга вазн ҳам мураккаб вазифалар олиб, бурунги баситликларини йўқотади. Мураккаблана бошлади. Мен ўз замонида мана шу омиллар натижасида ўзининг бурунги баситликларини йўқотиб, мураккаб ва мукаммаллашган аруз вазнлари системаси ҳақида гапираман». Ўшбу эслатмадан Фитрат асари марказига қўйилган масала ҳамда унинг ҳал этилиш йўллари ойдинлашади. Сўнгра олим арузни вужудга келтирган ҳаётий омиллар тавсифига кўчиб, «арабларнинг туячилик» ҳаёти (яъни, кўчманчи бадавийлик турмуши — *Ҳ. Б.*), бу турмушнинг араб ҳалқ шеърига таъсири, ҳатто «туянинг юришини тезлатиш учун араб туячиларининг маҳсус ашуалари бор»лигини қайд этиб, ниҳоят Имом Халил ибн Аҳмад заковати билан ўз қонуниятларини топган, маълум бир тизимга аруз интизомини тушунтирган.

Халил ибн Аҳмад нафақат тил ва адабиёт, балки товушлар назарияси ва мусиқа техникасидан ҳам чуқур билимдан саналган. Унинг «Айн китоби» асарининг тиљшуносликдаги ўринни шу соҳа мутахассислари яхши билишади. Шу олим ҳалқ қўшиқларини тўплаб ўрганиш билан бирга «эҳтимолки, арабларга қўшни бўлган ҳалқлардан ҳам имкон доирасида фойдаланиб, букун билганимиз аруз қоидаларини тузиб чиқди. Бу вазн араб ҳалқ адабиётини юз фоиз ўз рамкаси ичига ололмаган бўлса ҳам, араб классик шеъриятининг қонуний вазни бўлиб қолди». Фитрат араб олими асос солган арузга Ғарб олимларининг муносабати масаласини ҳам алоҳида кузатган: «Халилнинг қадим юонча билганини назарда тутиб, баъзи олимлар «араб арузи юонлилардан олинган» десалар-да, бу фикр кўпчилик томонидан рад қилинмоқдадир». Шу ўринда Фитрат қарашларига аниқлик киритиб, араб арузини «юонлилардан ўтган» деювчилар учун асос биргина Фитрат айтган «Халилнинг юонча билишлиги» эмас, балки кўҳна (анттик) юон шеърияти ўз тилининг фонологиясига кўра метрик тизимга мос эканини таъкидлаш жоиз. Бу вазн тизими учун ҳам асос худди аруздаги каби бўғинларнинг миқдори билан бирга сифат томонини ҳам ҳисобга олиниши ҳамда мусиқавийликка таянганидир. Юон шеъриятининг энг қисқа ритмик бирлиги сифатида «метр» сўзи олингани учун, шундан келиб чиқиб, Оврупа шеършунослари бу вазн хилини метрик тизим деб номлашни одат қилганлар. Худди шундай қонуниятларга асослангани учун улар арузни ҳам метрик система тар-

кибида кўрадилар. Шунинг учун ҳам арузни «юнонлилардан ўтгани»ни эмас, кўпроқ араб шеър техникасига юони «метри»-нинг таъсири ҳақида ёзадилар<sup>1</sup>. Айниқса, бу ҳол европацен-тристлар (жаҳон цивилизациясининг ўчоғини Европа деб тушунтирувчилар) орасида кенг тарқалган. Фитрат вазншунос олим сифатида мана шу илмий баҳслардан хабардор бўлгани учун ҳам бу қарашни рад қилиш учун асосни араб халқ шеъриятидан келтиради. Ҳатто, аruz табиатига сингиб кетган «ижтимоий ҳаёт унсурлари»дан сўз очиб, аruz истилоҳларининг деярли барчаси ҳаётий асосга эга бўлиб, арабча номлар билан юритилишини кўрсатган. Худди шу асос кейинчалик ўзбек арабшуносларининг ишларида, жумладан, Э. Талабовнинг «Араб арузи» рисоласида ҳам акс этган<sup>2</sup>.

Фитрат араб арузининг мураккаблашиш ва мукаммаллашиш жараёни ҳақида сўз юритаркан, Ахфаш, Ибн Сидқий каби аruz қоидачиларининг қарашлари ҳамда уларнинг аruz тараққиетига қўшган хиссаларини ўринли кўрсатади. Бу билан чекланмай, қўшни Эрон ва Рум мамлакатларида арузининг тарқалиш сабабларини ҳам тушунтириб ўтади. Фитратнинг бу борадаги мулоҳазалари шу жиҳати билан эътиборга моликки, у араб арузининг Ажам мамлакатлари бўйлаб тарқалиш сабабларини Оврупа ва рус мусташирилари бир овоздан тасдиқлайди. «араб босқини» мусулмончиликнинг айни шу ўлкалардаги таъсири билангина чекланмай, балки «Эрон шеър вазнининг да, араб истилосидан ва араб арузи қоидаларининг қабулидан аввал бугунги аruz вазнига чиққан бўлиши мумкин»лигини қадимги форс манбалари «Бурхон Қатъе», «Оғани» каби маҳазлардан келиб чиқиб илгари сурган. Бу ўринда Фитратнинг «аруз вазнига чиққан» сўзини қадимги форс тилида ёзилган шеърият намуналарида ҳам метрик тизим хусусиятларини кўриш мумкин, деган ҳозирги эроншуносларнинг тасдифи каби тушунсак, олим нафақат араб арузи, балки ажам арузи тарихини ҳам чуқур билганини тасдиқловчи шоҳидга эга бўламиз. Фитрат ажам, хусусан, эрон арузининг хусусиятлари ҳақида сўзларкан, унинг араб арузига муносабатини шундай белгилаган: «Эронлilar араблардан нима олган бўлса айнан олмади, ўзгартиб, унга ўз хусусиятларини тақиб олди ёки олиб тақди. Араб арузининг иисбатан умумий қоидаларини, назарий томонларини кабул қилишига қарамасдан форсий шеър вазнларининг муҳим хусусиятларини ҳам унга сингдира бошлади. Шундай қилиб, айрим бир «форсий аruz» майдонга қўйулди. Мана бу «форсий аruz» назарий томонларда, умумий қоидаларда, тафсилот ва терминларда араб арузининг айнан деярли кўпияси бўлса ҳам, бошқа томонларда ундан ажралади». Мана бу «бошқа томонлар», яъни араб ва форс арузидаги баҳрлар миқдори ўртасидаги тафовутлар, форсий сўзларнинг акустик

<sup>1</sup> Поэтика древнегреческой литературы. М., 1981, с. 21—81.

<sup>2</sup> Талабов Э. Араб арузи. Тошкент, 1977, 5—6- бетлар.

хусусиятларидан келиб чиқадиган сифат ўзгаришлари қаби ма-салалар ҳам рисолада изчил баён қилиб берилган. Биргина баҳрлар масаласига эътибор қаратсак. Фитрат Рашидиддин Ватвотнинг «Ҳадойик ус-сеҳр фи дақойик уш-шеър», Ибн Ҳо-жибнинг «Илм ул-аруз», Шамсиддин Муҳаммад ар-Розийнинг «Ал-мўъжам фи маъйири ашъор ал-ажам», Хожа Носириддин Тусийнинг «Меъёр ул-ашъор» асарларидан чуқур хабардор эканини англаб етамиш.

Рисолада араб арузи бизга қадар араб-форс арузи шаклини олгани, сўнгра эса Ўрта Осиё турклари томонидан қабул этилгани давомли суратда кўрсатилган: «Мана шундай қилиб, араб арузини араб-форс арузи ҳолига келтирдилар. Бизнинг Ўрта Осиё турклари томонидан қабул этилган аруз шул араб-форс арузидир, қачон қабул этилгани аниқ эмас. Бироқ ҳижрий 462 да Қашгарда ёзилган машҳур «Қутадгу билиг»нинг шу аруз вазнида ёзилгани эътибор этилса, жуда эскидан қабул этилгани маълум бўладир». Демак, бизнинг шеъриятимиз Юсуф Ҳос Ҳожиб давридан бошлаб мана шу вазни давомли суратда қўллаган, мумтоз адабиётимизнинг энг гўзал ва комил асарлари шу вазнда битилган экан, аруз интизомини чуқур эгаллаш мажбурияти шу кунги адабиётшунослар ва шоирлар зимасида қолади.

Фитрат рисоласи ўзбек арузи масалаларига бағишлиланган экан, бу мавзуда ёзилиб, ўз даврида шуҳрат топган ва шарқда «арузи туркий» номи билан машҳур бўлган Алишер Навоийнинг «Мезон ул-авзон», Бобурнинг «Аруз рисоласи»га Фитратнинг муносабати масаласини ҳам ойдинлаштириб олиш зарур. Чунки бу мавзуда Фитратга қадар узоқ вақт илмий асар яратилмади, айрим усмонли турк олимларининг асарлари ҳам Навоий ва Бобур асарларининг қайди даражасида эди.

Маълумки, Фитрат ўз асарида Навоий рисоласига муносабатини яширмайди. Айрим ўринларда улуғ шоирдан иқтиbos келтириб, унга муносабатини англатган бўлади. Ҳусусан, Фитратнинг 1919 йилда ёзилган «Шеър ва шоирлиқ» мақоласида «вазн» ва «қофия» масалаларидан сўз юритаркан, арузда Навоий асарларини мукаммал санайди ва улуғ шоирни бу маънода тақдирлаган бўлса ҳам, кейинги асарларида Навоий асарларида «араб-эрон метрикаси бутуни тафсилоти билан акс этгани»ни қайд этади. Ҳазрат Навоийнинг «чун ўzonларнинг ўзмоғи ва ўзбекларнинг будай-будайи ҳеч вазн била рост эмас эрди, анга таарриз қилилмади, агарчи асарлари бордир, аммо анинг аруз илмига даҳли йўқдир»<sup>1</sup> сўзларини ўзича шарҳлаб, «Навоий араб арузининг қоидаларини ёзисб турғанда «ҳеч» вазн билан «рост» келмаган, яъни ўзимизнинг бармоқ вазнимизда айтилган шеърлар ва у шеърлар ўқулатурған куйлардан сўзлаб ўтиromoқ тўғри иш эмас. Бироқ Навоийнинг юқоридаги қим-

<sup>1</sup> Навоий. Мезон ул-авзон // Асарлар. Үн беш томлик. XIV том, Тошкент, 1967, 180—181- бетлар.

матли маълумотини ўқуғандан кейин «кошки шул араб арузини ёзғанингиз жойида турк вазни, турк мусиқиси тўғрисида китоблар ёса эдингиз» демакдан ўзимизни сақлай олмаймиз<sup>1</sup> деган «гина»ларни ҳам учратамиз. «Аruz ҳақида»ги рисолада эса, бу танқидий қарашибирмунча изчиллик билан давом эттирилиб, нафақат Навоий, балки ундан сўнг мукаммал бир тарзда яратилган Бобур рисоласига ҳам шундай танқидий кўз билан қараганинг гувоҳи бўламиш: «Навоий билан Бобур Мирзонинг аруз ҳақида ёзилган китобларида «чғатойчанинг хусусиятларини сақлаш» деган тамоийлдан ҳеч бир из кўрилмади» деб куйиниб ёзган. Бу ҳолни олим қўйидагиша шарҳлайди: «Эрон феўдализм аристократияси аруз қоидаларини араблардан олганда ўзгартиб, унга ўз хусусиятларини тақиб, сингдириб олган экан, Ўрта Осиё чғатой ва ўзбек феўдализм даврлари сарой адабиёти нега шундай қилмади?.. Ўз тилларининг, ўз халқ шеърларининг ҳеч бир хусусиятини нега аруз вазнига сингдиришга урунмаганлар». Бизнингча, Фитратдай мумтоз адабиёт ва араб-форс арузининг чуқур билимдони саналган олим кўтарган бу муҳим савол тасодифий шоирона эҳтироснинг натижаси бўлмай, ўз илмий асосига эга. Олим бу каби кескин хulosага келишдан аввал «Бобур рисоласини худди Навоий асарини ўқигани каби синчиклаб ўрганиб чиқсанми?» деган табиий саволга дуч келамиш. Агар биз ўзбек бобуршуносларининг асарларидағи фикрларга қулоқ солсак: «Бобур ўзбек арузига оид маҳсус рисола ёзганлигини «Бобурнома»да баён қилган. Лекин бу асар турли сабабларга кўра шу вақтгача илм аҳлига маълум эмас эди. «Мухтасар» қўллэзмаси ҳақида биринчи маълумот Е. Блоше каталогида берилган. 1968 йили профессор Ҳамид Сулаймон Англия ва Францияга қилган илмий сафари натижасида Е. Блоше каталогида кўрсатилган Бобурнинг 1308 рақами остида Париж Миллий кутубхонасида сақланётган қўллэзмасининг ягона нусхаси билан танишиб чиқди ва унинг микрофильмини Адабиёт музеи фондига олиб келди<sup>2</sup>. Шундан сўнг бу асар ҳақида В. И. Асланов, А. М. Шчербак, М. Шайхзода, И. В. Стеблевая, Е. Исҳоқов ва бошқаларнинг<sup>3</sup> мақола ва тадқиқотлари эълон қилинди. Агар биз шу маълумотлар доирасида чекланиб қолсак, Фитрат Бобур асарини ўқимаган, кўрмаган бўлиб чиқади. Бироқ олимнинг «Аруз

<sup>1</sup> Фитрат, Узбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Самарқанд-Тошкент, 1927, 57-бет.

<sup>2</sup> Бобур. Мухтасар (нашрга тайёрловчи Сайдбек Ҳасан). Тошкент, 1971, 5—6-бетлар.

<sup>3</sup> Асланов В. И. Проблемы тюркоязычного стихосложения в отечественной литературе последних лет. // «Вопросы языкоznания», 1968, № 1; Щербак А. М. Бобурнинг аруз ҳақидаги рисоласи ва унинг Навоий ижодини ўрганишдаги аҳамияти. // «Адабий мерос», 1971, 2-сон; Шайхзода М. Қўшиқлар ҳақида // «Узбекистон маданияти», 1964, 4 июль; Стеблева И. В. Очерки теории тюркского стиха (рецензия на книгу М. Хамраева) // «Народы Азии и Африки», 1971; № 2; Исҳоқов Е. Бобурнинг арузга доир рисоласи адабиёт шунослар баҳсида. // «Узбек тили ва адабиёти», 1973, 6-сон.

ҳақида»ги рисоласини синчилаб кузатсак, гарчи у асарнинг номини келтирмаган бўлса ҳам (чунки, бу ном Бобурнинг ўз асарларида ҳам «Мухтасар», «Муфассал» каби турлича кўрсатилган. Ниҳоят, бу ҳақда Сайдбек Ҳасановнинг рисоласи эълон қилинганидан сўнг, Бобур рисоласини номлаш бирмунча изчилик касб этган), имкон қадар Бобурнинг «Аруз рисоласида» кўринган услубиятни, аруз методикасини сақлашга уринганини, айrim масалалар талқинида бевосита Бобур асарининг руҳидан келиб чиққанини ҳар икки асарни қиёсан ўрганиш натижасида (қиёслаш жараёнини ушбу сўзбошининг ҳажми кўтармайди) аниқладик. Шунда Фитратнинг Бобурдай «ҳар нарсани ёқтиравермайдиган, илмда ўзига хос қарашга эга бўлган» алломанинг асаридан қониқмаслик сабаблари ҳам маълум бўлди.

Маълум бўлишича, Фитратни араб ёки араб-форс арузи эмас, балки турк миллий вазнини яратишга уринишлар кўпроқ қизиқтирган. Шундай тамойилларни Навоий ва Бобур асарларидан излаган. Ҳамонки, араб арузининг қатъий интизоми форс «арузий»ларининг усталиги билан қисман ўзгартирилиб, форс тили хусусиятларига мослаштирилган экан, бизнинг турк арузчилари, хусусан, Навоий ва Бобурдай турк шеъриятининг даҳо санъаткорлари нега шундай йўл тутмадилар? Улар ўз сўзларини «гавдасини букиб» бўлса ҳам аруз «занжира»га тақдим этганлари ҳолда турк тили хусусиятларининг арузда қўлланилишига имкон берарлик даражада аруз рамкасини кенгайтиришга уринмадиларми? Бироқ бу саволга ўз устозларидан айтарли жавоб ололмаганидан сўнг олимнинг ўзи баҳоли қудрат имкон қадар ўзбек тилининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда аруз техникасини мана шу «нозик фарқ»ларни акс эттиришга қараб бурган. Худди шу ўринда Фитрат рисоласидан кутилган натижалар хусусида «Адабиёт назарияси» номли жамоа тадқиқотида эълон қилинган мулоҳазалар диққатга сазовор: «Ҳар қандай илмнинг вазифаси инсон мушкулини баттар қилиш эмас, балки осонлаштиришдир. Шу сабабли Фитрат фаълунчиликдан қутилишни таклиф этганди. Бу йўл арузининг ўрта ва олий мактабларда талабалар томонидан ўрганилишини осонлаштиради»<sup>1</sup>. Сезиладики, фикр Фитрат рисоласида баён қилинган «ўз тушунириш» йўлига қараб кўчади: «Ҳар вазнни ўз йўлим билан кўрсатгандан кейин унинг бурунғи исми аруз ва арузни тақтиъини ҳам кўрсатдим». Фитратнинг аруз назарияси ва техникасига қўшган ҳиссаси, уни тушуниришда қўллаган усули ҳамда арузнинг ўзбек шеъриятининг асосий вазнларидан бирига айланишидаги ўз йўли нимадан иборат эканини аниқроқ тасаввур қилиш учун рисоладаги «арузий» бирликларни изчилроқ тушунишга урунайлик.

**Вазн бўлаклари.** Бу ўринда Навоий «Мезон ул-авzon»ида (Навоийгача ўтган форс арузшуносларининг ишларида ҳам)

<sup>1</sup> Адабиёт назарияси, II том, Тошкент, «Фан», 1979, 349-бет.

рунк деб таништирилган, Бобурнинг «Аруз рисоласи»да эса «жузв» номи билан берилган ритмик бирликлар (сабаб, ватад, фосила) назарда тутилган. Рисолада ёзилишича, «менинг ишим бир ёқдан текшириш иши, шунинг учун арузниң асосий нуқтаси олиб танқид ва изоҳ қиласман. Иккинчи ёқдан, ёш шоирларимиизга арузниң бор-йўғини очиб бермакчиман. Шунинг учун ишни қулайлаштирувчи янги бир системага қўйишга урунаман.

Араб, эрон арузи юқорида кўрулгани каби шеърда воҳид ќёси қилиб байтни олади. Байт икки мисраъга бўлунади. Бир мисраъ икки, уч, тўрт ҳижо тўпламига (тўрт-беш стопага) ажралади ва бу тўпламларга «рунк» исми берилади, жамъи аркон бўлади». Арузниң бу каби ибтидоий талаблари эслатилганидан сўнг, «жузв ва аслий рукилар» ёки «зиҳоф ва фаръий рукилар» каби анъанавий тушунтириш йўлидан бормайди, олимнинг фикрича, бу йўл «мияга оғирлик беради. Халил ибн Аҳмад назариясида айтилган саккизта аслий рукилар ҳамда уларнинг «қисқартирилиши» ва «орттирилиши»дан ҳосил бўлган 27 та фаръий руки, ҳаммаси 35 руки бўлади. «Зиҳофот» деган узун ва кераксиз амалиёт (операциялар) билан ҳосил этилган бу каби қийинчиликлардан арузни қутқара олмаганлар. «Сабаб», «ватад»ларга киришмаганда, рукиларни аслий, фаръий демаганда, зуҳофотни ўйламаганда ҳам арузниң қийинлиги яна тамоман ўйқолмас эди. 35 хил ҳижо тўпламини «фаулун, мафойилун» қолиблари орқали ёдда сақлаб, шулардан байтлар тўқушнинг ўзи албатта енгил эмас». Шунинг учун олим рисолада бармоқ тизимида кўрилгани каби нисбатан соддороқ йўл тутиб, ҳар бир рукидаги тўлук ва қисқа ҳижоларнинг сифатига асосланиб, унинг ҳар байтдаги миқдорий жиҳатларини ҳам ҳисобга олгани ҳолда уларни ўн икки туркумга ажратган. «Байт» ва «мисраъ» истилоҳларини айнан сақлагани ҳолда ҳар бир мисраъда бир ёки икки туроқ белгиланиб, улар учун (\*) ишорати қўйилган ва «ист» исми билан ёзилган. Бир мисраънинг «ист» билан бўлинган парчалари «бўлим» деб аталган. Бир мисраъда такрорланган ҳижо тўдаларига «тўплам» (русча стопа) исми берилган. Шу тариқа аруз бирликларининг қабул этилиши бирмунча енгиллаштирилган.

**Баҳрлар ва вазнлар.** Анъанавий аруз қоидаларини тушунтиришда бу каби истилоҳлар қўлланилган бўлиб, мумтоз шеъриятдаги мавжуд 19 баҳр анъанавий тартибда эмас, балки тарихийлик тамойили сақлангани ҳолда аввал араб шеъриятида қўлланилган беш баҳрни, сўнг араб ва форс шеъриятида баробар истеъмолда бўлган ўн баҳрни, ундан сўнгра эса форс «арузий»лари томонидан қўшилган уч баҳрни келтирган. Натижада «аруз вазнининг тарихий ўсуши»ни кўрсатадиган ўзига ҳос шакл (схема) вужудга келган. Рисолада келтирилган бу шакл уни аниқроқ тасаввур этишга ёрдам бериши мумкин. Олим шундай тушунтириш берган: «араб арузида олти руки (чтана) дан тузилган вазнлар эрон арузида саккиз рукиндан

тузилади; араб арузи вазнлари Халил системасига кўра 15 баҳр бўлса ҳам, сўнгра Ахфашдан бир баҳр олиб, 16 баҳрга чиқарилган. Эрон арузи булардан беш баҳрни чиқариб, яна учта янги баҳр қўшиб, 14 да тўхтатади. Кейинчалик машҳур чиқарилган беш баҳрда ҳам шеър ёзилиб, Эрон арузи 19 баҳрга чиқарилади». Бу каби аниқлик билан айтилган «старихий» ўзгаришларни ҳеч қайси арузшунос рисоласида учратмаймиз. Фақатгина Бобуршоҳ «Рисолаи аруз»ида Тавил доирасига кирувчи Ариз ва Амиқ баҳрларини ҳам бунга илова тарзида келтирганини эслашимиз мумкин бўлади. Айтилганидек, анъанавий аруз қоидаларини тушуниришдагина бу усулдан фойдаланган. Ўзи кашф этган усул бўйича иш тутилганда эса бу ўн тўқиз баҳр асосида «олтилик, саккизлик, тўққузлик, ўнлик, ўнбирлик, ўнкеклиқ, ўнчлик, ўнтўртлик, ўнбешлик, ўнолтилик, ўнсаккизлик, йигирмаликдан иборат 12 хил вазн (эскича арузчилар тили билан айтганда 12 баҳр)» чиқарилган. Бу ўн икки «баҳр»нинг ҳар биридан қисқа, тўлиқ ҳижоларнинг жой ўзгаришлари билан айрим-айрим вазнлар йигилган. Мана шу тариқа саксонга яқин янги тизимдаги вазн тартибга солинган.

Арузшунос Сайдек Ҳасан Бобуршоҳ рисоласининг эътиборли жиҳатларини таҳлил қиларкан, унинг «классик поэзиямизда қўлланиб келинган 289 вазн ва уларнинг шаклларини таъриф қилиб, умумаруз илмини 248 янги, ўзи ихтиро қилган вазн билан бойитиб, умумаруз илмига бениҳоя катта ҳисса қўшган»ини қайд этган<sup>1</sup>. Арузшунослика баҳрларни баён қилишда маълум даражада енгиллик түғдириш учун жувзларга нисбатан тенг ва ўзаро бир-бирига ўхшаш баҳрларни жам қилиб доира ла р қабул қилинган бўлиб, аруз илмida олти доира маълум. Фитрат бу усулни соддалаштириб, ҳар бир баҳрни ўзи юқорида баён қилган «тўплам» ва «бўлим»ларга ажратиб юборгани учун ҳам унинг услубияти (методикаси) да доиралар ўз-ӯзидан тушиб қолган.

**Тақтиъ қоидалари.** Аруз илмida мисраларни алоҳида ритмик бўлакларга ажратиб, уларни ўлчаш одат қилинган. Бу усул тақтиъ деб юритилган. Бобур ўз рисоласида бу ҳақда ёзади: «Тақтиъ арузийлар истилоҳида байтнинг таҳлилидур, ул навъким байттин бир миқдор вазнда баробар бўлғай, ул баҳрнинг афоъилу тафоъили билаким бу байт ул баҳрдадур»<sup>2</sup>. Шунингдек, Бобур туркий алфознинг айрим жиҳатларидан ҳам ўз рисоласида сўз очган. Бироқ Фитрат бу каби араб ёзувида акс этиши қийин бўлган барча ҳодисотларни шаклларга кўчиради ва замонавий шеършуносликда қўлланилган белги ва шакллардан ҳам фойдаланган. Шу усул билан «араб, эрон тилларидаги ҳижо қурилишини текшириб», уларнинг олти турини аниқлаган. Сўнгра фақат ўзбек тилининг фонетик қонуниятларига

<sup>1</sup> Ҳасанов С. Бобурнинг «Аруз рисоласи» асари. Тошкент, «Фан», 1981, 94-бет.

<sup>2</sup> Бобур. Мухтасар, 31-бет.

мос келадиган ҳолатларни ажратиб тушунтирган. Тақтиъ қоидаларини англатишда Бобур араб ёзуви имкониятларидан келиб чиқиб, туркий сўзларнинг айрим фонетик хусусиятларини шу ёзувда акс этиб-этмаганидан гапирса, Фитрат лотин ёзуви амалда қўлланилаётган 1936 йилда бунга ҳожат сезмаган. Шунинг учун замонавий белги, шаклларга ва ўз тартиби билан тушунтирган «тўплам» ва «бўлим»ларга мурожаат этган. Қолаверса, бу вақт ўзбек фонетикаси қонуниятлари бирмунча ишланиб, унли ва ундош товушлар таснифи аниқ илмий ўзангага тушаётган эдики, Фитрат тақтиъ қоидаларини белгилашда товушнинг ёки сўзнинг ана шу каби сарфий (морфологик) жиҳатларини ҳам эътиборда тутган. Бобур ўз рисоласида «лафз вазни» юзасидан икки тоифа олимлар ўртасида баҳс мавжудлигини кузатиб, «алфоз вазнидидин икки тоифа баҳс қилурлар, бири сарфийлар, яна бири арузийлар» деган мулоҳазани англатганди. Сезиладики, Бобурнинг ўзи анъанавий арузийлар йўлидан бориб иш юритган бўлса, Фитрат ўзбек тилининг фонетик ва морфологик жиҳатларига кўпроқ амал қилгани ҳолда «сарфий»лар йўлидан борган. Бу ҳақда олимнинг ўзбек тилининг сарфи (морфологияси) ва наҳви (синтаксиси)га<sup>1</sup> бағишиланган ишларида ҳам мулоҳазалар мавжуд.

Фитратнинг Навоий ва Бобур асарларидан қониқиши ҳисси туймаганини яна шунда кузатиш мумкинки, олимнинг айтишича, улар араб, форс арузи қоидаларини айнан олиб, туркий мисоллар билан тушунтирганлар, холос. Шунинг учун ҳам Навоий ва Бобур рисолаларида туркча мисоллар учрамаган ўринларда форсча назм парчалари ҳам келтирилган. Фитратни айни мана шу ҳолат етарли қаноатлантирган эмас. Ҳазрат Навоий ҳамон туркликни ўз ижодининг мақсади билиб, турк алфозини жаҳонда устивор қилишга киришган экан, гарчи турк вазнида асарлар битмаган бўлса ҳам, аруз қоидаларини турк тилининг товуш хусусиятларини акс этирирадиган қилиб қайта ишлаши, аруз талабларини шу тилга мослашибирлигтан вазн ва вазн бўлакларини «ишлаб чиқиши» билан «арузи туркий» яратишни орзиқиб кутган эди. Бунинг учун Фитратнинг назарида, аввало, «фаулунчилик, зиҳофотчилик каби чатоқ схоластик қоидалардан қутулмоқ» мақсади билан аруз вазнини «чирманда усули»га кўчиришга урунган.

Англашилишича, мақсад аруз назариясини янгилаш эмас, балки унинг амалиёти масаласини яхшилаш, яъни замонавий шоирлар томонидан арузни кенг истеъмолга олиб киришдир. Шунинг учун ҳам ўша даврда арузга қарши уюштирилган ҳужумлардан бу вазни сақлаб қолиб, уни бармоқ (ҳижо) вазни билан баравар истеъмол майдонига етаклаш зарурияти туғилган ва бу иш Фитратнинг зиммасига тушган. Ғафур Ғулом,

<sup>1</sup> **Фитрат.** Сарф. Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба. Биринчи китоб. Тошкент, 1929; Наҳв. Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба. Иккинчи китоб. Тошкент, 1930.

Усмон Носир каби истеъодди шонрлар томонидан бу вазнда яратилган шеърий намуналарни мамнуният билан қабул этгани ҳолда олим уларни ўз рисоласига киритган. Айрим баҳрларда эса ёш ўзбек шеъриятида мисоллар яратилмагани учун бундай вазнларда Фитратнинг ўзи назм парчалари ёзиб, улардаги «сайълих ва санъатсизлиқ» учун маъзур тутишни сўраган.

Аруз илми Марказий Осиёда Фитратга қадар мавжуд бўлганидек, унинг қатлидан сўнг ҳам бу соҳада илмий тадқиқотлар яратилди. Айниқса, 60—70-йиллар давомида адабиётшуносликда аруз табиатига дохил бир қанча асарлар эълон қилинган. Дастрраб форс-тоҷик арузининг қонуниятларини ўрганивчи тоҷик олими Баҳром Сируснинг китоби<sup>1</sup>, сўнг шу йўналишда Ш. Шомуҳамедовнинг «Форс-тоҷик арузи» рисоласи (1970) ҳамда туркӣ тилда аруз хусусиятларини кузатган озарбайжон Акрам Жаъфар<sup>2</sup>, татар Х. Усманов<sup>3</sup>, уйғур М. Ҳамраев<sup>4</sup> каби олимларнинг тадқиқотлари эълон қилинган. Бу соҳада ўзбек олимларидан А. Рустамовнинг «Аруз ҳақида сұҳбатлар» (1972), У. Тўйчиевнинг «Арузшуносликка доир» (1973) асарлари, А. Ҳожиаҳмедовнинг «Мактабда аруз вазнини ўрганиш» (1995) каби методик қўлланмалари чоп қилинди. Бироқ аруз методикасида Фитрат тавсия этган «чирманда усули» тажрибаси амалда давом эттирилиб, унинг илмий натижалари синаб кўрилганча йўқ. Бунинг сабаби биргина Фитрат рисоласининг умри қисқалиги билан эмас, балки «халқ душмани»нинг номини тилга олмаслик, унинг ишларини амалда давом эттиришдан ҳайқиши туфайли бу иш бирмунча тўхтаб қолган. Истиқлол ғоялари турмушимизнинг ҳар соҳасини ёритаётган шу кунларда Фитрат тажрибасини амалда давом эттиришга эҳтиёж туғилди. Ана шу эҳтиёжни бир муддат бўлса-да қондириш мақсадида Фитратнинг «Аруз ҳақида» рисоласи лотин ёзувидан ҳозирги ёзувга ўғирилди. Матнда деярли барча сўзларнинг 1936 йилдаги лотин имлосидаги шакли сақланди. Фақат айрим ўринлардагина ўқувчиларга тушунарли бўлсин учун тиниш белгиларини шу кунги имлога мос ҳолда қайта тузатишга тўғри келди. Асарда учраган барча шакл ва схемалар, араб ва форс сўзлари ўз ёзув шаклида қолдирилди. Тушунарсиз сўз ва аруз истилоҳлари ва бошқа айрим изоҳталаб ўринлар учун асар охирида шарҳлар берилган. Бундан қарийб олтмиш йил аввал яратилган ушбу рисола ўзбек арузшуносларининг шу кунги эҳтиёжини оз бўлса-да қондирап деган умидда табдил этилиб, жузъий қисқартиришлар билан эълон қилинмоқда.

Ҳамидулла Болтабоев,  
филология фанлари номзоди.

<sup>1</sup> Сирус Б. Арузи тоҷики. Таҳқиқи интиҳоди. Душанбе, 1963.

<sup>2</sup> Джәфәр А. Теоретические основы аруза и азербайджанский аруз. Баку, 1965.

<sup>3</sup> Усманов Х. Основные вопросы татарского стихосложения. М., 1960.

<sup>4</sup> Ҳамраев М. Очерки теории тюркского стиха. Алма-ата, 1969.

## ЕЗУЧИДАН БИР-ИККИ СҰЗ

Бу асарни ёзишдан мақсад ёш шоир ва ёзучиларимизни аruz вазни блан яхшилаб таништирмоқ ва аruz вазни масаласини кенг муҳокама майдониға киргизмакдир.

Араб-эрон арузининг тарихий ўсуши тұғрисида, ўзбек адабиетида аруздан фойдаланиш йұллари тұғрисида бундан сұнгра бўлатурған муҳокамалар бу асардаги камчиликларни тұлдирада ва хатоларини тузатишига ёрдам қилас, деб умид қиласман ва ишонаман.

«Фаулун»чилик, «зуҳофот»чилик каби схоластик қоидалардан қутулмоқ мақсади блан аruz вазнини «чирманда усули»га кўчириш тажрибаси аruz тарихида, шарқда биринчи тажрибадир. Камчиликлари бўлуши мумкун. Масаланинг муҳим жҳати шуки, эски схоластик ва чатақ қоидалар блан арузни ўрганиш жуда қйин. Ёш шоирларимизни аruz блан яхшилаб таништирмоқ учун мазкур схоластик қоидалар рамкасидан арузни чиқариш лозим. Менинг «чирманда усули»ни олишмдан мақсад шу. Шу мақсадни адо қилиш учун бундаги «чирманда усули»дан бошқачароқ ва қулайроқ бир йўл топилиб қолса, албатта, хурсандчилик блан қабул қиласман.

Мен бу ктобда аruz нуқтаи назаридан ҳжоларни тақсим қилғанда «тўлук ҳжо», «қисқа ҳжо» терминларини ишлатдим. «Ёпиқ ҳжо», «очиқ ҳжо» каби лисониятда маълум терминлар бор экан, нега янги терминларга мурожаат қилғанимнинг сабаби бор:

Ҳжонинг аruz вазnidаги узунлиги, қисқалиғи унинг «очиқ» ва «ёпиқ» бўлганига қарамайди. Масалан, форсийчада «*ктоби ман*» сўзининг учинчи ҳжоси (би) очиқ ҳжодир. Айтилишида ҳақиқатан ҳам қисқа айтилади. Айтилишидаги аruz ўлчови шудир: V. Лекин шеърда бунинг *ктобиман* (V) қимматида ўқилғани жуда кўп учрайди.

Форсийча (ро, мо, то, бо) каби очиқ ва узун ҳжолар ҳар вақт тўлиқ ҳжо (—) қимматида юради. Ўзбекчада, масалан: «менга бир қаранг» жумласининг иккинчи ҳжоси бўлган (нга) ҳжоси очиқдир ва қисқадир. Лекин шу (нга)нинг ўзи шеърда мисраъ охирида бўлса босим (ударение) блан тўлиқ ҳжога айланади: қарадинг менга (V V — V —). Мана шу ҳол мени арузда ҳжо тақсими учун бошқача терминлар қабул қилишға мажбур қилди.

Ўзбек шоирлари арузниң бутун вазнларини ишлатмаганлар. Бу асарда кўрсатилган вазнларнинг ҳаммасига улардан мсол топиш мумкун бўлмади. Топганимни улардан ва шоирларимиздан олдим. Намуна учун кимдан шеър олган бўлсан шоирни кўрсатдим. Намунаси топилмаган вазнлар учун ўзим тартиб этдим. Ўзим тартиб этган бу намуналарнинг айниқса баъзиларига шеър эмас, вазннинг схемасини сўзда кўрсататурған «назм» парчалари деб қарашни, шунинг учун улардаги сайълих ва санъатсизлиқни маъзур тутишини сўрайман.

Араб-эрон аruz ўлчовининг «фаулун» ларини янги алифбеда кўрсатиш транскрипциясиз бўлмайдир. Бу асарда шартли суратда қабул қилғанимиз транскрипция ҳарфлари шулардир:

Узуn чўзғилар

а  
и  
у

Мафъулу  
Фоилотун  
Мафоилун

Қисқа чўзғилар

а  
и  
у

## АРУЗ ВА АРУЗ ВАЗНИ

Араб адабиёт назариячилари «назм қоидалари»ни «илм уш-шеър»<sup>1</sup> исми блан юргизадилар ва буни уч қисмга бўладилар: I. Шеърнинг таърифи. II. Шеърнинг вазнлари. III. Шеърнинг қофияси.

«Илм уш-шеър»нинг мана шу уч қисмидан иккинчисини «Илм ул-аруз» исми блан айрим бир «илм» санайдилар. Демак, мумкунки, араб адабиёт назариячилари арузни умуман шеър вазни маъносида олган ва англаланлар. Эрон адабиёт назариячилари ҳам масалани худди араб назариячилари каби англаланлари учун «арузи арабий» ва «арузи форсий» каби терминларни қабул этганлар.

Бизнинг ўзбек адабиётида бу термин («аруз» деган термин) нинг хусусий бир маъно олгани кўринади. Бу ҳолни биз бошлиб чратой шоири Навоида кўрамиз. Навоий ўзининг «Мезон-ул-авzon» («Вазнлар тарозиси») аталган асарида араб, эрон «метрика»сини бутун тафсилоти блан ёзар экан, у даврдаги халқ шеъридан бир муносабат блан гапириб қўяди.

Бу халқ шеърларидаги вазннинг араб, эрон аruz системасига кирмаганини жуда тўғри сезган Навоий буларни вазнсиз санайдир: «чун ўзанларнинг<sup>1)</sup> ўзмоғи ва ўзбекларнинг будай-бу-

<sup>1)</sup> Бахши.

дайи ҳеч вазн блан рост (тўғри) келмас эрди. Анга таарриз қилилмади (улар ҳақида гапирилмади). Агарчи асар (таъсир) лари бор: Аммо аниңг аруз илмига даҳли йўқтур» деб бошини қутқазади<sup>2</sup>. Демак, бу одам араб, эрон метрикасидан ташқари бир вазн танимоқ истамайди. Унга тўғри келмаган халқ ашулаларини, бахши шеърларини «вазнсиз», яъни у даврнинг англашига кўра, «шеър эмас» дейди.

Сўнгратари бу халқ шеърларининг ўзига маҳсус вазни борлиги ва бу вазннинг араб, эрон шеърларининг вазнларига асосан тўғри келмагани англашилгандан кейин буларга «ҳожо вазни»<sup>3</sup> ёки «бармоқ вазни» исми берилди. Араб, эрон шеърларининг вазн системаси учун «аруз вазни» деган термин қабул этилди.

Бу кун бизда аруз деганда араб, эрон шеърларидаги вазн системасининг қоидалари (араб, эрон метрикаси) англашилгани каби араб, эрон вазнлари системасига кирган вазнларга «аруз вазни» исми берилган.

Демак, бу кун бизда шеърнинг икки вазн системаси бор:

I. «Бармоқ вазни» системаси. II. «Аruz вазни» системаси.

Бизда жуда кўп йиллардан бери, ўзбек кўчманчилик давридан бошлаб давом эта келган бахши шеърларининг ва халқ ашулаларининг вазнлари «Бармоқ вазни» системасига киради. Хон ва феўдал саройларида, мадрасаларда яратилган шеърларнинг вазнлари «Аruz вазни» системасига киради<sup>1</sup>.

Энди бу икки хил вазннинг орасида асосий айрма борми? У нима? Шеър вазнини таъриф қилмоқчи бўлганда, «Қоидага мувофиқ суратда ўлчангандан ва ўлчовлари муштарак бўлган гап парчаларининг маълум қоида блан кетма-кет тизилиши» десак, ҳар холда ҳақиқатдан жуда узоққа бормаймиз, деб ўйлаймиз.

Шеър вазнининг шу таърифини асосан қабул этганимизда шу натижа келиб чиқади:

Шеър блан ёзилган маълум бир асарнинг вазнида воҳид қёси бўлиб тақорорланган нарса гапнинг маълум бир ўлчовидир.

Қисқасини айтканда, шеър вазнида маълум қоида бўйича гап ва сўз ўлчанади. Бир сўзни ўлчаш ҳжолар блан бўлади.

Бизнинг юқорида айрим-айрим икки система деб кўрсатканимиз бармоқ вазнлари блан аруз вазнлари иккаласи ҳам вазн ўлчамак учун ҳжони олади. Бу нуқтада ораларида айрма йўқ. Асили айрма ҳжоларнинг кайфиятларини назар эътиборга олиб, олмаслиқдадир.

Энди, ҳжоларнинг тузилишини текширайлик: араб, эрон тилларида ҳожо қурилиши тубандагича бўлади:

I. Бир товуш бир қисқа чўзғи                       ки, ду, ба  
ё биргина қисқа чўзғи                       и, а, у

<sup>1)</sup> Бу фикр асос эътибори блан ва фактларнинг аксариятига кўрадир. Халқ ашулаларидан баъзилари аруз вазнида бўлганини, сарой ва мадраса шоирларидан баъзиларининг бармоқ вазнида ёзганларини инкор қилмайман.

- II. Бир товуш бир узун чўзғи      ба, ра, та  
     ё биргина узун чўзғи      а, и, у
- III. Бир қисқа чўзғи икки товуш:      дар, бар, сар, мур  
 IV. Бир узун чўзғи икки товуш:      дар, бар, сар, дур  
 V. Бир қисқа чўзғи уч товуш:      ҳашт, баст, рафт, дашт  
 VI. Бир узун чўзғи уч товуш:      дашт, қашт, бафт.

Аруз вазни нуқтаи назаридан тақсим қилғанимиз шу олти турли ҳжодан биринчиси қисқа ҳжо саналади. Иккинчи ва учинчиси тўлиқ ҳжо саналади. Тўртинчи, бешинчи ва олтинчилари бир ярим ҳжо қимматида, яъни бир қисқа ва бир тўлиқ ҳжо ҳсобланади.

Ўзбек тилида узун чўзғили баъзи шеваларни назарга олмаганимизда аксарият блан ҳжо тузулиши тубандагичадир:

- |   |                            |
|---|----------------------------|
| I. Бир товуш бир чўзғи<br>ё биргина чўзғи | ма, на<br>у, а(ка), и(диш) |
| II. Бир чўзғи икки товуш                  | ман, сан, сиз              |
| III. Бир чўзғи уч товуш                   | торт, қирқ, сирт.          |

Аруз вазнида бу уч хил ҳжодан биринчиси қисқа ҳжо, иккинчиси ва учинчиси тўлиқ ҳжо ҳсобланади. Хоҳ ўзбекчада, хоҳ форсчада қисқа ҳжо мисраънинг охирида ё ички туроқ<sup>1)</sup>ларининг бирида бўлса, тўлиқ ҳжо қимматини олади.

Демак, биз араб-эрон ва ўзбек тилларидағи ҳжоларни аруз нуқтаи назаридан қисқа, тўлуқ деб асосан иккига ажратамиз. Булар учун ишоратлар олайлиқ:

V    қисқа ҳжо  
—    тўлуқ ҳжо

Шу ишоратлар блан бармоқ вазнлари системасини ҳам аруз вазнлари системасини навбат блан текшириб, бу икки система орасидаги асосий айрмани майдонга чиқариш мумкун.

«Алномиш» достонидаги 11 ҳжолик манзумалардан бир парча кўрайлик:

1. Олмадай сарғайди / гулдайин дидор
2. Мунғайиб йиғлайди / мендай муштипар
3. Ҳўжа келса чиқар / мурид назири
4. Қотин бўлмаймikan / эрдинг вазири
5. Эр деганнинг / ақлин олмай / бўлурми

### Схемаси

1. — V — — — — / — V — V —  
 2. — V — — — — / — — — — —

<sup>1)</sup> Мисраънинг маълум бир бўлагида дам олиш, туриш ўрнига «туроқ» дедик. Асарда (1) ишорати билан кўрсатиб борамиз. Олмадай сарғайди / тулдайин дидор.

3. VV — VV — / V — VV —
4. V — — — V — / — — VV —
5. — V — — / — V — — / V — —

Мана бу шеър бахши шеъридаги вазн схемасининг характерини кўрсатади.

Энди халқ ашулаларидан бир-икки парча оламиз (ҳар турли англашилмовчиликларга йўл қолдирмаслик учун шуни арз қиласманки, мен бунда «халқ ашулалари» деб (наво, баёт, ушшоқ) каби классик кўйларни олмайман:

- I. Чумчуклар / чирқиллади  
Шом бўлганга / ўхшайди  
Юраклар / жигиллади  
Ёр келганга / ўхшайди
- II. Калдирғоч / қора бўлур  
Қаноти / ола бўлур  
Ёшлиқда / берган кўнгул  
Айримлас / бало бўлур

### Схемаси

I.	— — —	— — — —	II.	— — —	V V V —
	— — — —	— — —		V V —	V V V —
	V — —	V — — —		— — —	— — V —
	— — — —	— — —		— — —	V V V —

Мана шу схемалардан кўруладики, бармоқ вазни шеърлари ҳжоларнинг сонига аҳамият берадилар ва бир мисраъни ташкил қиласан маълум миқдордаги ҳжоларни туроқлар воситаси блан айрим тўпламларга ажратадилар-да, шу туроқларнинг жойини белгилаш блан керак бўлган оҳангни таъмин этадилар.

Аруз вазнида эса ҳжоларнинг камияти блан кайфияти<sup>4</sup> айни даражада асосий рол ўйнайди. Мисраъларда ҳжоларнинг сони эътиборга олингани каби қисқа, тўлуқ ҳжоларнинг биринчи мисраъларида ҳам айни тарзда такрор этади ва бу лозимдир<sup>1).</sup>

Илгарида аруз қоидалари ҳам аруз вазнлари ҳақида етарлик тафсилот бермакчи бўлганимиз учун бунда бир-иккигина мсол блан қаноатланамиз.

Ўн тўрт ҳжоликлардан икки парча:

- I. Бизга нега ул оҳу қарашнинг назари йўқ  
Тешланса бағир, куйса юрак ҳам хабари йўқ.  
— — V      V — — V      V — — V V — —  
— — V      V — — V      V — — V V — —
- II. Гулчехралар жаҳонда агар сад ҳазар эрур  
Сайд этгувчи кўнгул қошини бир игор эрур  
— — V.      — V — V V — — V — V —

<sup>1)</sup> Араб шеърида ва эрон шаърида ҳам баъзи мустасно каби ўрунлар бор. Бу ҳолда илгарида тафсилот берамиз.

— — V — V — V V — — V — V —

Ўн бир ҳжоликлардан уч парча:

I. Қўкарди чаман, навбаҳорим қани

Саҳиҳ сарв бўйлуқ нгорим қани

V — — V — — V — — V —

V — — V — — V — — V —

II. Саҳар ким гулшан ичра гул очилғай

Гул узра турмай сумбул очилғай

V — — — V — — — V — —

V — — — V — — — V — —

III. Бўлмаса гар ул санами гулғизор

Бизга ҳазондек ўла бу навбаҳор

— — VV — — V V — — V —

— — VV — — V V — — V —

Юқоридағи икки ўнтуртликнинг айрмасини тубандаги схема кўрсатади:

I. | — — | V V | — — | V V | — — | V V | — —

II. | — — | V — | V — | V V | — — | V — | V —

Тубандаги схема маскур уч ўнбирликнинг айрмасини кўрсатади:

I. | V — | — V | — — | V — | — V | —

II. | V — | — — | V — | — — | V — | —

III. | — V | V — | — V | V — | — V | —

Мана бу схемалардан очиқ кўринадики, аруз вазнида ҳжоларнинг камияти (сони) гина эмас, қисқалиқ, тўлуқлик кайфияти (сфати) ҳам жуда катта рол ўйнайди, тўлуқ ҳжоларнинг тизилиш тартиби ўзгарганча янги-янги вазнлар майдонга келади.

Мана бу хусусият бармоқ вазни системасида йўқ.

Бармоқ вазнларидан бири блан ёзилган баъзи шеърларнинг баъзи мисраълари орасида қисқа, тўлуқ ҳжоларнинг тизилиш тартибида бирлик бўлса ҳам:

а) бу бирлик бутун шеър бўйича давом этмайди;

б) бу бирликнинг ўзгариши блан янги вазн майдонга келмайди.

Шу блан менинг бу ишимнинг биринчи фасли, аруз вазни ва унинг бармоқ вазни системаси блан асосий айрмаси ҳақидағи фасл битди. Лекин аруз вазни тўғрисида сўзланар экан, Мён Бузрукнинг «Ижодий йўлимиз ҳақида»<sup>5</sup> деган мақоласидағи баъзи янгилиш жойлари устида тўхталмай бўлмайди.

Мён Бузрук ўз мақоласида арузниң тарихий ўсуши ҳақида «маълумот» берганда шу масалани орага ташлади.

Ўзбек шеърида аруз ва бармоқ вазнлари унсурларининг бирлашмагидан ҳосил бўлган учинчи хил вазнлар бор ва бу фикрни тубандагича изоҳ қиласди:

«Ҳоким синф, юқори табақа орасида туғулиб ўса борган аруз вазни то эскидан халқ адабиётига ҳам таъсирини кўрса-

тар эди» «XII ва XV асрлар ораларида Ўзбекистонда ёлғиз юқори табақа адабиётида эмас, балки оммага қаратилиб ёзилган асарларда ҳам арузниң таъсири очиқ кўрунади. Масалан, шу замонларда аruz вазнидан таъсирланган, лекин унинг ўзи бўлмаган ва масса орасида умумлашкан «туйғулар»да (эҳтимол, туюқлардир.— Фитрат) қуидаги оҳангда бўлган парчалар кўп учрайдилар» дегандан сўнг икки парча кўрсатади ва бу икки намунани кўрсаткандан кейин ўз сўзида давом қиласди:

«IV ва V аср аввалдан қолған бу халқ адабиёти парчалари тамоман аruz вазнида ёзилмаган бўлсалар-да, унинг тақлиди блан, ундан катта таъсирланиш блан ва уни бармоқ вазни блан бирластириш блан ёзилганлар...»

Бу, Мённинг биринчи далили. Энди биз Мён томонидан кўрсатилган маскур икки намунани схемалари блан кўрайлик:

Қўлға олиб дўмбирам чертар уни тирнағим  
Борди-келди мақомим келиштирган бармағим  
Тилим зикрин сўйлайиб, кўнглим фикрин ўйлайиб  
Сўйлаганда кўринар кўргулиги (кўргулик) оқ тамағим

— V | V — | — V | — | — — | V V | — V | —  
— V | — V | V V | — | V — | — — | — V | —  
V — | — — | — V | — | — — | — — | — V | —  
— V | — V | V V | — | — V | — — | V V | —

Сабо эсаюр кўр, ёғоч енг солур  
Булут йиғлаюрда чечаклар кулур  
Бу мундағ чечаклика кўнглим букун  
Сенинг бирла<sup>1)</sup> ўлтуриб овумоқ тилар

V — — V — — V — — V —  
V — — V — — V — — V —  
V — — V — — V — — V —  
V — — V — — V — — V —

Мана бу икки схема жуда яхши кўрсатадики, маскур икки парчанинг биринчиси бармоқ вазнида, иккинчиси аruz вазнида айтилгандир.

Мён томонидан кўрсатилган бу икки парчанинг биринчиси ҳақида юқоридағи схемадан бошқа бир нарса айта олмасам ҳам, иккинчиси ҳақида шуни айта оламанки, шу парча ҳақида Мённинг учала ҳукми ҳам янгиш берилган:

1. «Аruz вазнида ёзилмаган» деган. Бу парча аruz вазнида, буни схема блан кўрсатдик. Бу вазннинг аруддаги исми «Мутакориб мусамман маҳзуф». Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си, Юсуф Ҳожибининг «Қутадғу билиг»и шу вазнда.

2. Буни «халқ адабиётидан бир парча» деган. Бу ҳам тўғри эмас. Бу парча «Қисас ул-анбиё»дан олинган. Автори Фозий

<sup>1)</sup> Мённинг мақоласида «блан» ёзилган. Менинг кутубхонамда чиқсан ёнг эски қўлёэмада «бирла» ёзилган, тўғриси ҳам шу. Чунки, бизнинг бу кунги «блан»имизнинг қадим шакли «бирла»дир.

Носириддин ибни Бурхониддин. Асар янгигина ислом динини қабул қылған Носириддин Оқбўға исмлик бир бекка диний тарбия бериш мақсади блан ёзилган. Демак, сарой аристократияси ҳам руҳонийлар адабиёти.

3. «Тўрт-беш аср аввалдан қолған» дегани ҳам тузук эмас. Асар 1310 да, яъни олти юз йиғрма беш йил (6 аср) аввал ёзилган!

Мённинг иккинчи далили ҳам менга қоронғи, у кши биринчи далилдан натижага каби чиқариб, иккинчи далилни ёзади:

«Ўз асарларини кенг массага тақдим қилучи Аҳмад Яссавий, Боқирғоний, Муҳаммад Солиҳ, Ҳувайдо, Сўфи Оллоёр, Мажзуб Намангоний каби бир қанча ёзучилар арузни бармоқ вазни блан бирлаштириб ва аралаштириб ёза бошлаганлар...

Мана бу йўллар блан Урта Осиёда ўзбек адабиёти соҳасида аруз ва бармоқ оҳангларидан бирлашган ва ҳар иккисидан элементлар олиб тузулган йўллар туфулар эди».<sup>6</sup>

Бир дафъя ўйланғ, Яссавий 12 нчи асрнинг одами, Муҳаммад Солиҳ 15—16-асрлар одами, Мажзуб Намангоний 18 нчи асрнинг одами. Юрада олти аср бор. Бу олти аср орасида ўз замонларининг машҳур шоирлари аруз блан бармоқ вазнларини бирлаштириб ёза бошлайдиларми? Яссавий ҳам ёза бошлагану,... бундан олти аср кейин келган Мажзуб ҳам ёза бошлаганми? Бу олти асрлик «ёза бошлаш»ларнинг бир камоли, мукаммал бир натижаси йўқми?

Олти асрнинг қувватли шоирлари томонидан таъқиб этилган бу бирлашган, бир-биридан элементлар олган вазн камолга эришмадими? Ишланган ҳаммага маълум учинчи бир вазн системаси бўлиб майдонда туролмадими? Ҳолбуки, биз буни кўра олмаймиз. Энди Мённинг бу «учинчи вазнида» ёзган шоирларни кўрайлик:

Аҳмад Яссавийнинг ҳикматлари, Боқирғонийнинг ҳикматлари қўлимизда (бор) ҳамда босилган ҳолда. Бири устод, бири шогирд бўлган бу икки сўфий шоир ўз замонларида кўчманчи аристократиянинг идеологлари — шуларнинг шайх ва шоирлари эдилар.

Букун девонларини текшира оламиз. Яссавийнинг аруз вазнида ёзилган шеърлари 4—5 дан ошмайди. Боқирғоний ҳам шундай. Мённинг ҳали ўзи томонидан ҳам моҳияти очилмаган учинчи вазнидан уларда ҳеч нарса йўқ. Муҳаммад Солиҳ эса ҷатой сарой шоирларидан ҳам амалдорларидан, отаси Нур Саъидбек ҳам шундай. Буларнинг иккаласи ҳам қувватли форс шоирларидан саналадилар. Муҳаммад Солиҳ шеърлари кўпроқ темурийлардан Абу Саъид мирзо, Ҳусайн Байқаронинг саройларида айтилган. Бу саройларда бармоқ вазни блан шеър ёзилмади. Ёзилса ҳам қабул этилмади<sup>1)</sup>.

<sup>1)</sup> Темурий саройларнинг катта адабиёт назариячиларидан бўлган Навоий эрон классикларига юз фоиз эргашмаган сарой шоирларига «туркона» ёзади деб тош отарди.

Мұхаммад Солиқ темурий саройларидан қочиб, ўзбекларга құшулғандан кейин яна Шайбонийхоннинг «ҳузур шоири» бұлып, унинг блан юрди. Ўзбек хони Шайбоний хизматида беш-олти йилгина яшаган. Мұхаммад Солиқ ўзининг «Шайбонийнома»сini үнга (Шайбонийга) тақдим қилиб ёзди.

Бу характеристерда бұлган бир сарой шоирини била туриб «ўз асарларини массага тақдим қилиб ёзған» демак, албатта янгалиш бұлғани каби, унинг «аруз ва бармоқ вазнлари»ни бирлаштириб, «аралаштириб» шеърлар ёзди демак ҳам далилсиз, нотұғри бир даъво. Унинг «Шайбонийнома»си арузнинг «рамал-мусаддас-маҳбун-маҳзуғ» вазнида ёзилған. Ҳалигача жуда оз топилған форсича, ҹатой-ўзбекча шеърларнинг ҳаммаси аруз вазнида.

Хувайдонинг девони блан маснавий асари босилған, жуда күп топилади. Унинг маснавий асари аруз вазнида, ғазаллари аксарият блан аруз вазнида, 6—8 таси бармоқ вазнида. Яссавийга әргашиб ёзилған. Мажзуб ҳам айни ҳолда. Бұлардан ҳеч биртасининг олти асрдан бери ишланиб келған мазкур «учинчи вазн»да шеърлари йўқ.

### АРУЗ ВАЗНИНИНГ ТАРИХИЙ ҮСУШИГА БИР ҚАРАШ

«Гап ритми» келиб чиқишининг меңнат билан боғланиши, унинг меңнат узвларининг ҳаракатларига алоқаси, меңнат узвларини ҳаракатта келтиришга, ҳаракатларини нзомга солишга ёрдами ва бошқалар, умуман гап ритмининг айрим бир күриниши бұлған аруз вазниning келиб чиқишини ҳам яхшилаб изоҳ қиласы. Араб ва эроннинг энг эски шеър вазнларини яхшилаб текширганда, бу тұғрида күп материаллар топиб чиқариш ҳам мүмкін.

Мен қўлимдаги оз материал блан, бу асарда бу ҳақда узоқ турға олмайман. Араб, эрон шеърларининг қадим вазнлар ва айниқса халқ адабиётларига оид етарлик материаллар менда йўқ. Шунинг учун мен аруз вазниning нисбатан сўнгги даврларини оламан. Иқтисодий ҳаётнинг ўзгариши, жамиятнинг табақаланиши блан синфларнинг ижтимоий мавқеъларига кўра тил, ифода йўллари, образлар ва шулар блан бирга вазн ҳам мураккаб вазифалар олиб, бурунғи баситликларини<sup>7</sup> йўқотади. Мураккаблана бошлайди. Мен ўз замонида мана шу омиллар на-тижасида ўзининг бурунғи баситлигини йўқотиб, мураккаб ва мукаммаллашган «аруз» вазнлари системаси ҳақида гапираман.

Араблар ўз шеърларининг вазнини бошлаб түя юришининг «ритм»идан олингани ҳақида баъзи афсоналарни рвоят қиласылар. Бу афсоналарнинг, албатта, илмий қиммати йўқ. Шундай бўлса ҳам бурунғи замонларда, ҳатто, яқин асрларгача арабнинг иқтисодий ҳаётида түяниң жуда катта роли борлиги маълум. Түяниң юришини теззлатиш учун араб түячиларининг

максус ашуладлари бөр. Бу ашуладардаги ритмнинг түя юришига яхши таъсир қылғанини күрган сайёхлар хабар берадилар, ҳатто, машхур Саъдий Шерозий «Уштур ва шеъри араб дар холатаст у тараф»<sup>8</sup> каби форсий байтлар блан бу ҳодисага қандайдир бўлмағур, идеалистик қимматлар бермакчи бўлади. Биз албатта, ундай идеалистик қимматларға ишонмаймиз. Бу ҳодисани түяга ритмнинг таъсири деб изоҳ қиласиз. Бундан бошқа арабнинг эски шеър вазнларидан бири «Ражаз»дир. «Ражаз»— сўзининг маънолари орасида «дам юриб, дам турувчи түя» маъноси бор. Ҳатто, аruz илмида қабул этилган «ақл», «ҳазм», «касф» каби баъзи терминларда ҳам шу түя ва туячилик ҳаётининг кўриш мумкин<sup>1)</sup>.

Мана буларнинг ҳаммаси бурунғи араб ҳалқ адабиётида туячилик ҳаётининг назарга олинарлик излар қолдирғанини ва араб фолклорига суюнган «аруз»нинг ундан таъсирланганини кўрсатмакдадир.

Ҳар ҳолда араб шеърининг вазни аruz қоидалари тузилгандан анча замонлар илгари ўзининг эски баситлигини йўқотган, мураккаблашган. Букун, аruz терминидан англашулатурган ҳолатга кира олган эди. «Тавил, вофиқ, комил, басит, ражаз, ҳазаж» баҳрларидан вазнлар тузилган эди. Мусулмон араб давлати тузулиб, ҳоким синф ўзининг давлат ишларига, эксплуатация ишларига қурол қилиб шеърни ҳам олгандан кейин, унга айрим аҳамият бера бошлади.

Араб шеърининг тузулиш ўйларини ўрганиб, қоидага солиб кенгайтирмак чоралари тушунила бошлади. Шу синфнинг олимларидан Халил ибн Аҳмад<sup>9</sup> (731) бу мақсад учун араб ҳалқ адабиётини (араб фолклорини) жиддий сувратда текшириди. Араб шеърининг намуналарини тўплади ва эҳтимолки, арабларга қўшни бўлган ҳалқлардан ҳам имкон доирасида фойдаланиб, букун билганимиз аruz қоидаларини тузуб чиқди.

Халилнинг қадим юонча билганини назарда тутиб, баъзи олимлар «Араб арузи юононлардан олинган» десалар-да, бу Фикр кўпчилик томонидан рад қилинмоқдадир.

Ҳақиқатан ҳам аruz қоидаларининг тузулишидан бурун ўткан араб шоирларига нисбатан берилган шеърлар ва аruz қоидалари тузулар экан, кўчманчи араб ҳаётидан олинган инъикослар Халилнинг араб фолклоридан қанчалар таъсирланганилиги очиқ кўрсатмакдадир.

Халил томонидан асосан араб ҳалқ адабиётига суюниб вужудга келтирилган бу аruz системаси бошлаб бир кўп қаршилиқларга учради. Ҳатто, машхур араб тилшуносларидан Ахфаш (785 ларда ўлган)<sup>10</sup> бунга қарши янги бир система тузиб чиқар-

<sup>1)</sup> Ақл: түя аяғини боягламоқ, ҳазм: түяниң бурнидан ҳалқа ўтказмак,kasf: түяниң товонини кесмак.

ди. Броқ, Халил системаси<sup>1)</sup> бора-бора ўз тарафдорларини күпайтирди, күп назариячилардан ҳмоя кўриб, ўз мавқеини мустаҳкамлай олди ва араб халқ адабиётини юз фойз ўз рамкаси ичига ололмаган бўлса ҳам, араб классик шеърининг «қонуний вазн» системаси бўлиб қолди. Халилнинг тарафдорлари бу системанинг юз фойз араб шеърига суялиб тузулганини даъво қилиб, бу системага кирмаган вазнларда шеър ёзишни қатъий сувратда манъ қиласидар. Ҳолбуки, душманлари бу системага бир кўп чет вазнларнинг ҳам кириб қолғанини сўзлайдилар. Ҳар ҳолда Халил системасида асосан араб халқ адабиётига суянган ҳолда, баъзи қўшни халқлардан ҳам фойдаланиб, араб шеър вазни хусусиятларини сақлаш шарти блан баъзи янги вазнлар тузулгани аниқ каби кўрунади.

Эроннинг араб истилосидан бурунғи сосони(й) феўдализм даврида шоҳ, феўдал саройларида кўзга кўрунарлик бир шеър ва музика ҳаёти борлиги маълум. «Барбод», «Накиса», «Саркаш» каби шоир — чолғувчиларнинг ижодларига ва санъат ҳаётларига оид муҳим маълумотлар «Шоҳнома», «Хамсай Низомий», «Бурхон Қатеъ»<sup>11</sup> каби маъҳазларда бордур. Бу ва булардан ҳам эскирак маъҳазларга суяниб, олимлар сосони(й) даври шеърининг назм блан наср орасида бўлиб ҳжоларнинг сонларигагина риоя қилиш блан тузилганини бир оғиздан ха-бар берадилар. Бу асосан тўғри.

Лекин ... ҳеч шубҳа йўқки, арабларда ҳам энг ибтидоий шеър вазни «Насри Мусажжаль» (қофияли наср) бўлган «ярим назм» тарзида бўлиб, унда ҳам букунги аruz вазнида кўрганимиз ҳжоларнинг кайфиятига аҳамият бериш хусусияти йўқ эди. Бора-бора ҳаёт, жамиятдаги синфий муносабатлар ўзгарди. Ҳоким синф иқтисодий ва маданий томондан юксалди, унда янги тушунишлар, янги-янги қарашлар, янги образлар туғулади. Шуларнинг талаби блан шеърда ҳам, тил хусусиятларининг йўналишига мувофиқ сувратда янги вазнлар пайдо бўлади, тараққий қиласиди. Араб шеър вазнининг аruz вазнига тараққий қилишига йўл очган шу шароитлар сосони(й) феўдализм даврида эрон шеър вазни учун ҳам бор эди.

Шунинг учун эрон шеър вазнининг-да араб истилосидан ва араб аruz қоидаларининг қабулидан аввал, бугунги аruz вазнига (яъни, ҳжо кайфиятларини эътиборга олган вазнга) чиққан бўлиши мумкун. Мана шу эҳтимолни ёқловчи фактлар ҳам йўқ эмас, бор:

<sup>1)</sup> Халилнинг фикрига кўра, икки мисраъдан иборат байтагина «шеър» дейиш мумкин, «Байтнинг луғат маъноси» уйдир. «Байт»нинг асосий ҳжодасталарига (стопаларга) уйнинг қаноти (девори) маъносига келган «рукни» исми бериладир. Кўйманчи араб уйи чодирлар. Чодирда тўрт қанотнинг таянч нуқтаси бўлган ўртадаги трек «аруз»дир. Байт рукиларнинг ҳам таянч нуқтаси саналган бир рукига аruz исми берилган. Чодирни тикмак учун арқон (сабаб), мих (ватад) ва чодир этакларини очиқ сақлашға ёрдам қилувчи таяқлар (фосилалар) керак. «Байт рукилари»нинг майдада бўлаклари-га ҳам «сабаб», «ватад» ҳам «фосила» исмлари берилган.

а) «фаҳлавият» унвони блан машҳур ва қадим Эрондан қолғани шубҳасиз бўлган Эрон халқ шеърларидан бир қисм тўртниклар «ҳазаж мусаддас маҳзуф» аталган, вазнга тўғри келади;

б) яна шу «ҳазаж» баҳрининг «аҳрам ва ажраб» навълари блан ўлчашга урунилган классик «рубоъи»ларнинг келиб чиқиши ҳақидаги рвоятлар, бунинг ҳам эски эрон вазнлардан эканини кўрсатади. Рубоъининг қурилишини Рудаки(й) шу даврнинг бир шоирига нисбат берган. Ибни Қайс<sup>12</sup> рубоъининг Эронда жуда ҳам умумий бўлиб, ҳаддан ошиб севилиб ўқулғани ва маҳсусан хотин-қизларнинг бунга жуда ҳам берилгандиклари ҳақида узун тафсилот беради. Ҳолбуки, бир-икки шоир томонидан тасодифан тузилган бир вазннинг бу қадар севилиб қабул этилган бўлуши шубҳалиди;

д) «Табодат уш-шуаро», «Табари(й)», «Оғани» каби араб маъхазларидан<sup>13</sup> рвоят этилган бир-икки шеър:

Об аст-у табизаст  
Асорат забибаст  
Самия рӯ сапид аст  
Аз Ҳўталон омадия  
Бару табоҳ омадия  
Обар боз омадия  
Хўшк назар омадия

ҳам аruz вазни системасига жуда яқин туради. Мана бу фактларнинг ҳаммаси бизнинг нуқтайи назаримизни, яъни араб истилосидан бурун эрон шеър вазни бу кунги аruz вазни тузулишига тўғри бир тараққий ҳаракати кўрсатганини қувватлайди.

Араб истилосидан кейин форс адабиёти учун ҳам араб аruz назариялари (Халил ибн Аҳмад томонидан тузулган аruz қонидалари) қабул этилди. «Байт», «Мисраъ», «Рукн», «Ажаз», «Асли(й) рукнлар», «Фаръи(й) рукнлар», «Зуҳофот», «Баҳр», «Вазн» лар тақсимоти, «баҳр» ҳам «вазн» исмлари айнан қабул этилди.

Мана шу олиш-беришнинг жуда характерли ва дикқат этарли бир томони бор: Эрон феўдал аристократияси араб истилосидан кейин унинг сиёсий, диний ҳокимияти остига кирган, истилочи араб аристократиясининг тамсиллаштирув сиёсатига маъруз қолған. Қисман мажбурий ва қисман бошқа йўллар билан улардан диний, маданий, сиёсий бир кўп нарсалар олмоқда эди. Иккинчи жҳатдан қарағанда, Эрон феўдал аристократияси араб истилочиларига рақиб назари билан қарап, уларни ҳокимиятни қўлидан (нонни оғзидан) тортиб олган истилочилар деб булар ва уларнинг ҳокимиятидан тамсил сиёсатидан ўзини қутқармоқ учун кураш олиб бормоқда эди<sup>14</sup>). Мана шу бир-бирига қарши икки таъсир натижасидирким, эрон феўдал аристократияси араблардан нма олған бўлса, айнан олмади, ўзгартиб,

<sup>11</sup>) Бу ҳақда Фирдавси(й) ҳақидаги мақоламиизда<sup>15</sup> баъзи тафсилот бор.

унга ўз хусусиятларини тақиб олди ёки олиб тақди. Биз адабиёт соҳасида ҳам айни шу ҳолни кўрамиз.

Эрон феўдал аристократияси араб арузининг нисбатан умумий қоидаларини, назарий томонларини қабул қилишиға қарамасдан форси(й) шеър вазнларнинг муҳим хусусиятларини ҳам унга сингдира бошлади. Шундай бўлиб, айрим бир «форси(й) аруз» майдонға қўйулди. Мана бу «форси(й) аруз» назарий томонларда, умумий қоидаларда, тафсилот ва терминларда «араб арузи»нинг айнан деярли копияси бўлса ҳам, бошқа томонлардан ундан ажралади.

Эрон форси(й) арузини араб арузидан ажратган хусусиятларининг энг муҳумларидан шуларни кўрсатиш мумкун:

а) араб арузида шеърда воҳид қёси «байт», яъни икки «мисраъ» деб қабул этилади. Асосан жуда тўғри бўлган бу қараш араб шеърининг тузулишида хунук бир из қолдиради:

Араб шоирлари шу нуқтаи назарга суюниб, баъзан бир сўзни икки мисраъга бўлиб берадилар, Ал-Маарийнинг<sup>15</sup> шу байти: «Ай шаби асобак мискин ахти рахист болусуос». Эрон шоирлари ҳам шеърда воҳид қёси байтни қабул қилғанлари ҳолда юқоридағи ишни қилмайдилар. Улар сўзни ҳар мисраъда тамом беришни амалда ёқлайдилар.

б) Араб арузи байтнинг бир мисраъдан иккинчи мисраънинг бир, икки, ҳатто уч ҳжо камайтиришни қабул қиласди, фақат бу камайтириш мисраънинг охирги ё аввалги рукнида (стопасида) бўлади.

с) Араб арузи ҳар вазнда мисраънинг охирги ва аввалги рукнида қисқа, тўлук ҳжо тартибини бузушдан ҳам тортинмагани ҳолда эрон арузи сезилмайдиган бир, икки вазндан бошқа вазнларда буни ҳам қабул қилмайди.

д) Араб арузида олти руқн (чтана) дан тузилган вазнлар эрон арузида 8 рукндан тузулади.

ж) Араб аруз вазнлари Халил системасига кўра 15 баҳр бўлса ҳам сўнгра Ахфашдан бир баҳр олиб ўн олти баҳрга чиқарилган. Эрон арузи булардан 5 баҳрни чиқариб, яна учта янги баҳр қўшиб, 14 га тўхтатади. Сўнгларари мазкур чиқарилган беш баҳрдан ҳам шеър ёзилиб, Эрон арузи 19 баҳрга чиқарилади<sup>16</sup>.

Мана бу хусусиятлар блан эрон арузи араб арузидан ажралади. Ёҳуд, эрон арузи эрон адабиётига кирап экан, мана шу хусусиятларни қабул қилиб киради.

Муносабат бор экан, шуни ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, араб арузи араб халқ шеърларини ўз рамкасига юз фоиз киргиза олмагани каби эрон арузи ҳам эрон халқ ашулаларини юз фоиз ўз рамкасига ололмагандир.

Ўрта Осиё турки(й) адабиёти учун қабул этилган аруз мана шу эрон адабиётида ишланган ва Шамси Қайс<sup>17</sup> каби арузчилар томонидан «Аруз(и) форси(й)» аталган аруздир. Биз бунга «араб-эрон арузи» деймиз. Турки(й) назмларга бу аруз вазнларининг қачондан кира бошлаганини билмаймиз. Аруз вазни-

да ёзилгани илм дунёсида букун маълум бўлган энг қадим асар «Қутадгу билиг» китобидир. Юсуф Хос Ҳожиб бу асарни айнан «Шоҳнома» вазнида («мутақориби мусаммани маҳзуф») ёзган ва ўз тилининг ҳеч бир турли хусусиятини вазнга бермаган. Лекин, Мён Бузрукнинг айтканидек, «Унда вазн хатоларининг кўп учрагани кўрулмайди<sup>17</sup>. Вазн ўз замонига кўра мукаммал, деярлик даражада муваффақиятли тадбиқ қилинган. Броқ унда турки(й) сўзларнинг баъзи чўзғиларини ортиқча чўзуш бор. Бу аruz вазнида туркча шеър ёзган ҳар шоирда озми-кўпми бор ва уларнинг ўзлари буни хато деб билмаидилар. Навойи, Бобир каби арузчилар буни хато санамаганликла-ри каби ўз шеърларида ҳам бор.

Урта Осиё феўдализм даврининг сарой адабиётида бу аruz билан ёниш ҳаракати давом қилиб, 15 ичи асрда ҷатоӣ сарой адабиётида жуда ҳам кучайди. Иш шунчалар кўтарилдики, сарой шоирлари орасида эрон адаби(й) анъаналарига юз фойз риоя қилмаганларга «туркона» ёзди деб тош отишлар ҳам бўлди. Навойи блан Бобир Мирзо аruz қоидаларини кўрсатарлик асарлар ёздилар<sup>18</sup>. Буларнинг на шеърларида, на аruz ҳақида ёзилган китобларида «аруз вазнида ёзаркан, ҷатоӣчанинг ху-сусиятларини сақлаш»<sup>19</sup> деган тамойилдан ҳеч бир из кўрилмади.

Ўзбек феўдализм сарой адабиёти ҳеч шубҳа йўқки, ҷатоӣ сарой адабиётига эргашади. Ўзбек хонлиги қурулишининг би-ринчи даврида ўзбек хонлари ва ўзбек кназларининг<sup>20</sup> саройла-рида шоирлик қилучиларнинг кўпи шул ҷатоӣ сарой шоирла-ридан ва шогирдларидан эдилар. Булар ҳам аruz вазнида ёзди-лар. Бу тўғрида Мён Бузрук шундай дейди:

«Ўзбек нафис адабиёти Олтин Ўрда ва ҷатоӣ адабиётлари-дан таъсир олиб келгани сабабли у адабиётларда умумий оҳанг бўлиб қолған аruz вазнини олиб ўзига маҳсус бир тусда қўл-ланмаға бошлади»<sup>21</sup>.

Мен, бу жумладаги «ўзига маҳсус бир тусда» деган ибора-ни англай олмадим. Қимнинг «ўзига маҳсус?»— арузнинг ўзига маҳсус тусдами ёки ўзбек адабиётининг ўзига маҳсус тусдами? Мённинг иккинчи сўзи буни очиб беради:

«Демак мумкунки, аruz вазни ўзбек феўдализм даврининг хориждан олиб ўзгаришлар билан ўзлаштирган ва замонамизга адабий мерос бўлиб қолған ижодий йўли эди».

Демак, бу «маҳсус тус» аруздан бурунғи ўзбек адабиёти-нинг хусусияти.

Ўзбек нафис адабиётида бу «маҳсус тус» имадан иборат эди? Арузга қандай татбиқ этилди? ва бу маҳсус туснинг аruz вазнлари кўруниши нма бўлди? Ўзгариш қай ерларда? Буларни

<sup>17</sup>) Мён Бузрук айтадики, «Қутадгу билиг» бу вазни тамом ўзлаштириб ета олмаган, унда вазн хатоларининг кўп учрагани кўрулади. Бу, Қўпрули-зода сўзларининг айнан тақоридан бошқа нарса эмас. Қўприлизоданинг сўзи: «Аруз қолибларини лай қила интбақдан узак ўлдиги учун асарда, бир тақим хатоларда тосадуф ўлнур» (Турк адабиёти тарихи)<sup>19</sup>.

таърифлар блан, памуналар блан кўрсатмасдан бундақа даъво блан чиқиши Мёнга мумкун бўлган ҳам, уни қабул қилиш бизга мумкун бўлмайди.

Холбуки, биз ўзбек феўдализм даври сарой ва мадраса шеърларида, яъни аruz блан ёзилган шеърларнинг вазнида бундай айрим бир хусусиятни кўрмаймиз.

Аruz вазнида ёзучи ўзбек феўдал даври шоирларидан баъзиларнинг баъзан ҳожо вазнида ҳам шеър ёзғанларини юқорида айтиб ўтган эдим.

Бу ҳодисани ҳам «аруз вазнини ўзбек адабиётига маҳсус тусда қўлламоқ» деб бўлмайди.

Яна бир дафъя такрор қиласман: бизнинг феўдализм даври адабиётида аruz вазни блан ёзучи сарой, мадраса шоирлари орасида бармоқ вазнида ёзган шоирлар бўлгани каби аксарият блан бармоқ вазнида бўлган ҳалқ ашулалири ва манзумаларида ҳам арузнинг баъзи қулай вазилари кирган. Яна илгарироқ бориб айтсан бўладики, бармоқ вазни билан айтилган ва ёзилган шеърларнинг баъзи айрим байт ва ярим мисраъларида аruz вазнининг оҳангини учратиш ҳам мумкун ва бор<sup>22</sup>. Лекин аruz ва бармоқ вазнларини аралаштиришдан, бир-биридан унсурлар олишдан ҳосил бўлган учинчи вазн системаси бўлмагани каби «ўзбек феўдализм адабиётига маҳсус тусда» бир аruz вазни ҳам йўқ. Шунда муҳум бир савол эсга келади: Эрон феўдал аристократияси аruz қоидаларини араблардан олганда уни ўзгартиб, унга ўз хусусиятларини тақиб сингдириб олган экан, Ўрта Осиё ҷфатой ва ўзбек феўдализм даврлари сарой адабиёти нега шундай қилмади? Қадим уйғур сарой адабиётчилари ҷфатой ва ўзбек сарой адабиётлари «араб-эрон» арузини нега айнан олганлар? Ўз тилларининг, ўз ҳалқ шеърларининг ҳеч бир хусусиятини нега аruz вазнига сингдиришга урунмаганлар?

Бу савол жуда муҳумдир. Бунга сўнгги ва қатъий жавобни беришга мен ботирлик қилолмайман. Броқ, шунчалик ҳақли бир саволни жавобсиз қолдиришни ҳам истамайман. Шуни ҳам айтиб қўяманки, менинг бу тўғридағи сўзларим юқоридаги саволга қатъий жавоб эмас, бир мулоҳазагина бўлиб қолади.

Эрон феўдал аристократияси арузни араблардан олар экан, унинг блан истилочи араб аристократияси орасидаги муносабатнинг хусусий бир кўруниши бор эди (буни бир муносабат блан юқорида кўрсатиб ўтган эдим): Эрон феўдал аристократияси бир жҳатдан истилочи араб аристократиясининг диний, сиёсий ҳегемониясида эди, унинг тамосил сиёсатига маъруз қолған эди. Иккинчи жҳатдан унинг рақиби эди; унга ҳокимиятни қўлидан (нонни оғзидан) тортиб олган рақиб деб қарар эди, маданий жҳатдан ўзини [иг]<sup>23</sup> улардан юқори тутганини яхши билар эди. Унинг тамосил сиёсатидан, тамсил этичи ҳокимиятидан қутулмоқ учун кураш олиб бормоқда эди. Шунинг учун, айниқса, мазкур кураш замонларида араблардан хоҳ жабрий сувратда, хоҳ бошқа йўллар блан нма олган бўлса айнан олма-

ди, ўз хусусиятларини тақишига, сингдиришга урунди. Эрон феўдал аристократияси айниңса мазкур кураш замонларидан араблардан ишма олган бўлса, ҳамасида деярлик шу хусусиятни кўра оламиз.

Мана шу ҳол, шу хусусият на қадим уйғур феўдализмининг, на ҹатой ва ўзбек феўдализмининг ҳоким синфи бўлган аристократияда йўқ эди. Улар араб, эрон аристократиясининг маданий жҳатдан ўзларидан юқори турганини қабул қилардилар, ўз маданий ишларини араб, эрон аристократиясидаги диний, маданий ҳаракатларнинг, мактаб ва мадрасаларнинг раҳбарлиги остида олиб бордилар. Араб, эрон аристократиясини ўзларига устод деб билардилар. Қадим уйғур феўдализмидаги ҳукумдорлик қилған қорахони(й) лар сулоласи ўз сарой ташкилотларини сомони(й) ва ғазнави(й) сарой ташкилотига ўхшатиб тузмоқчи эди ва тузган эди. «Қутадғу билиг» ктоби шу мақсад блан ёзилған эди. «Қутадғу билиг» эгаси қорахони(й) лар саройидаги ҳам сомони(й) ва ғазнави(й) саройларида бўлгани каби сарой шоирлари тутиб, сарой адабиёти яратишни тавсия қилиб ёзди.

Мана шу ҳол ҹатой аристократиясининг, сўнгра ўзбек аристократиясининг ҳокимиётлари замонида ҳам давом қилди. Шунинг учун, на «аруз»да ва на бошқа маданий масалаларда эрон аристократиясининг арабга нисбатан бўлган хатти-ҳаракатини таъқиб қилишга уринмадилар.

Яна такрор қиласман: бу мулоҳаза юқоридаги саволнинг сўнгги ва қатъий жавоби эмас, менинг бир мулоҳазамадир. Бора-бора, жиддий текширишлар давом этган сайнин яна тўғрироқ, яна ҳақиқатга мувофиқроқ жавоблар топилиши мумкин.

Аruz вазни инқилобгача жадид адабиётида ҳам шеър вазни эди...<sup>24</sup>

Яна бир масала устида бир оз турайлиқ. Аруз вазни ўзбек тилига тўғри келмайди, деганларнинг маълум бир далили бор: Гўё аruz «маддлик»<sup>25</sup>, яъни узун чўзғилик тиллар учун<sup>26</sup> тузулган. Ўзбек тилида узун чўзғи бўлмагани учун арузга мос келмайди.

Биз юқорида аruz вазнининг нма эканлигини ёзганда кўрсатган эдик: аruz вазнига энг катта ролни ҳжоларнинг «тўлуқ» ҳам «қисқа»лиғи ўйнайдир. Яъни, икки мисраъдаги ҳжоларнинг сон жҳатдангина эмас, тўлуқлик ва қисқалиқ жҳатдан ҳам баравар келишидан аruz вазни ҳосил бўлади. Аруз вазнида катта рол ўйнаган «тўлуқ» ҳжо, узун чўзғилик ҳжо қимматида эмас, «ёпиқ» ҳжо қимматида юради. Масалан: форси(й)ча: «баман», «гулам», «саман», «қалам» сўзларида «ба, гу, са, қа» ҳжолари қисқа бўлади. «Ман», «лам» ҳжолари тўлуқ бўлади. Шу мсолларнинг ўзи «тўлуқ ҳжонинг «ёпиқ» ҳжодан бошқа бир нарса бўлмаганини кўрсатиб туради. Узун чўзғиларнинг эса бундан бошқа хизмати бор: форси(й)чада чўзғиси узун бўлган очиқ ҳжо ҳам «тўлуқ» ҳжо саналади. Масалан: «ма, ра, та, ду, ру, су, я, ў» ҳжолари «ман, бар, сар, бир» ҳжолари блан бир қимматда юради.

Бизнинг ўзбек тилида «мен, сен, биз» каби ёпиқ ҳжо шу «тўлуқ» ҳжо қимматидадир. Шунинг учун аруз вазнининг тилга татбиқи имконсиз эмас. Лекин бунда диққат этарлик иккинчи бир масала бор: форси(й)чада ўйноқилиқ, тез қайрулатурғанлиқ, чўзги узунлиги каби баъзи хусусиятлар борки, унинг арузга мос келишига ёрдам қиласди. Масалан:

I. Форси(й)чада «оз» тўлуқ ҳжо: «ва оз» бир қисқа, бир тўлуқ ҳжо: V — ; «агар» бир қисқа, бир тўлуқ ҳжо: V — : «ва агар» икки қисқа, бир тўлуқ ҳжо: V V —

Шеърнинг вазни ижоб этса, буларни тубандаги шаклларга киргизиш мумкун:

зи	V
ваз	—
гар	—
вагар	V —

II. «Навис» бир қисқа, бир тўлуқ ҳжо: V —

Вазн талаб қиласа тубандаги шаклларга солиш мумкун:

бин вис	— —
бина вис	V V —

III. Ман аз ту — — — сўзининг шеър вазни талаб қиласа  
маназ ту V — —  
манасту V — V  
ман зиту — V —  
манзи ту — V V шаклларига киргизиш мумкун.

VI. ёр —

баз —

офтоб —

шароб —

шеър вазнида булар мисраъ охирида бўлмаганда:

— V

— V

— V — V

V — V қимматини беради.

V. Сийоҳ, моҳ, роҳ, кулоҳ, коҳ, чоҳ сўзлари сийаҳ, маҳ, раҳ, кулаҳ, каҳ, чаҳ формасида ишлатилади.

VI. Қалами хуб V V V —

Ктоби ман V — — — сўзини шеър вазнида

Қалами хуб V V — —

Ктоби ман V — — — ўлчовида ўқиш мумкун.

VII. «Сен» олмошининг форсичаси «ту», бунинг қисқарилғани «т», «мен тунов кун сенга нон бердим» жумласининг форси(й) часи

Ман дируз бату нон додам.

— — — V V — — —

Буни шеър вазнида тубандаги формаларга солиш мумкун:

а) Манат дируз нон додам

- V — — — / — — —
- б) Ман дирузат нон додам  
— — — / — — —
- с) Ман дируз нонат додам  
— — — — —
- д) Ман дируз нон додамат  
— — — / — — V —

Мана шулар каби тилни аruz вазнига мос қиласлиқ хусусиятлар ўзбек тилида йўқ.

Шунинг учун бизда аruz вазнида шеър ёзиш истар-истамас форси(й)ча, арабча сўзларни тилга тортишга йўл очади ёки ўзбекча сўзлардаги ҳаддан ташқари чўзушга олиб боради. Аruz вазнида шеър ёзмоқ учун шу қўинилиқдан бизни қутқара оларлиқ даражада тилдан бой бўлишимиз лозим.

### АРУЗ ВАЗНЛАРИНИНГ ТУЗУЛИШ ҚОИДАЛАРИ

Менинг бу ишим бир ёқдан текшириш иши, шунинг учун арузининг асосий нуқталарини олиб танқид ва изоҳ қиласман. Йиккичи ёқдан ёш шоирларимизга арузининг бор-йўғини очиб бермакчиман. Шунинг учун ишни қулайлаштирувчи янги бир система қўйушга урунаман.

Араб, эрон арузи юқорида кўрулгани каби шеърда воҳид ёёси қлиб «байт» ни олади. «Байт» икки мисраъга бўлунади. Бир мисраъ икки, уч, тўрт ҳжо тўпламига (тўрт-беш стопага) акралади. «Ва бу тўплам»ларга «рукн» исми берилади. Жаъми «аркон» бўлади.

Бу рукилар (стопалар) ҳар вақт бир хил бўлмайди. Буларнинг турларини белгилаш учун ҳжога мурожаат қиласилар. Шунда ҳжоларнинг асосан қисқалиқ, тўлуклиқ сфатларига диққат қлиб, шуларнинг тизилиш тартибини назарга олганда масалани жуда тўғри ҳал қилган бўлардилар. Лекин, шундай қилинимади. Ҳеч қандай илмий лсоний асосга суюнмасдан, ҳжоларнинг бир-бирига қўшулишлариға кўра тубандагича тахсим этдилар ва ҳар қисмга бир исм қўйдилар:

ҳжо:

—  
V V  
V —  
— V  
V V —  
V V V —

исми:

сабаб хафиф  
сабаб сақил  
ватад мажмуъ  
ватад мафруқ  
фосилаи суғро  
фосилаи қубро

Бу «Халил мактаби» нинг биринчи янглиши бўлди. Арузчилар бундан сўнгра шул юқоридағи: «сабаб», «ватад»лардан «байт»нинг рукиларини туздилар.

- 1) V — —  
2) — V —

фа у́ лун  
фо и лун

- |              |                |
|--------------|----------------|
| 3) V — — —   | ма фо и лун    |
| 4) — V — —   | фо и ло тун    |
| 5) — — V —   | мус таф и лун  |
| 6) V V — V — | му та фо и лун |
| 7) V — V V — | му фо и ла тун |
| 8) — — — V   | муф ў ло ту    |

Шу саккиз рукндан ҳар биттасининг саккиз дафъя ёки иккисининг тўрт дафъя ё учтасининг икки дафъя такоридан бир байт ҳосил бўлади, дедилар:

Фаулун фаулун фаулун фаулун  
 Фаулун фаулун фаулун фаулун  
 Фоилун мафоилун фоилун мафоилун  
 Фоилун мафоилун фоилун мафоилун  
 Фоилотун мустафилун фоилотун  
 Фоилотун мустафилун фоилотун

Шу тариқа блан бу саккиз рукндан ўн олти вазни чиқарилди. Лекин иш бу блан битмади. Шеър вазни ўн олтигина эмас, кўп. Бир қанча вазиятларнинг рукнлари юқоридағи саккиз рукндан бошқача. Бундан қутулиш учун яна тамоман хаёлий ва ҳеч илмий асосга суюнмаган бир «йўл» топилди. Юқоридағи саккиз рукнга «асли(й) рукнлар» дедилар. Бошқа формада бўлган рукнларни шу «асли(й) рукнлар»нинг қисқартилиши ёки ортилишидан ҳосил бўлган «фаръи(й) рукнлар»<sup>27</sup> деб олдилар. Йигирма еттига фаръи(й) рукн чиқди. Ҳамаси 35 рукн бўлди. 8 та асли(й) рукнларни юқорида кўрдик. «Зиҳофот»<sup>28</sup> деган узун ва кераксиз амалият (операциялар) блан ҳосил этажаги фарз этилган 27 та фаръи рукнлар була:

фаилоту	V V — V
мафоилун	V — V —
фаилотун	V V — —
фоилоту	— V — V
Муфтаилун	— V V —
Мафулун	— — —
Фаилун	V V —
Файлот	V V —
Мафоилу	V — — V
Мафъулу	— — V
Фоилот	— V —
Фоъ	—
Фoa	— V.
Фaъ	V
Фаул	V —
Фъалун	— —
Фаулу	V — V
Фааъл	V —

ва ҳоказо

Бу фаръи(й) рукилардан ҳосил бўлган вазнларни ўн олти хил қилиб, ҳар хилини асли(й) рукилардан ҳосил бўлган ўн саккиз вазннинг биттасига қўшдилар. Шунинг блан мавжуд вазнларнинг ҳаммаси ўн олти хил бўлди. Ҳар хилига бир баҳр дедилар. Аруз вазнлари 16 «баҳр» саналди. Сўнгра эрон назариётчилари яна уч «баҳр» қўшиб, 19 «баҳр» га чиқардилар:

1— тавил	Араб
2— мадил	шеърида
3— восит	маҳсус
4— комил	
5— воғир	
6— рамал	
7— ҳазаж	
8— ражаз	
9— мунсарих	
10— музориъ	Эрон ва
11— сариъ	араб
12— ҳафиф	шеърида
13— мужтасс	муштарак
14— муқтазад	
15— мутоқориб	
16— мутадорик	
17— қариб	Ахфаш томонидан тузилган
18— жадид	
19— мушокил	Эрон назариячилари тузган.

Ҳалил томонидан тузилган

Модомики, бир байтни ташкил қилған ҳожо тўпламлари (рукнлар) 35 хил бўларкан, бунинг саккизтасини асли(й), 27 тасини фаръи(й) деб «зухофот» каби асоссиз хаёлни ва мушкул қоидалар блан 27 фаръи(й)ни асли(й)дан чиқаришнинг ҳеч кераги йўқ эди. Тўппа тўғри шу 25 рукини кўрсатниб, байтнинг булардан қандай тузилишини кўрсатмак тузукроқ бўлади:

35 сонини бирдан кўп кўрган арузчилар қулайлик бўлсун деб уни саккизга тушурганлар; сўнгра «фаръи(й) рукилар» ва «зухофот» каби маъносизликлар блан аввалгидан ҳам ёмонроқ қўйин ҳолға тушуб қолғанлар.

Бу уларнинг иккинчи хатолари. Арузчилар ишни хато нуқтадан бошлиғанлари учун (юқорида кўрсатканимиз иккни хатога тушмаганларидан ҳам) арузни буқунги қўйинчиликлардан қутқаза олмасдилар. «Сабаб», «ватад»ларга киришмагандан, рукиларни асли(й), фаръи(й) демаганда, зуҳофотни ўйламаганда ҳам арузнинг қўйинлиги яна тамоман йўқолмас эди. 35 хил ҳожо тўпламини фаулун, мағоилун қолиблари орқали ёдда сақлаб, шулардан байтлар тўқушнинг ўзи, албатта, енгил эмас. Фикримизча, арузчиларни бу қадар қўйинлиққа туширган бош хато — мавжуд ғазаллардан ҳар бирини айрим ва мустақил суратда текшира олмаганларидир.

Араб-эрон арузида мавжуд ғазалларнинг ҳаммасини ёш ада-

Биётчиларимизнинг танқидий истеъфодасига очиб арз этмак мақсади блан ёзилган бу асарда мен қадим арузчиларнинг хатоларидан мумкун қадар қочишға, қутулишға урундим. Эрон-араб арузида мавжуд вазнларнинг ҳар бирини айрим ва мустақил тарзда текширдим, мана шу натижаларга эришдим:

Араб-эрон арузида бир шеърнинг бутун мисраъларидаги ҳжоларнинг сони ва қисқалиқ, түлуклиқ кайфиятлари бир миқдор ва бир тартибда бўлади.

Бошлаб ҳжоларни санадим: олтилик, саккизлик, тўққузлиқ, ўнлиқ, ўнбирлик, ўнкеклик, ўнучлик, ўнчуртлик, ўнбешлик, ўнолтилик, ўнсаккизлик, ўнгирмаликдан иборат 12 хил вазн (эски арузчиларча айтганда 12 баҳр) чиқди. Бу 12 «баҳр»нинг ҳар биридан қисқа, тўлуқ ҳжоларнинг жой ўзгартишлари блан айрим, айрим вазнлар йиғилғани кўрулди. Мана шу тарниқада саксонга яқин вазн тартибга олиниди. Ҳар мисраъдаги қисқа, тўлуқ ҳжоларнинг тартибларини ўрганиш учун бошлаб қисқа ва тўлуқ ҳжолар учун маълум бўлган ишоратларни олдим:

қисқа ҳжо: V  
тўлуқ ҳжо: —

Сўнгра ҳжоларни иккитадан қилиб текширдим:

ёндош келган икки тўлуқ ҳжо: — —  
ёндош келган икки қисқа ҳжо: V V  
бир тўлуқ, бир қисқа ҳжо: — V  
бир қисқа, бир тўлуқ ҳжо: V —  
бир тўлуқ ҳжо:

Ҳжолари жуфт бўлган мисраълар юқоридаги тўрт ҳжо билан текширилади. Тоқ ҳжоли мисраънинг бир ҳжоси ё мисраъни охирида ё мисра орасидаги туроқ жойга келади ва ҳар вақт тўлуқ ҳжо (—) қимматида бўлади.

Қадимғи арузчилар ҳжоларни ўқумоқ учун фаулун, мафой-лунлардан муштарак сўзлар, қолиблар тузганлар. Буни юқорида кўрдик. Уларнинг бу ишлари жуда яхши ва жуда тўғри бир иш. Чунки шеър вазнини қулоқ воситаси блан ўлчаш шу йўл соясидагина бўлади. Мен қадим арузчиларнинг шу ишларидан фойдаландим. Броқ, уларнинг фаулунларини олмадим. Юқорида кўрсатканим ишоралар учун классик музикамизнинг усул қолибларини (чирманда усулинин) қабул қилдим:

— — бакко  
V V бака  
— V бакка  
V — бако  
— бак

Араб-эрон арузидағи вазнларнинг баъзисида ҳар мисраъда бир ё икки туроқ бўлади. Мен бунинг учун (\*) ишорати қўйдим ва «ист» исмини бердим. «Байт», «мисраъ» терминларини айнан

сақладим. Бир мисраънинг «ист» блан бўлунган парчаларига «бўлум» дедим. Бир мисраъда такрорланган ҳко тўдаларига «тўплам» (стопа) исмини бердим.

Асар илмий текшириш асари бўлганичун илмий текшириш ишларида ёрдам қилас үмиди блан яна бир иш қилдим. Ҳар вазни ўз йўлим блан кўрсаткандан кейин, унинг бугуғги исми ва арузи(й) «тақтиъини (ўлчовини) ҳам кўрсатдим. Вазнларни «аслий» «рукн»ларга ва 19 «баҳр»га тақсим этиш ўрнида саксонга қадар вазннинг ҳжоларини санаб, 6, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 20 лик унвонлари блан 12 «туркум»га ажратдим.

Мана шу асосда янги вазнлар тузиш имкониятини ҳам жойжойда кўрсатиб ўтдим.

Ҳжоларни ўлчашда янглишмаслиқ учун тубандаги баъзи қайдларни назарга олиш керак бўлади:

1) ранг, жанг, шаҳр, наҳр, раҳм каби бир қисқа чўзғи ва уч товушдан тузилган ҳжолар мисраъ охиридагина бир тўлуқ ҳко (—) қимматида юриб, бошқа жойда бир тўлуқ, бир қисқа (— V) ҳко қимматида юрадир; мсол:

Наҳрлар тошар

— V — V —

азмлар ошар

— V — V —

жуда жиддий бир ранг тақди.

V — — V — — V — —

2) Шароб, истиқбол, иқбол, қарор сўзларининг охирги ҳжолари бўлган «роб, бол, рор» каби бир узун чўзғи ва икки товушдан тузилган ҳжолар ҳам юқоридаги қимматда юради, мсол:

Кулар букун баҳорлар

V — V — V — —

Очилди лолазорлар

V — V — V — —

3) «га, да» каби бир қисқа чўзғи блан бир товушдан тузилган ҳжолар ҳақиқатда бир қисқа ҳко бўлсалар ҳам баъзан «ударение» олиб, тўлиқ ҳко қимматида юрадилар:

Жуда жиддий бир ранг тақди.

V — — V — — V —

4) сўз бошида бўлган ҳко чўзғиларнинг биртаси блан бошланса, баъзан шу чўзғи аниқлааб ўқулади; бу ҳолда ўлчовида ҳеч бир ўзгариш кўрулмади:

Нечун марҳамат этмадинг оҳима

V — — V — — V — — V —

Баъзан мазкур чўзғини вазннинг талаби блан аниқламайдилар, ундан бурунғи сўзнинг сўнгти товуши блан аралаштириб ўқуидилар, бу вақтда иш бир оз бошқалашади. Масалан, «хабар эт» жумласи икки сўз, иккинчиси (э) чўзғиси блан бош-

ланади. Бундаги «э» ни аниқлаб ўқуғанимизда мазкур жумла-  
нинг вазни (V — —) бўлади. Аниқламай ўқусақ (хаба рет)  
шаклига кириб, вазни (V V —) бўлади.

## АРУЗ ВАЗНЛАРИ ВА НАМУНАЛАРИ

### Олтилик

Бунда бир вазн бор.

Ҳар мисраъ — — V V — — тўпламидан иборат бўлади.

Бер чолғуни менга  
Бер мен уни чолай  
Қалбимда алнга  
Доҳимни сўроқлай.  
Қон, қон дея бир ўқ  
Қалбдан тешиб ўтди  
Карвонида ул йўқ  
Қурбон бўла кетди.

Эргаш («Ишқ» тўпламидан)<sup>29</sup>

Ўлчови:

Бер чолғуни менга  
— — V V — — (бака бака бакка)  
Бер мен уни чолай  
— — V V — —  
Қалбимда алнга  
— — V V — —  
Доҳимни сўроқлай  
— — V V — —  
Қон, қон дея бир ўқ  
— — V V — —  
Қалбдан тешиб ўтди  
— — V V — —  
Карвонида ул йўқ  
— — V V — —  
Қурбон бўла кетди  
— — V V — —

### Саккизликлар туркуми

Бу туркумда икки вазн бор:

I. Бу вазнда қисқа ҳжо йўқ, икки тўлуқ ҳжодан иборат бўл-  
ган — — (бакко) тўпламининг тўрт дафъа такроридан бир  
мисраъ тузулади.

Ҳар мисраъ бир «яrim ист» воситаси блан иккига бўлунади.

Яrim «ист» бармоқ вазnidаги «туроқ» лар миқдорида.

Бир мисраъ: — — — — — — —

Ёмғурлардан ер жонланди  
Құкламликлар сувдан қонди  
Қорлар, музлар бирдан битди  
Қишиңин ҳам биздан кетди

Үлчови:

Ёмғурлардан ер жонланди

(баккө түрт дафъа)

— — — / — — —  
Құкламликлар сувдан қонди  
— — — / — — —  
Қорлар музлар бирдан битди  
— — — / — — —  
Қишиңин дииҳам биздан кетди  
— — — / — — —

Араб-эрон арузида бу вазннинг исеми «мутадорик-мусамман-мақту»дир; ҳар мисрайни 8 дафъа «фаълун» блан ўлчайдилар. Бутун ҳжаларнинг түлуқ бўлушки бу вазни баситлаштириб бармоқ вазни блан бирлаштирган. Шунинг учун бу вазни бармоқ ва аруз системалари орасида муштарак бир вази деб қабул қилиш мумкун.

II. Бу вази такрорсиздир, ҳар мисраъ бир «ист» воситаси блан 3+5 тарзида икки бўлунади:

Биринчи бўлуми — V V — —

Иккинчи бўлуми — — — тўпламидан иборатdir:

Ишларимизни бўлдурдик  
Душманимизни сўлдурдик  
Бизда зафарлар кулмакда  
Бизда планлар тўлмоқда  
Бизда курашсиз дам йўқдир  
«Ёв кўп экан» деб ғам йўқдир  
Кўзларимизда нам йўқдир  
Бизда зафарлар кулмакда  
Бизда планлар тўлмоқда

Үлчови:

Ишларимизни бўлдурдик  
(бакка бако бак бакко бак)

— V V — — \* — — —

Душманимизни сўлдурдик

— V V — — \* — — —

Бизда зафарлар кулмакда

— V V — — \* — — —

Бизда планлар тўлмоқда

— V V — — \* — — —

Бизда курашсиз дам йўқдир

— V V — — \* — — —

«Ёв кўп экан» деб ғам йўқдир

— V V — — \* — — —  
 Күзларимизда нам йўқдир  
 — V V — — \* — — —  
 Бизда зафарлар кулмакда  
 — V V — — \* — — —  
 Бизда планлар тўлмоқда  
 — V V — — \* — — —

Араб-эрон арузида бу вазининг оти «Сариъ-матвиъ-мақму-мақтаъ» дир. «Муфтаилун мафулун фъя» блан ўлчайдилар.

Шуни тескарига, яъни 3+5 га айлантирганда бундан музикалироқ бир вазн чиқадир:

Нам йўқдир кўзларимизда  
 (бакко бак бакка бако бак)  
 — — — \* — V V — —  
 Фам йўқдир ўзларимизда  
 — — — \* — V V — —  
 Тўлмоқда бизда планлар  
 — — — \* — V V — —  
 Кулмакда бизда зафарлар  
 — — — \* — V V — —

### Тўқузилиқлар туркуми

Бу туркумда ҳам икки вазн бор:

I. Биринчисида ҳар бир мисраъ бир «ист» воситаси блан 5+4 тарзида иккига бўлунади.

Биринчи бўлум — V V — —  
 Иккинчи бўлум — V V —

тўпламидан иборатdir. Демак, бу вазнда — V V — — тўпламидинг иккинчи дафъа қайтарилишида бирта (—) тўлук ҳжо тушуб қолади.

Ишларимизни бўлдумиз (бакка бако бак бакка бако)

— V V — — \* — V V —  
 Юзларимизни кулдирамиз  
 — V V — — \* — V V —  
 «Соф» била «сўл»га зарба бериб  
 — V V — — \* — V V —  
 Пахта планини тўлдирамиз.  
 — V V — — \* — V V —

Бу вазининг араб-эрон арузида исми «Мутақориб-асраи-мақсур» бўлиб, ҳар мисраъни «Фаа Фаулун Фаа Фаул» блан ўлчайдилар.

II. Иккинчидан, ҳар мисраъ V — — тўпламидинг «ист» сиз уч дафъа такоридан ҳосил бўлади.

Йигит ўртоғим менга боқди  
Жұда жиддий бир ранг тақди  
Деди мен блан сен борайлик  
Планни тузукрак қурайлик  
Кураш майдонига кирайлик  
Ки синфий ёви камбағални  
Енгіб чиқмасин бұл жадалдан

Ұлчови:

Йигит ўртоғим мең га боқди  
V — — V — — V — —  
Жұда жиддий бирранг тақди<sup>1)</sup>  
V — — V — — V — —  
Деди мен блан сен борайлик  
V — — V — — V — —  
Кураш май донига кирайлик  
V — — V — — V — —  
Ки синфий ёви, кам бағални  
V — — V — — V — —  
Енгіл чиқ масин бұл жадалдан.  
V — — V — — V — —

Бунинг араб-эрөн арузида исми «Мұтақориб-мусаддас-солим» бўлиб, ҳар мисраъни уч дафъа «Фаулун» блан үлчайдилар.

### Ұнликлар туркуми

Бу туркумда етти вазн мавжуддир.

I. Бу вазнда бир мисраъ 4 қисқа ва олти түлүқ ҳжонинг «ист»сиз, такрорсиз ва аралаш тизилишидан ҳосил бўлади:

— — V V — V — V — —

Бу чройлик вазининг исми араб-эрөн арузида «Ҳазаж-мусаддас-аҳраб-макфуф-мақсур» дир.

Исмидан англашилгани каби, асосан, ҳазаж баҳридан санағани ҳолда арабларда йўқдир. Эрон шеърида бу вазнда чройлик маснавийлар бор. Низомий, Хусрав, Жоми(й) каби эрон ва ҳинд-эрөн шоирларининг «Лайло, Мажнун» достонлари шу вазнда ёзилган. Фузули(й) ва Навоининг ҳам «Лайло, Мажнун» достоплари шу вазида.

Кун гарм бўлуб ҳалоки жонға  
Лайли киби ўт солиб жаҳонга

<sup>1)</sup> Форсийча ранг бир ҳжо бўлиб, бир чўзги ва уч товушдан тузилган. Йўқорида қўрсатканимиз қондаға кўра бир ярим (бир түлүқ бир қисқа) ҳжо қимматида юради.

Тинмай югуриб қўйун такидин<sup>1)</sup>;

Ўт узра оёғи куймагидин  
Хуршид ҳароратидин анжум<sup>2)</sup>  
Ер сояси остида бўлуб гум  
Тоғдин кши ким тлаб нишони  
Бир тўда қзил кул англаб ани  
Жисминдағи оташин камарлар<sup>3)</sup>  
Андоқки кул ичра ўт кўмарлар

Навойининг «Лайло», Мажнун<sup>30</sup>идан

Ўлчови:

Күп гарм бўлиб ҳалоки жонға  
— — V V — V — V — —  
Лайли каби ўт солиб жаҳонға  
— — V V — V — V — —  
Тинмай югуриб қўйун такидин  
— — V V — V — V — —  
Ўт узра оёғи куймагидин  
— — V V — V — V — —  
Хуршид ҳароратидин<sup>4)</sup> анжум...  
— — V V — V — V — —  
Андоқки ку личра қўр кўмарлар<sup>31</sup>  
— — V V — V — V — —

Эрон шоирлари бу вазнда асар ёзганда мисраъларидан бир ҳжо тушуриб, тўққузлиққа айлантирадилар. Бунга «Сактамалиҳ» исмини берадилар ва ёқтирадилар. Бу бир ҳжо камайтириш, албатта, мисраънинг биринчи ярмисини ташкил қилган V V— ҳжоларни тўрт тўлуқ ҳжога айлантириш блан бўлади:  
— — — — шундай бўлгач, — — V V — V — V — — тарзида давом этган мисраълардан биртаси — — — — V — V — — формасига киради.

Буни Фузули(й) блан Навойида ҳам кўп учратиш мумкун. Мана Навойидан месол:

Тирноқларин чу юзга қўйди  
— — V V — V — V — —  
Тирноқ тирноқча ерлар ўйди.  
— — — — V — V — —

Бу вазннинг эрон-араб арузида исми «Ҳазаж-мусаддас-аҳ-

1) Қўйун: ел; так: югуриш, чопиши.

2) Хуршид: қуёш, анжум: юлдузлар.

3) Оташин: оловли камар: бел «такидин» сўзида чўзгини ясама чўзиш бор.

4) Бу парчадаги «ҳароратидин» сўзида (У) ҳжоси, «тўда» сўзида (тў) ҳжоси ғайритабиий чўзилади.

раб-макфуф» бўлиб, ҳар мисраъини «мағулу мағоилун фаулун» блан ўлчайдилар.

II. Бунда ҳар мисраъ бир «ист» воситаси блан 5+5 тарзида иккига бўлунади. Ҳар бўлум — — V — — тўпламидан иборат бўлади.

Демак, бу вазнда ҳар мисраъ — — V — — тўпламининг бир «ист» воситаси блан икки дафъа қайтарилишидан ҳосил бўлади. Бизда баъзан бир мисраънинг тизилиши шундайдир:

— — V — — \* — — V — —

Арзим ни ай тай боди сабога

— — V — — \* — — V —

Биздан дуо денг ул бе вафога

— — V — — \* — — V — —

Эй ё рижи ним бе меҳ рэкансан

— — V — — \* — — V — —

Раҳм ай ламас сан ман мубталога

— — V — — \* — — V — —

Бунинг араб-эрон арузида исми «Мутақориб-мусамман-ас-лам»дир. Ҳар мисраъини икки дафъа «Фаълун, фаъулун» блан ўлчайдилар.

III. Бунда ҳар мисраъ бир «ист» воситаси блан 5+5 тарзида иккига бўлунади. Ҳар бўлуми — V — V — тўпламидан иборат бўлади.

Бир мисраъ: — V — V — \* — V — V —

Чиқди сабзалар лолалар блан

— V — V — \* — V — V —

Қолди долалар золалар блан

— V — V — \* — V — V —

Кўзга жилвагар янги бир жаҳон

— V — V — \* — V — V —

Боғу бўстон, боғу бўстон,

— V — V — \* — V — V —

Наҳрлар тошар азмлар каби

— V — V — \* — V — V —

Шаҳрлар яшар базмлар каби

— V — V — \* — V — V —

Ўлка яшнаған, чеҳралар чаман

— V — V — \* — V — V —

Ҳар саҳар қуёш юксалар экан

— V — V — \* — V — V —

Нағмалар учар, нағмалар учар

— V — V — \* — V — V —

Пахтакорлар, пахтакорлар,

— V — V — \* — V — V —

Ортда қолмасин пахтазорлар

— V — V — \* — V — V —

Н. Раҳими<sup>32</sup>

Бу вазнинг араб-эрон арузида исми «Мутадорик-мусамман-маҳбун-мақту»дир. Ҳар мисраъини икки дафъа «Фойлун, фаал» блан ўлчайдилар.

IV. Бунда ҳам ҳар мисраъ бир «ист» воситаси блан 5+5 тарзида иккига бўлунади. Ҳар бўлуми V — V — — тўпламидан иборатдир. Демак, бу вазнда ҳар мисраъ V — V — — тўпламининг икки дафъа такоридан ҳосил бўлади:

Саҳар чаманда насим эсаркан  
V — V — — \* V — V — —  
Гул узра бир қуш сурур оларкан  
V — V — — \* V — V — —  
Хаёт ҳар ён қадам босаркан  
V — V — — \* V — V — —  
Биз иккимиз ҳам ғуурлар-ла  
V — V — — \* V — V — —  
Суурлар-ла оёқ босардиқ  
V — V — — \* V — V — —  
Вазифамизга қараб борардик  
V — V — — \* V — V — —

Бу вазнинг араб-эроп арузида исми «Мутақориб-мусамман-мақбуз-аслам»дир. Икки дафъа «Фаул, фаъулун» блан ўлчайдилар. Тоҳик шоирларидан Бухороли Исмат<sup>33</sup> бунинг икки мисраъини бир мисраъ қилиб, уч «ист» воситаси блан 5+5+5+5 тарзида тариқа бўлган ва йигрималикка чиқарган.

Бир мисраъ: V — V — — \* V — V — —  
V — V — — \* V — V — —. Хоразмлик «Комил»нинг<sup>34</sup> ҳам мазкур Исматга тақлидан бир ғазали бор.

V. Бунда ҳар мисраъ бир «ист» воситаси блан 5+5 тарзида иккига бўлинади. Ҳар бўлуми V — V V — тўпламидан иборатдир.

Бир мисраъ: V — V V — \* V — V V —  
Қўёш нақадар гўзал куладир  
V — V V — \* V — V V —  
Қараб тепанинг чаман бошидан  
V — V V — \* V — V V —

Бунинг исми «Воғир-мураббаъ-солим» бўлиб, ҳар мисраъини икки дафъа «муфоалатун» блан ўлчайдилар.

VI. Бу вазнда ҳар мисраъ бир «ист» воситаси блан 5+5 тарзида иккига бўлунади. Ҳар бўлуми — V V — — тўпламидан иборат бўлади. Бир мисраъ — V V — — \* — V V — —

Эй юзи насири қомати шамшод  
— V V — — \* — V V — —  
Неча қилурсан жонима бедод  
— V V — — \* — V V — —  
Сен каби пуркор шеваси бисёр  
— V V — — \* — V V — —

Билмади эй ёр ҳеч кши ёд...  
 — V V — — \* — V V — —  
 Жаврда нодир, зулмда моҳир  
 — V V — — \* — V V — —  
 Ишвада қодир, ғамзада устод  
 — V V — — \* — V V — —

Бобир<sup>35</sup>

Буининг араб-эрон арузида исми «Мутакориб-мусамман-асрам» бўлуб, ҳар мисраъини икки дафъа «Фаъа, фаулун» блан ўлчайдилар.

VII. Бу вазннинг ҳар мисраъида икки дафъа қайтарилиган V V — — тўпламининг бош томонидан — — «Кўш ҳжоси» қўйулади. «Ист»и йўқдир:

Бир мисраъ: — — V V — — V V — —

Су(в) бўйида сассиз ва садосиз  
 — — V V — — V V — —  
 Юлдуз каби хуш жозиба бир қиз  
 — — V V — — V V — —  
 Ястанмиц эди сабзалар узра  
 — — V V — — V V — —  
 Шўх кўзларини, ноз илиа ўйнаб  
 — — V V — — V V — —  
 Учган капалакларга тикарди  
 — — V V — — V V — —  
 Нур шохчасидек пармоғи бирла  
 — — V V — — V V — —  
 Ўйлабгина соchlарни таарарди.  
 — — V V — — V V — —

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Ҳазаж-мусаддас-аҳраб-маҳзуф» бўлиб, ҳар мисраъини «мафулу мафоили фаулун» блан ўлчайдилар.

### Ўнбирликлар туркуми

Бу туркумда ўн вазн бор. Ҳаммаси «ист»из.

I. Бу вазннинг ҳар мисраъида — V — — тўплами уч дафъа қайтарилиб, охирисидан сўнг ҳжо тушуб қолади.

Бир мисраъ: — V — — — V — — — V — |

Лаълидин жонимға ўтлар ёқилур  
 — V — — — V — — — V —  
 Қоши қаддими жафодин ё қилур  
 — V — — — V — — — V —  
 Мен вафоси ваъдасига шод мен  
 — V — — — V — — — V —

Ул вафо билмамки қилмас ё қилур  
— V — — V — — V —  
Лутфий<sup>36</sup>

Араб-эрон арузида бу вазннинг исми «Рамал-мусаддас-маҳ-зүф» бўлиб, ҳар бир мисраъини «Фоилотун фонлотун фонлун» блан ўлчайдилар.

II. Бу вазннинг ҳар мисраъида V V — — тўплами уч дафъа қайтарилади. Учинчі дафъа охирги тўлук ҳжо тушуб қолади.

Бир мисраъ: V V — — V V — — V V —

Бу вазнда мисраъниг биринчи қўш ҳжоси бўлган V V ни баъзи мисраъларда — V формасига солиш ҳам мумкун бўлгани каби, охирги V V — тўпламни — — формасига солиш ҳам мумкун.

Ким эди Боқийи Тархон билингиз  
V V — — V V — — V V —  
Билибон қисса сариға келингиз  
V V — — V V — — V V —  
Ўзи Абдул Алибек фарзанди  
V V — — V V — — —  
Курратул айни бажоҳ пайванди  
— V — — V V — — —  
Отаси давлатида мирзоёе  
V V — — V V — — —  
Ҳар замон бошида бир савдои  
— V — — V V — — — \

«Шайбонийнома»дан<sup>37</sup>

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Рамал-мусаддас-маҳ-бун-маҳзуф» дир. Ҳар мисраъини «Фоилатун фонлотун фонлун» блан ўлчайдилар.

III. Бу вазнда ҳар мисраъ бир ҳжо тўпламининг тақоридан эмас, беш қисқа ва олти тўлуқ ҳжониниг «ист» сиз ва аралаш тизилишидан ҳосил бўлади.

Бир мисраъ: — V — — V — V — V V —

а) Бу мисраъниг биринчи қўш ҳжосини V V формасига солиш ҳам мумкун.

б) Мисраъниг охридаги V V — ҳжоларини — — формасига солиш ҳам мумкун, буларниг ҳаммаси бир вазн саналади.

Демак, бу вазн:

— V — — V — V — V V —  
V V — — V — V — V V —  
— V — — V — V — V — —

Формаларининг ҳаммасидан иборатдир. Бу вазнда рамкани бу қадар кенг олишга сабаб мазкур уч формадаги ўзгаришларнинг оҳаигида сезилмаслик даражада бўлганидир.

Ул парининг ҳаримиға гузар эт  
Мени девона ҳолидин хабар эт  
Дегил аввал анга саломимни  
Яна арз айлагил пайомимни  
Ким санго номалар равон қилдим  
Ҳолатимнинг барин баён қилдим

Бобир<sup>38</sup>

Ўлчови:

Ул парининг ҳаримиға гуза рэт  
— V — — V — V — V V —  
Мени дево на ҳолидин хаба рэт  
V V — — V — V — V V —  
Деги лаввал анга сало мимни  
V V — — V V — — V —  
Яна арзайла бу пайо мимни  
V V — — V — V — — —

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Ҳафиғ-маҳбун-мақту» дир. Ҳар мисраъни «Файлутун мағойлун файлун» блан ўлчайдилар.

IV. Бу вазнда ҳам такрор ва «ист» йўқ. Бир мисраъ уч қисқа ва саккиз тўлуқ ҳжонинг аралаш тизилишидан ҳосил бўлади.

Бир мисраъ: — V — — V — V — — — —

Бунда ҳам мисраънинг бошида бўлган қўш ҳжони V V формасига айлантириш мумкун.

Боғ аро гул юзингни сен очфандা  
— V — — V — V — — — —  
Лолалар чеҳрасида қон қолмайдир.  
— V — — V — V — — — —  
Сочларингни тараб юрар сочғанда  
— V — — V — V — — — —  
Мушки анбарга қадру сон қолмайдир  
— V — — V — V — — — —

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Ҳафиғ-мужтасс» бўлиб, ҳар мисраъни «Фоилотун мағойлун мағъулун» блан ўлчайдилар.

V. Бу вазннинг ҳар мисраъида — V V — тўплами уч дафъа такрор этилади ва учинчи тўпламдан ҳжо тушуб қолади.

Бу мисраъ: — V V — — V V — — V —

Шоир Муқимийнинг «Андижон зилзиласи тарихи» блан иккι-уч ҳажвияси ва шу қатордан «Танобчи»си шу вазнда:

Саллалари бошларида оқ сават  
— V V — — V V — — V —  
Кўрпа тагида ҳама ўн уч қават  
— V — — — V V — — V —

Қайсики қишлоққа тушар отидин  
 — V V — — V V — — V —  
 Элни йигиб воқиғ әтар зотидин  
 — V V — — V V — — V —  
 Дерки, күзунга ҳали кал жұжаман  
 — V V — — V V — — V —  
 Маҳдум аъзамлік үзим хұжаман  
 — V V — — V V — — V —  
 Бизларга «әрхұб» бўладурлар тоға  
 — V V — — V V — — V —  
 Аммамизни эрларидир Нурота  
 Муқими(й)<sup>39</sup>

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Сариъ-мусаддас-матви-мавқуф» бўлиб, ҳар мисраъини «Муфтаилун муфтаилун фоилун» блан ұлчайдилар.

VI. Бу вазннинг ҳар мисраъида V — — тўплами тўрт дафъа такрор этилади ва тўртинчи тўпламидан сўнгги ҳожа тушуб қолади.

Бир мисраъ: V — — V — — V — — V —

Эрон адабиётида Фирдавси(й) нинг «Шоҳнома»си, Низоми(й)нинг «Искандарнома»<sup>40</sup>си ва бир кўп жангномалар шу вазнда ёзилган. Қадим уйғур адабий ёдгори бўлган «Қутадғу билиг» блан Навойининг «Искандарнома»си ҳам шу вазнда.

Сабо эснайур, кўр, йоғоч енг солур  
 V — — V — — V — — V —  
 Булут йиғла йурда чечаклар кулур  
 V — — V — — V — — V —  
 Бу мундоқ чечакликда кўнглум бугун  
 V — — V — — V — — V —  
 Сенинг бирла ұлтуриб овунмоқтилар  
 V — — V — — V — — V —

Рабғузий<sup>41</sup>

Пари чеҳралар кўп жафо қилдилар  
 V — — V — — V — — V —  
 Ғаму дард ила мубтало қилдилар  
 V — — V — — V — — V —  
 Менинг рўзигорим қаро қилдилар.  
 V — — V — — V — — V —  
 Жафокорлар дур жафокорлар  
 V — — V — — V — — V —

Муҳаммад Алихон<sup>41</sup>

<sup>41</sup>) Мён Бузрук бу парчани бармоқ ва аруз вазнларининг аралашганидан ҳосил бўлган деган, янглишдир. Юқорида бу ҳақда сўз бўлди.

Араб-эрон арузида бунинг исми «Мутақориб-мусамман-маҳ-зуф» бўлиб, ҳар мисраъини «Фаулун фаулун фаулун фаул» блан ўлчайдилар.

VII. Бу вазннинг ҳар мисраъида V — — — тўплами уч дафъя такрор этилади, броқ учинчи дафъада тўпламнинг охирги бир ҳжоси тушуб қолади.

Бир мисраъ: V — — — V — — — V — —

Форсчада Низоми(й), Жоми(й), Ҳусравларнинг «Хусраву Ширин»лари шу вазнадидир. Навойининг «Фарҳоду Ширини» ишам шу вазнадидир.

Бу дам ким бўлди савдои димоғи

V — — — V — — — V — —

Мараазларга тўланди жисми доғи

V — — — V — — — V — —

Қўнгулда қолмади сабру қарори

V — — — V — — — V — —

Элигдин борди барча ихтиёри.

V — — — V — — — V — —

Навойи<sup>42</sup>

Араб-эрон арузида бунинг исми «Ҳазаж-мусаддас-мақсур» бўлиб, ҳар мисраъини «Мафоилун мафоилун-фаулун» блан ўлчайдилар.

VIII. Бу вазнда ҳар бир мисраъ беш қисқа ва олти тўлуқ ҳжонининг аралаш тизилишидан ҳосил бўлади:

Бир мисраъ: V — — V — V — V V — —

Сенинг оразингни боғ аро кўргач

V — — V — V — V V — —

Гулу ё суманга ким соладир кўз

V — — V — V — V V — —

Менинг ғамли оҳунолаларимни

V — — V — V — V V — —

Сабо сўйлабер хабар санамимга

V — — V — V — V V — —

Араб-эрон арузида бунинг исми «Музоръи-мусаддас-макфуф-маҳзуф»дир. Ҳар мисраъини «Мафоилу фоилоту фаулун» блан ўлчайдилар.

IX. Бу вазнда ҳар мисраъ 5+6 тарзида иккига бўлунади, фақат ораларида «ист» бўлмайди.

Биринчи бўлуми — — V — V —

Иккинчи бўлуми V V — — —

тўпламидан иборат бўлади:

Мисраъ: — — V — V — V V — — —

Кулбамда бир нафас ўтуролмасдан  
 — — V — V — V V — — —  
 Ҳижрон жафоларин гапуролмасдан  
 — — V — V — V V — — —  
 Дарров чиқиб келиш бу зулумдир, бу  
 — — V — V — V V — — —  
 Мендек асир учун ўлумдир бу  
 — — V — V V — — —

Бунинг араб-эрон арузида исми «Мұнсариҳ-мусаддас-аҳраб-макфуф» бўлиб, ҳар мисраъини «Мағулу фоилату мағоилун» блан ўлчайдилар.

X. Бу вазнда ҳар мисраъ бир «ист» воситаси блан 5+6 тарзидаги иккига бўлунади:

Биринчи бўлуми — — V V — —  
 Иккинчи бўлуми V — V — —  
 тўпламидан иборат бўлади.

Бир мисраъ: — — V V — — V — V — —

Бизларда курашлар зафар ўшишған  
 — — V V — — V — V — —  
 Бизларда зафарлар кураш қучушған  
 — — V V — — V — V — —  
 Отган ўқумиздан ҳадаф қочолмас<sup>43</sup>  
 — — V V — — V — V — —  
 Чеккан тифимиздан тараф қочолмас  
 — — V V — — V — V — —

Бу вазининг араб-эрон арузида исми «Қариб-мусаддас-аҳраб-макфуф» бўлиб, ҳар мисраъини «Мағулу мағоилу фоилотун» блан ўлчайдилар.

### Үн икки ҳжоликлар туркуми

Бу туркумда 12 вазн мавжуддир.

I. Бу вазнда ҳар мисраъда V V — тўплами учта ярим «ист» блан тўрт дафъя такрор этилади. Ярим «ист»ларда турмай ўтуш ҳам мумкун.

Бир мисраъ: V V — V V — V V — V V —  
 Борамиз, борамиз далаларни ёриб  
 V V — V V — V V — V V —  
 Ватан ишларини тузатиб бажариб  
 V V — V V — V V — V V —  
 Мана чашмаларин кулushiб оқиши  
 V V — V V — V V — V V —  
 Гулу лолаларин безагин тақиши  
 V V — V V — V V — V V —  
 Куласан азамат сочучи кўзига  
 V V — V V — V V — V V —

Мана боғчаларин севиниб боқиши  
 V V — V V — V V — V V —  
 Далаларни ўйунга солиб борамиз  
 V V — V V — V V — V V —  
 Ишимизни назарга олиб борамиз  
 V V — V V — V V — V V —

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Мутадорик-мусамман-махбун» бўлиб, ҳар мисраъини тўрт «Файлун» блан ўлчайдилар.

Қадим эрон шоирлари бу вазнга «Наматбу» (яъни, ёқимсиз) деб, бунда жуда оз шеър ёзганлар. Сўнгги асрларда баъзилари икки мисраъни бир мисраъ қлиб, уни 24 лик вазнга чиқариб шеър ёздилар.

Машҳур Бедилнинг мана шу йигрматўртлик «Наматбу»да жуда ёқимли парчалари бор.

II. Бу вазнда ҳар мисраъ — V — — V — тўпламининг «ист»сиз икки дафъа тақоридан ҳосил бўлади.

Бир мисраъ: — V — — V — — V — — V —

Сурмадан кўзларими қора қилдилар  
 — V — — V — — V — — V —  
 Бизни юз дард ила мубтало қилдилар  
 — V — — V — — V — — V —  
 Биз дуо айлаганда сўкуб ўтдилар  
 — V — — V — — V — — V —  
 Биз вафо излаганда жафо қилдилар  
 — V — — V — — V — — V —

Ҳашмат<sup>44</sup>

Араб-эрон арузида бунинг исми «Мутадорик-мусамман-солим» бўлуб, ҳар мисраъини тўрт «Фоилун» блан ўлчайдилар.

III. Бу вазнда ҳар мисраъда V — тўплами олти дафъа «ист»сиз тақрор этилади.

Бир мисраъ: V — V — V — V — V — V —

Фроқ аламлари блан саҳаргача  
 V — V — V — V — V — V —  
 Олов тконлар узра талпинар эдим  
 V — V — V — V — V — V —  
 Сенинг гўзал кулушларингни ёд этиб  
 V — V — V — V — V — V —  
 Замон-замон кўнгулни шод этар экан  
 V — V — V — V — V — V —  
 Видоъ этиб жўнаш замонин эслагач  
 V — V — V — V — V — V —  
 Яна заҳарли ёш тўкар, тураг эдим  
 V — V — V — V — V — V —

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Ражаз-мусаддас-маҳ-

бун» бўлиб, ҳар мисраъини уч дафъа «Мафоилун» блан ўлчайдилар.

IV. Бу вазнда ҳар мисраъ иккита «ярим ист» блан 4+4+4 тарзида уч бўлумга бўлинади. Ҳар бўлуми — — V — тўпламидан иборатдир.

Бир мисраъ: — — V — — — V — — — V —

Чиқдинг саҳар том устига юзпи очиб  
— — V — — — V — — — V —  
Тер донадан гулбарг уза шабнам сочиб  
— — V — — — V — — — V —  
Оқ танин оқ кўйлак қучиб олган эди  
— — V — — — V — — — V —  
Рашки менинг бағримга ўт солған эди  
— — V — — — V — — — V —

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Ражаз-мусаддас-солим» бўлиб, уч дафъа «Мустафилен» блан ўлчайдилар.

V. Бу вазннинг бир мисраъи — V — — тўпламишининг уч дафъа «ист»сиз такроридан ҳосил бўлади.

Бир мисраъ: — V — — — V — — — V — —

Кел эшит жоним дилимнинг можаросин  
— V — — — V — — — V — — ,  
Бир боқиб қил чора дарди бедавосин  
— V — — — V — — — V —  
Бир табассум нури бирла кетгиз эй гул  
— V — — — V — — — V — —  
Булбули шўриданнинг бахти қаросин  
— V — — — V — — — V — —

Равнақ<sup>45</sup>

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Рамал-мусаддас-солим» бўлиб, ҳар мисраъини уч «Фоилотун» блан ўлчайдилар.

VI. Бу вазнда ҳар мисраъ V — — тўпламишининг уч дафъа «ист»сиз такроридан ҳосил бўлади:

Бир мисраъ: V — — — V — — — V — — —

Енгиб чиқдиқ кураш майдонида, биздан  
V — — — V — — — V — — —  
Зафар байроғини ҳеч ким ололмайдир  
V — — — V — — — V — — —  
Букулмас азмимиз бор, чин қадамлар-ла  
V — — — V — — — V — — —  
Юрармиз, йўлни тоғлар ҳам тўсолмайдир  
V — — — V — — — V — — —

Араб-эрон арузида бу вазннинг исми «Ҳазаж-мусаддас-солим» бўлиб, ҳар мисраъини уч дафъа «Мафоилун» блан ўлчайдилар.

VII. Бу вазнинг ҳар мисраъида — V V — тўплами уч дафъа «ист»сиз такрор этилади.

Бир мисраъ: — V V — — V V — — V V —

Ўлтурайин қайда эса йўл тушаринг  
— V V — — V V — — V V —  
Балки тушар мен сари ҳам бир назаринг  
— V V — — V V — — V V —

Бу вазнинг араб-эрон арузида исми «Ражаз-мусаддас-матвии» бўлиб, ўлчови уч дафъа «Муфтаилун»дир.

VIII. Бу вазнда ҳар мисраъ V — — V — — тўпламининг «ист»сиз икки дафъа такоридан ҳосил бўлади:

Бир мисраъ: V — — V — — V — — V — —

Яна сенсиз оҳим ўти шуъла зандир  
V — — V — — V — — V — —  
Ки гардунға ҳар учқун оташ фикандир.  
V — — V — — V — — V — —  
Кириб ҳуж рам ичра кулу ўтни кўрсанг  
V — — V — — V — — V — —  
Бу сўзон кўнгул ул бир озурда тандур  
V — — V — — V — — V — —  
Қаён борса кўнглум анинг дардин истар  
V — — V — — V — — V — —  
Нединким мусофирига майли ватандир  
V — — V — — V — — V — —

Навоий<sup>45</sup>

Араб-эрон арузида бунинг исми «Мутадорик-мусамман-солим» бўлиб, ҳар мисраъини тўрт дафъа «Фаулун» блан ўлчайдилар.

IX. Бу вазнинг ҳар мисраъида иккита — V V — тўпламининг орасида битта — V — V тўплами ўрунлашган бўлади, «ист» йўқ.

Бир мисраъ: — V V — — V — V — V V —

Сайра гўзал қуш, очилди тоза чаман  
— V V — — V — V — V V —  
Оч, қанот оч, уч ки синди эски қафас  
— V V — — V — V — V V —  
Эски асоратли нолаларни унут  
— V V — — V — V — V V —  
Қайгули сайрашларин замони эмас  
— V V — — V — V — V V —

Бу вазнинг араб-эрон арузида исми «Мунсариҳ-мусаддас-матви» бўлиб, ҳар мисраъини «Муфтаилун фоилоту муфтаилун» блан ўлчайдилар.

X. Бу вазнинг ҳар мисраъида иккита V V — — тўпламидан кейин бир V — V — тўплами келади. «Ист» бўлмайди.

Бир мисраъ: V V — — V V — — V — V —  
Бу вазнинг биринчи қўш ҳжоси бўлган V V ни баъзи мисраъларда V формасига солиш ҳам мумкин.

Беракўр ул санамимдан сабо хабар  
V V — — V V — — V — V —  
Ки фроқи мени бағримни ёндирап  
V V — — V V — — V — V —  
Сол кўзимга қадаминг ғуборини  
— V — — V V — — V — V —  
Йўқса ҳижрон мени тез кунда ўлдирап  
— V — — — V V — — V — V —

Араб-эрон арузида бу вазнинг исми «Жадид-махбун» бўлиб, ҳар мисраъини «Фоилотун фоилотун мафоилун» блан ўлчайдилар.

XI. Бу вазнинг ҳар мисраъида иккита V V — — тўплами-нинг орасида бир V — V — тўплами ўрунлашган бўлади.

Бир мисраъ: V V — — V — V — V V — —  
Бунда ҳам мисраъиниң биринчи қўш ҳжоси бўлган V V ни баъзи мисраъларда — V формасига солиш мумкин.

Беракўр бир хабар сабо санамимдан  
V V — — V — V — V V — —  
Ки фроқинда чиқдп жон баданимдан  
V V — — V — V — V V — —  
Юзи васли чаман-чаман гулим эрди  
V V — — V — V — V V — — ;  
Менга бер музда нозапин чаманимдан<sup>47</sup>  
V V — — V — V — V V — —

Бу вазнинг араб-эрон арузида исми «Ҳафиф-махбун» бўлиб, ҳар мисраъини «Фоилатун мафоилун фоилатун» блан ўлчайдилар.

XII. Бу вазнинг ҳар мисраъида V — — V тўплами икки дафъа такрор этилиб, — V — — тўплами унга қўшулади.

Бир мисраъ: V — — V V — — V — V — —  
Курашлар ва заҳарлар-ла бирга ўсдик  
V — — V V — — V — V — —  
Бутун тескариликлар-ла йўлни тўсдик  
V — — V V — — V — V — —  
Не очлик била бизларга қўрқу солмоқ  
V — — V V — — V — V — —  
Не ўтлар-ла, ўлумлар-ла ўчни олмоқ  
V — — V V — — V — V — —  
Нолиб бўлмади душманга бир нафас ҳам  
V — — V V — — V — V — —

Бу вазнинг араб-эрон арузида исми «Қариъ-макфуф» бў-

либ, хар мисраъини «Мафоилу мафонилу фоилотун» блан ўлчайдилар.

### РУБОЬИ ВАЗНИ<sup>48</sup>

Эрон шеърларида вазн эътибори блан нисбатан сабит бир вазиятга эга бўлмагани классик рубоъидир.

Қадим эрон халқ адабиётига мансуб бўлганига шубҳа қилмаганимиз бу тарз шеърнинг вазни, юқорида кўрсатканимиз «Арузи(й) хусусият» рамкасига юз фоиз кирмайди ва кира олмайди.

Яъни, рубоъи вазннинг ҳар мисраъида ҳжолар сон ва сфат эътибори блан айни миқдор ва айни тартибда бўлмайди.

Рубоъи вазнида бир мисраъ ўн ҳжолик бўлгани ҳолда иккичи мисраъ 13 ҳжоли бўла олади ва қисқа, тўлуқ ҳжо тартибини ҳам буза олади.

Рубоъи вазни эрон халқ шеърининг жуда кўп севилган, жуда кенг тарқалған жонли бир вазни бўлгани учун буни аruz рамкасига киргизиш мумкун бўлмаган.

Рубоъи учун йигирма тўрт вазн чиқарғанлар ва у йигирма тўрт вазннинг ҳар бирига бир исм таққанлар, ундан кейин ҳам масини «бир вазн» санаганлар! Яъни, бир рубоъи учун шу «йигирма тўрт» вазннинг ҳар қандай тўртласини олиш мумкун деганлар. Бу «йигирма тўрт» вазннинг музика эътибори блан асосан бир бўлуми уларнинг шундай бир ҳукум беришларига ёрдам этган.

Мен бу «йигирма тўрт» вазни ўзбек тилининг «мадд» сизлик хусусиятларига қараб ўн бешга тушириб, тубандаги схемани туздим:

#### «Рубоъи вазнлари»нинг схемаси

1.	— — —	— — —	— — —	ўнлик
2.	— — V	— — —	— — —	
3.	— — —	— — V	— — —	
4.	— — —	— V — V	— — —	
5.	— — —	— — V —	— V — —	
6.	— — V	— — V V	— V V —	
7.	— — —	— — —	— — —	
8.	— — V V —	— — —	V V —	
9.	— — V V —	V — V	— — —	
10.	— — V V —	V — V	— — —	
11.	— — —	— V — V	— — V V —	
12.	— — —	— — V V	— — V V —	
13.	— — V V —	V V —	— V V —	
14.	— — —	V V —	— V V —	
15.	— — V	V — V	— V V —	

Энди бир-икки мсол берайлик:

Май таркини қилғали паришондур ман

— V V — V — V — — —

Билмам қилур ишимни, ҳайрондур ман

— — V V — — V V — — —

Эл барча пушаймон бұлуру тавба қилур

— — V V — — V V — — V V —

Мен тавба қилиб мену пушаймондир ман

— — V V — V — V — — —

Бобир<sup>49</sup>

Ғам дағғын учун соғари саҳбо<sup>50</sup> яхши

— — V V — — V V — — —

Ҳам сұхбат анга ҳамдами доно яхши

— — V V — — V V — — —

Бу базм агар онлар ила топса вужуд

— — V V — — V V — — V V —

Май сұнғали бир соқийи барно яхши

— — V V — — V V — — —

Хувайдо<sup>51</sup>

Андин бери ким қошимда ёрим йүқтүр

— — V V — V — V — — —

Хижронида жуз нолайи зорим йүқтүр

— — V V — — V V — — —

Дашт ичра қуюн каби қарорим йүқтүр

— — V V — V — V — — —

Саргашталигимда ихтиёrim йүқтүр.

— — V V — V — V — — —

Навойи<sup>52</sup>

### Ұнучликлар түркуми

Бу түркүмде биргина вазн мавжуд бўлиб, у ҳам «ист» сиздир. Юқорида кўрганимиз үніккиликларнинг тўққузунчи вазвига бир тўлуқ ҳжо (—) қўшулиши блан тузулади. «Ист» йўқ:

Бир мисраъ: — V V — — V — V — V V — —

Кўнглум аро бир ажаб муҳол ҳавасдур

— V V — — V — V — V V — —

Лабларидин ким ҳусули мумкун эмасдур

— V V — — V — V — V V — —

Турмади тан чок-чок уйида кўнгулким

— V V — — V — V — V V — —

Телба қуш ул, бул-ушалған эски қафасдур...

— V V — — V — V — V V — —

Куйса Навойи фроқ аро неажаб ким

— V V — — V — V — V V — —

Ул итник ўтдур, бу айни заъфда хасдур.<sup>53</sup>

— V V — — V — V — V V — —

Навойи<sup>54</sup>

Бу вазнинг араб-эрон арузида исми «Мунсариҳ-мусамман-матви-манхуз» бўлиб, ҳар мисраъини «Муфтаилун фоилоту муфтаилун фаъ» блан ўлчайдилар.

### Ўнтуртликлар туркуми

Бу туркумда 14 вазн бор.

I. Бу вазнда ҳар мисраъ бир «ист» воситаси блан 7+7 тарзда иккига бўлунади.

Ҳар бўлуми V — — V — — — тўпламидан иборат бўлади.  
Бир мисраъ: V — — V — — — V — — V — — —

Юзингдек қамар йўқдир қаддингдек шажар йўқдир

V — — V — — — V — — V — — —

Шажар бўлса ҳам анда лабингдек самар йўқдир

V — — V — — — V — — V — — —

Кўзим ашкининг руди<sup>55</sup> агар тунду тез андоқ

V — — V — — — V — — V — — —

Ки гар уйқу кўз сари келур ҳам гузар йўқдир

— — — V — — — V — — V — — —

Отин тутсалар ногоҳ кетар уйла ҳушим ким

V — — V — — — V — — V — — —

Бадан ичра руҳимдин дегайсан асар йўқдир.

V — — V — — — V — — V — — — —

Кўнгил сўргали келдинг табибо шуни билким

V — — V — — — V — — V — — — —

Ул оворадин сендеқ менга ҳам хабар йўқдир

V — — V — — — V — — V — — — —

Навоий<sup>56</sup>

Бу вазнинг араб-эрон арузида исми «Тавил-мусамман-солим» бўлиб, икки дафъа «Фаулун мафоилун» блан ўлчайдилар.

Бунинг V — — V — — — бўлимларида тўртинчи ўринда турган қисқа ҳжони бешинчи ўринга ўтказиш блан V — — — V — — — формасида янги бир вазн чиқардилар ва «рамал-мусамман-маҳзуф» атаб, ҳар мисраъини икки дафъа «Мафоийлун фаулун» блан ўлчайдилар. Бунинг музикада юқоридаги вазндан айнирмаси йўқ.

II. Бу вазн тамоман I вазннинг ўзиdir. Броқ иккинчи бўлумнинг олтинчи ҳжоси V га айланади:

Бир мисраъ: V — — V — — — V — — V — V —

Чаман ичра бир булбул тонг отганда сайдари

V — — V — — — V — — V — V —

Ки ёзниг насимидан гулу лола яйради.

V — — V — — — V — — V — V —

Булут соя солганда кўкатларни бошига

V — — V — — — V — — V — V —

Гул очди табассумлар самонинг қүёшига,  
V — — V — — — V — — V — V —

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Тавил-мусамман-мақбуз» бўлиб, ҳар мисраъини «Фау́лун мафои́лун фау́лун мафои́лун» блан ўлчайдилар.

Бизча буни айрим бир вазн санаш мувофиқ эмас. Ё биринчи вазнга ё бундан сўнгра келадиган учинчи вазнга қўшиб юбориш мумкин.

Бу вазнда ҳар мисраъ бир «ист» воситаси блан 7+7 тарзида иккига бўлунади. Ҳар бўлуми V — — V — V — тўпламидан иборатдир.

Бир мисраъ: V — — V — V — — V — — V — V —

Қуёш зар қанотларин қоқаркан майин-майин  
V — — V — V — — V — — V — V —

Учар нағмалар учар, қучар ҳисни тинмайин  
V — — V — V — — V — — V — V —

Кураш навбаҳордек гўзал нақшалар учун  
V — — V — V — — V — — V — V —

Кураш оташин кураш келар нашъалар учун  
V — — V — V — — V — — V — V —

Н. Раҳимий<sup>57</sup>

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Музореъ-мусамман-макфуф-мақсур» бўлиб, ҳар мисраъини икки дафъа «Мафонлу фоилот» блан ўлчайдилар.

IV. Бунда ҳам ҳар мисраъ бир «ист» воситаси блан 7+7 тарзида иккига бўлунади.

Броқ, ҳар бўлуми — V — V — — — тўпламидан иборат бўлади.

Бир мисраъ: — V — V — — — — V — V — — —

Гул юзунда зулфунгни боғ аро намоён қил  
— V — V — — — — V — V — — —

Лола бирла сунбулингни доғ этиб паришон қил  
— V — V — — — — V — V — — —

Гул ёқосини чок эт, ғунча бағрини қон қил.  
— V — V — — — — V — V — — —

Соқиё юзинг акса қилди бодани гулгун  
— V — V — — — — V — V — — —

Лоларанг соғар тут базмни гулистон қил  
— V — V — — — — V — V — — —

Фазлийдан<sup>58</sup>

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Ҳазаж-мусамман-аштар» бўлиб, ҳар мисраъини икки дафъа «Фоилун мафонлун» блан ўлчайдилар.

V. Бу вазнда ҳар мисраъ бир «ист» воситаси билан 7+7 тарзida иккига бўлунади, броқ ҳар бўлумни — — V V — — тўплами ташкил қиласди. Эрон адабиётида Хоқони(й)нинг «Мадойин» ва Лоҳутийнинг «Кремл» асарлари шу вазнададир.

Бир мисраъ: — — V V — — — — — V V — —

Май бирла юзинг тим-тим аҳмарми<sup>59</sup> экан оё

— — V V — — — — — V V — — —

Ё шуъла аро бир бир аҳгарми<sup>60</sup> экан оё

— — V V — — — — — V V — — —

Ҳар сори қулогингда гавҳарми экан ёхуд

— — V V — — — — — V — V — — —

Ҳар жонибда ойнинг ахтарму<sup>61</sup> экан оё

— — V V — — — — — V V — — —

Рухсоринг узра тердин юз қатраки кўргуздинг

— — V V — — — — — V V — — —

Гул баргида шабнамдан жавҳарму экан оё

— — V V — — — — — V V — — —

Кўнглум қушиким қолмиш зулфинг аро саргардон

— — V V — — — — — V V — — —

Савдо тунида учган шаппарму<sup>62</sup> экан оё

— — V V — — — — — V V — — —

Навоий<sup>63</sup>

Араб-эрон арузида бу вазннинг исми «Ҳазаж-мусамман-аҳ-  
раб» бўлиб, ҳар мисраъини икки дафъа «Мафъулу мафоилун»  
блан ўлчайдилар.

VI. Бу вазнда ҳам ҳар мисраъ бир «ист» воситаси блан 7+7  
тарзида иккига бўлунади.

Ҳар бўлумини — — V — V — — тўплами ташкил қиласди.

Бир мисраъ: — — V — V — — — — V — V — —

Домига тушмаган кам турфа тузоқчи Ҳожим

— — V — V — — — — V — V — —

Бермайди қилса нася судраб, чатоқчи Ҳожим

— — V — V — — — — V — V — —

Енгил ҳазилни билмас нозу фроқчи Ҳожим

— — V — V — — — — V — V — —

Кўрганда сўфи кундуз, оқшом қароқчи Ҳожим.

— — V — V — — — — V — V — —

Минганда ўзни олғани эшак улоқчи Ҳожим

— — V — V — — — — V — V — —

Муқими (й)<sup>64</sup>

Ул ғамзадин ўқ отма онсиз бало қилурсен

— — V — V — — — — V — V — —

Хуснинг билан жаҳонни чун мубтало қилурсен.

— — V — V — — — — V — V — —

Лутфи (й)<sup>65</sup>

Бу вазнинг араб-эрон арузида исми «Мужариқ-мусамман-аҳраб» бўлуб, ҳар мисраини икки дафъа «Мафъулу фоилотун» блан ўлчайдилар.

VII. Бу вазнда ҳам ҳар мисраъ бир «ист» воситаси блан 7+7 тарзида иккига бўлунади.

Ҳар бўлумини — V V — — V — тўплами ташкил қиласди:  
Бир мисраъ: — V V — — V — — V V — — V —

Шамъу гулу настарин ёд берур бўйидин  
— V V — — V — — V V — — V —  
Атрини мушку хўтан касб қилур мўйидин  
— V V — — V — — V V — — V —  
Гул юзидин мунғаъил<sup>66</sup>, сарв қадидин зохил  
— V V — — V — — V V — — V —  
Ранг олур муттасил лолаю гул бўйидин  
— V V — — V — — V V — — V —  
Жангга қилур юз ситам, кўнглума юз онча ҳам  
— V V — — V — — V V — — V —  
Кўз оқизар жўйи ғам шўхи бало жомидин  
— V V — — V — — V V — — V —

Навоий<sup>67</sup>

Араб-эрон арузида бу вазнинг исми «Мужариқ-мусамман-матви-макфуф» бўлиб, ҳар мисраини икки дафъа «Муфтаилун фоилун» блан ўлчайдилар.

VIII. Бу вазнда ҳам ҳар мисраъ бир «ист» воситаси блан 7+7 тарзида иккига бўлунади. Ҳар бўлумини V — — V V — — тўплами ташкил қиласди.

Бир мисраъ: V — — V V — — V — — V V — —

Баҳор ўлди гулим кел гезайлик чаман ичра  
V — — V V — — V — — V V — —  
Қадаҳлар кўтарайлик гулу ёсуман ичра  
V — — V V — — V — — V V — —  
Ўтиб кетди у дамлар ки ер қорға ёпинмиш  
V — — V V — — V — — V V — —  
Ётар эди ўлукдек, ки ётсин кафан ичра  
V — — V V — — V — — V V — —  
Қуёш хандаларидан ҳаёт оқди жаҳонга  
V — — V V — — V — — V V — —  
Ҳаёт шон берадир, шом бу шонли ватан ичра  
V — — V V — — V — — V V — —

Бу вазнинг араб-эрон арузида исми «Ҳазаж-мусамман-макфуф» бўлиб, ҳар мисраини икки дафъа «Мафойлу мафойл» блан ўлчайдилар.

Бунинг ҳар бўлумини бир мисраъ қилиб «еттилик» тарзида ёзиш мумкун ва енгилроқдир.

Еттилигининг арузда исми «Ҳазаж-мураббаъ-макфуф»дир.

**IX.** Бу вазнда ҳам ҳар мисраъ бир «ист» блан 7+7 тарзида иккига бўлунади, броқ ҳар бўлумини — V — V V — — тўплами ташкил қиласди.

Тонг насими эсаркан боғчаларда кезардинг  
— V — V V — — V — V V — —

Лолаларни қучардинг, гунчаларни ўпардинг  
— V — V V — — — V — V V — —

Ўйнаб-ўйнаб ўтурғач, сув бўйида узанмиш  
— V — V V — — — V — V V — —

Сабзаларнинг сочини бармогинг-ла тараардинг  
— V — V V — — — V — V V — —

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Мушоқил-мусамман-макфуф» бўлиб, ҳар мисраъини икки дафъа «Файлоту мафойл» блан ўлчайдилар.

**X.** Бу вазнда ҳам ҳар мисраъ бир «ист» блан 7+7 тарзида иккига бўлунади, броқ ҳар бўлумини — — V — V V — — тўплами ташкил қиласди:

Бир мисраъ: — — V — V V — — — V — V V —

Сайр эт, қаро кечанинг энг сўнгги тин олишин  
— — V — V V — — — V — V V —

Ҳар соҳани ёрутар тонгнинг ипак кулишин  
— — V — V V — — — V — V V —

Гуллар кулар юз илан, қушлар гўзал сув илан  
— — V — V V — — — V — V V —

Бошлианди қаршу олиш елларнинг интилишин  
— — V — V V — — — V — V V —

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Басит-махбун» бўлиб, ҳар мисраъини икки дафъа «Мустафъилун файлун» блан ўлчайдилар.

**XI.** Бу вазнда ҳам ҳар мисраъ бир «ист» воситаси блан 7+7 тарзида иккига бўлунади.

Ҳар бўлумини — — V — — V — тўплами ташкил қиласди.

Бунинг юқоридағи вазндан фарқи шуки, унда ҳар бўлумнинг (V V) формасида бўлган учинчи қўш ҳжоси бунда (—V) формасидадир.

Бир мисраъ: — — V — — V — — — V — — V —

Сайр эт, қора кечанинг энг сўнгги тин олғанин  
— — V — — V — — — V — — V —

Ҳар соҳада яшаған, тонгнинг ипак кулганин  
— — V — — V — — — V — — V —

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Басит-солим» бўлиб, ҳар мисраъини икки дафъа «Мустафилун фоилун» блан ўлчайдилар.

**XII.** Бу вазнда ҳам ҳар мисраъ бир «ист» воситаси блан 7+7 тарзида иккига бўлунади. Броқ ҳар бўлумини — V — — — V — тўплами ташкил қиласди:

Бир мисраъ: — V — — — V — — V — — — V —  
Нозаниним кел букун майли саҳро айлагил  
— V — — — V — — V — — — V —  
Лолани шармандау гулни шайдо айлагил  
— V — — — V — — V — — — V —  
Чиқ хром эт ноз ила кўк чаманлар устида  
— V — — — V — — V — — — V —  
Ёсуманлар устида бир нафас жо айлагил  
— V — — — V — — V — — — V —

### Ҳашмат

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Мажид-солим» бўлиб,  
ҳар мисраъини икки дафъа «Фоилотун фоилун» блан ўлчайдилар.

Бундаги ҳжоларнинг жойини ўзгартиш блан тубандаги вазни  
чиқариш мумкун:

— V — — V — — — V — — V — —

XIII. Бу вазн «ист»сиздир. Ҳар мисраъида уч дафъа такрор  
этилган — — V V тўпламига бир — — қўш ҳжоси илова қилинади.

Бир мисраъ: — — V V — — V V — — V V — —  
Ошуфтаси мен силсилайи мушки тарингни  
— — V V — — V V — — V V — —  
Мафтуну бунга гўшинга осған гуҳарингни  
— — V V — — V V — — V V — —  
Мен йўқ ҳама эл воласи нозук камарингни  
— — V V — — V V — — V V — —  
Ҳай-ҳай на гўзал қошу на раъно қаду қомат  
— — V V — — V V — — V V — —  
Пах-пах на бало золими танноз бир офат  
— — V V — — V V — — V V — —

### Хувайдо<sup>68</sup>

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Ҳасаж-мусамман-мак-  
фуф-маҳзуф» бўлиб, ҳар мисраъини «Мафулу мафоилу мафоилу  
фаулун» блан ўлчайдилар.

Эрон шоирлари шу вазнда «Мустазод» (яъни орттирилган)  
исми блан яна бир вазн чиқарадилар: 14 ҳжодан иборат бўлган  
ҳар мисраъдан кейин айрим ярим мисраъ тарзида бир — — V V  
— — тўплами қўшадилар:

Гул сайрида юз ноз ила дилдор кезарди  
— — V V — — V V — — V V — —  
Сармасту тарабнок  
— — V V — —  
Гуллар юзи олдида грифтор тушарди  
— — V V — — V V — — V V — —

Бемору жигар чок  
 — — V V — —  
 Гулшандагилар ол юзи тобиндан эмаркан  
 — — V V — — V V — —  
 Бир нашъайи савдо  
 — — V V — —  
 Май нашъаси дек ҳар тарафа завқ сочарди  
 — — V V — — V V — — —  
 Күз сархуши бебок.  
 — — V V — —

Құрғанимиз ярим мисраъни ҳар мисраъдан кейин ортдириш әки ҳар икки мисраъдан кейин ортдириш мүмкун.

Қадимги назариячилардан бир күплари «Мустазод»ни ёлғыз шу құрғанимиз вазнға маҳсус деб биладилар, бошқа вазнларда «Мустазод» ёзишни «қоида»ға мувофиқ әмас дейлар. Бу, албатта, қуруқ бир қоидачилиқдан бошқа нарса әмас.

XIV. Бу вазнда ҳам «ист» йўқ. Икки дафъа қайтарилған  
 — — V — V — тўпламининг ўртасида бир VV қўш ҳжонинг ўрун олишидан бу вазннинг бир мисраъи ҳосил бўлади.

Бир мисраъ: — — V — V — V V — — V — V —

Минг заҳм урди ханжари ишқинг бу тан аро  
 — — V — V — V V — — V — V —  
 Бу танни ҳажр ташлади юз минг тикан аро...  
 — — V — V — V V — — V — V —  
 Булбулни қўймасинки бир ўт ёқди қасдиға  
 — — V — V V — — V — V —  
 Ҳар оташин гул вафосиз чаман аро  
 — — V — V — V V — — V — V —

Навоий<sup>69</sup>

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Музориъ-мусамман-аҳраб-махзуф» бўлиб, ҳар мисраъини «Мафъулу фоилоту мафоилиу фоилун» блан ўлчайдилар.

### Ўнбешликлар туркуми

Бу туркумда тўрт вазн бор.

I. Бу вазнда ҳар мисраъ уч «ист» блан  $4+4+4+3$  тарзида тўртга бўлунади:

биринчи бўлуми — V V —  
 иккинчи бўлуми V — V —  
 учинчи бўлуми — V V —  
 тўртинчи бўлуми — — —

Бир мисраъ: — V V — V — V — — V V — — — —

Мен bla сен бу боғчанинг саҳнасида кезганда  
 — V V — V — V — — V V — — — —

Икки юрак аламларин кўзга қараб сезганда  
 — V V — V — V — — V V — — —  
 Жилмайишиб очилганин кўрган эдик бир  
 гулнинг  
 — V V — V — V — — V V — — —  
 Тинглаб эдик унинг учун сайрағанин  
 булбулни(нг)  
 — V V — V — V — — V V — — —

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Ражаз-мусамман-матви-мақтуъ-махбун» бўлиб, ҳар мисраъини «Муфтаилун мафоилиун муфтаилун мафулун» блан ўлчайдилар.

Фикримча, нисбатан комик бир характерга эга бўлган бу вазннинг ҳожа тартибларини тубандагича ўзгартириб, айни характерда бошқа вазнлар чиқариш ҳам мумкун:

ёхуд V — V — — V V — — V V — — —  
 ва бошқалар. — V V — V — V — V — V — — —

II. Бу вазн «ист»сиздир. Ҳар мисраъида V V — — тўплами тўрт дафъа такрор этилиб, энг сўнгги тўпламнинг ҳжоси тушиб қолади.

Бир мисраъ: V V — — V V — — V V — — V V —

Бунинг биринчи қўш ҳжоси бўлган V V формасини баъзи мисраъларда — V формасига айлантириш ҳам мумкун.

Қоши ёсин му дейин, кўзи қаросин му дейин  
 V V — — V V — — V V — — V V —  
 Кўнглума ҳар бирининг дарду балосин му дейин  
 V V — — V V — — V V — — V V —  
 Бу кудурат аро рухсори сафосин му дейин...  
 V V — — V V — — V V — — V V —  
 Турфа ҳолин му дейин, қадди нҳолин му дейин  
 V V — — V V — — V V — — V V —  
 Мови кўнглак ўза гулранг қабосин му дейин  
 V V — — V V — — V V — — V V —

Навоий<sup>70</sup>

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Рамал-мусамман-махбун-мақсур» бўлиб, ҳар мисраъини уч дафъа «Фоилотун» ва бир дафъа «Файлун» блан ўлчайдилар.

III. Бу вазннинг ҳар мисраъида V — V — V V — — тўплами икки дафъа қайтарилади, иккинчи дафъасида энг сўнгги бир ҳожа тушиб қолади. «Ист» йўқдир.

Бир мисраъ: V — V — V V — — V — V — V V —

Бунинг энг сўнгги уч ҳжоси бўлган V V — формасини баъзи мисраъларда — — формасига (икки узун ҳжога) айлантириш мумкун:

Бировки құнди кечә ўзға ёрга ёри анинг  
 V — V — V V — — V — V — V V —  
 Құзидин уйқу очарда не ихтиёри анинг  
 V — V — V V — — V — V — V V —  
 Қимки дилбари ағер бирла тутти қарор  
 V — V — V V — — V — V — V V —  
 Ажаб әмасдир агар қолмаса қарори анинг...  
 V — V — V V — — V — V — V, V —  
 Вафоға чунки жаво дур әваз хұш ул тариф  
 V — V — V, V — — V — V — — —  
 Ки, ишқ қишварида түшмағай гузори анинг...<sup>1)</sup>  
 V — V — V, V — — V — V — — —  
 Ҳаёт гулшанидан қайда бир тилар күнглум  
 V — V — V V — — V — V — V V —  
 Ки, ғам хазониға бўлмиш бадал баҳори анинг  
 V — V — V V — — V — V — V V —

Навойи<sup>71</sup>

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Мужтасс-мусамман-махбун-мақсур» бўлиб, ҳар мисраъини «Мафоилун файлутун мафоилун файлун» блан ўлчайдилар.

IV. Бу вазннинг ҳар мисраъида — V — — тўплами тўрт дафъа такрор этилади. Броқ, тўртинчи тўпламнинг сўнгги ҳжоси тушиб қолади.

Бир мисраъ: — V — — — V — — — V — — — V —

Сурмадин кўзлар қаро, қўллар хинодин  
 лоларанг  
 — V — — — V — — — V — — — V —  
 Фозадин юзларда тобу ўсмадин қошлар тараңг  
 — V — — — V — — — V — — — V —  
 Зальфарони кўйлак узра аргувони кам зуҳур  
 — V — — — V — — — V — — — V —  
 Рўймол оғушидин пешонанинг аҳволи танг  
 — V — — — V — — — V — — — V —  
 Барча нозик панжалар олтин йўзукдин зебнок  
 — V — — — V — — — V — — — V —  
 Кўл билагузукдин музайян нуқрадин оғизда  
 чанг  
 — V — — — V — — — V — — — V —  
 Жавҳар оссан ҳалқалар сиймин бонагўшида  
 банд  
 — V — — — V — — — V — — — V —  
 Кўринур зулфи тунида субҳи содиқдек аранг.  
 — V — — — V — — — V — — — V —

Фурқат<sup>72</sup>

<sup>1)</sup> Юқорида ёзганимиз каби V V — ўрнида — — қўйилган.

Бу вазнинг араб-эрон арузида исми «Рамал-мусамман-маҳзузуф» бўлуб, ҳар мисраъини уч «Фоилотун» ва бир «Фоилун» блан ўлчайдилар.

### Ўнолтиликлар туркуми

Бу туркумда ўн вазн мавжуддир.

I. Бу вазнда ҳар мисраъ бир «ист» воситаси блан 8+8 тарзida иккига бўлунади. Ҳар бўлуми V V — V — V — — тўпламидан иборат бўлади.

Бир мисраъ: V V — V — V — — V V — V — V — —

Кечак дилбаримни кўрдим, ўтурап чаман ичинда  
V V — V — V — — V V — V — V — —

Куладур баҳор сўя гул у ёсуман ичинда  
V V — V — V — — V V — V — V — —

Нечак қилмасин фигонлар тунукун шкаста булбул  
V V — V — V — — V V — V — V — —

Ки, кўрар гулини ҳар дам неча юз тикан ичинда  
V V — V — V — — V V — V — V — —

Қаро сочларни юзга таратиб табассум этди  
V V — V — V — — V V — V — V — —

Дедиларки, тонг отибдур негадир туман ичинда  
V V — V — V — — V V — V — V — —

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Рамал-мусамман-машкул» бўлиб, ҳар мисраъини икки дафъа «Фоилоту фоилотун» блан ўлчайдилар.

II. Бу вазнда ҳар мисраъ бир «ист» воситаси блан 8+8 тарзida иккига бўлунади. Ҳар бўлуми тўрт дафъа қайтарилиған V — тўпламидан иборат бўлади. Демак, V — қўш ҳжоси айрим бир тўплам сфатида бутун мисраъда 8 дафъа такрор этилади.

Бир мисраъ: V — V — V — V — V — V — V — V —

Бу ўйноқ ҷройлик вазн учун мсол тополмадим.

Н. Раҳимийнинг «Баҳор севинчлари» деган бир шеъри бор, асосан шу вазнда. Лекин Раҳимий бу вазннинг ярим мисраъини бир мисраъ қилиб, «саккизлик» ёзган. Бу вазннинг оҳангини кўрсата олмоқ учун мен Раҳимийнинг шу «саккизлик» шеърини оламан. Раҳимий шеърининг бир мисраъи бу вазннинг ярим мисраъи миқдоридадир.

Нечун қадаҳ кўтармайин  
V — V — V — V —

Насим эсад тегармайин  
V — V — V — V —

Очилди лолазорлар  
V — V — V — V —

Букун ватан чироқдай  
V — V — V — V —

Суурлар, ғуурлар  
V — V — V — V —

Ғуурлар, суурлар  
V — V — V — V —

Шафақли наўбаҳорлар  
V — V — V — V —

Букун зафар саҳифаси,  
V — V — V — V —

Кулар құчори боғдай  
V — V — V — V —  
Шарафлар, ифтихорлар,  
V — V — V — V —

Тароналар саҳифаси  
V — V — V — V —  
Дүторни сایраторлар  
V — V — V — V —

### Н. Раҳимий<sup>73</sup>

Фикримча, бу вазннинг ўнолтилигига нисбатан саккизлиги енгилроқ ва чойлироқдир.

Бу вазннинг ўнолтилигининг арузда исми «Ҳазаж-мусамман-мақбуз» бўлиб, ҳар мисраъини тўрт дафъа «Мафойлу» блан ўлчайдилар.

III. Бу вазнда ҳам ҳар мисраъ бир «ист» блан 8+8 тарзида иккига бўлунади.

Ҳар бўлумда уч дафъа (— V) ва бир дафъа (V —) тўплами тизилади: — V — V — V V —

Бир мисраъ: — V — V — V V — — V — V — V V —

Лабларингда жилмайшинг шаккар ичра жон дедилар  
— V — V — V V — — V — V — V V —

Маст кўзларинг қарошин кўрдилар, амон дедилар  
— V — V — V V — — V — V — V V —

Ойни оразинг ёнида билдиларки қул кабидир  
— V — V — V V — — V — V — V V —

Лолани фроқинг аро бағрин этди қон дедилар  
— V — V — V V — — V — V — V V —

Музика ва оҳанг нуқтаи назаридан бу вазннинг ўнтўртликлардан бўлган — V — V — — — — V — V — — — дан айримаси жуда оздир. Бунинг араб-эрон арузида исми «Муқтазам-мусамман-матвии» бўлиб, ҳар мисраъини икки дафъа «Фоилоту муфтаилун» блан ўлчайдилар.

IV. Бу вазнда ҳар мисраъ V V — — тўпламининг тўрт дафъа «ист» сиз такоридан ҳосил бўлади.

Бир мисраъ: V V — — V V — — V V — — V V — —

Бу вазннинг биринчи қўш ҳжосини баъзи мисраъларда (V — —) формасига солиш ҳам мумкин.

Неча кундирки хабар топмамишам сўмбаримдан  
V V — — V V — — V V — — V V — —

На асардур хабаримдан, на хабардур асаримдан  
V V — — V V — — V V — — V V — —

Назарим олдида ойсиз кечадин тийратроқ ўлди  
V V — — V V — — V V — — V V — —

Хажр кундузлари то борди қуёшим назаримдан  
V V — — V V — — V V — — V V — —

Келурам оҳ ила расволиг ўтин ҳар сори сочиб  
V V — — V V — — V V — — V V — —

Офият аҳли саломат қўпунгир раҳгуразимдан  
V V — — V V — — V V — — V V — —

### Навойи<sup>74</sup>

Бунинг ҳар мисраъини бир «ист» воситаси блан

V V — — V V — — V V — — V V — —

формасида ёзиш оҳанглироқ бўлади.

На асардур хабаримдан, на хабардур асаримдан  
V V — — V V — — V V — — V V — —

Ярим мисраъни бир мисраъ эътибор қилиб, саккизлик тарзида ёзиш ҳам мумкин. Араб-эрон арузида бунинг исми «Рамалмажбун» бўлиб, ҳар мисраъини тўрт дафъа «Фоилотун» блан ўлчайдилар.

V. Бу вазнда ҳам ҳар мисраъ бир «ист» блан 8+8 тарзида иккига бўлунади. Ҳар бўлумда — — V — тўплами икки дафъа такрор этилади. Демак, ҳар мисраъ бир «ист» блан бўлунган тўрт — — V — тўпламидан иборат бўлади.

Бир мисраъ: — — V — — — V — — — V — — — V —

Ақлимни олди бир боқиб эй дилбари раъно кўзунг  
— — V — — — V — — — V — — — V —

Солди бошимга ҳар замон юз минг туман савдо кўзунг  
— — V — — — V — — — V — — — V —

Илкинга олиб созни чиқсанг наво ҳар ён боқиб  
— — V — — — V — — — V — — — V —

Ушшоқ аро ўт солғуси гоҳо юзунг, гоҳо кўзунг  
— — V — — — V — — — V — — — V —

Комил Хоразмий<sup>75</sup>

Жононга бордим бу кеча бир босиб астагина  
— — V — — — V — — — V — — — V —

Жонон ётур ноз уйқуда, солдим қўлим астагина  
— — V — — — V — — — V — — — V —

Халқ ашулаларидан

Бунинг араб-эрон арузида исми «Ражаз-мусамман-солим» бўлиб, ҳар мисраъини тўрт дафъа «Мустафъилун» блан ўлчайдилар.

VI. Бу вазнда ҳар мисраъ бир «ист» воситаси блан 8+8 тарзида иккига ажралади. Ҳар бўлум — V V — V — V — тўпламидан иборат.

Бир мисраъ: — V V — V — V — — V V — V — V —

Зухра жабин санамлари чунки қўлифа соз олур,  
— V V — V — — — V V — V — V —

Нағмаси жонни зор этиб, тил ҳарокатидин қолур  
— V V — V — V — — — V V — V — V —

Гах «баёти наср» ўқуб, гоҳ «ифори»син<sup>76</sup> чолур  
— V V — V — V — — — V V — V — V —

Базм эли сабрини олиб, рақсга жонларин солур  
— V V — V — V — — — V V — V — V —

Мутриб<sup>77</sup>— хуш навосининг шавқ физо<sup>78</sup> таронаси  
— V V — V — V — — V V — V — V —

Комил<sup>79</sup>

Бунинг араб-эрон арузида исми «Ражаз-мусамман-маҳбуни-матви» бўлиб, ҳар мисраини икки дафъа «Муфтаилун мафой-лун» блан ўлчайдилар.

VII. Бу вазнда ҳам ҳар мисраъ бир «ист» воситаси блан 8+8 тарзида иккига бўлунади. Ҳар бўлуми икки дафъа — V V — тўпламидан ташкил топади:

Бир мисраъ: — V V — — V V — — V V — — V V —

Сен бу саҳар сув бўйида соч тараф ўтурган эдинг

— V V — — V V — — V V — — V V —

Бир қарашинг бирла менинг бағрима ўт урган эдинг

— V V — — V V — — V V — — V V —

Бунинг араб-эрон арузида исми «Ражаз-мусамман-матви» бўлиб, тўрт дафъа «Муфтаилун» блан ўлчайдилар.

VIII. Бу вазннинг ҳар мисраъи V — — — тўпламининг «ист»сиз тўрт дафъа қайтарилишидан ҳосил бўлади.

Бир мисраъ: V — — — V — — — V — — — V — — —

Эсар еллар, гўвиллар қонли тўфондан заҳарханда

V — — — V — — — V — — — V — — —

Булутлар қоп-қора чоршаф каби ёзған қанотини

V — — — V — — — V — — — V — — —

Табиат чеҳрасини қоплаган минг йилли қор парда

V — — — V — — — V — — — V — — —

Ўлим—тош қалбли бир аждар каби очған қулочини

V — — — V — — — V — — — V — — —

Фафур Фулом<sup>80</sup>

Қуёш, тингла! Наво, юксал! Наво янгра, кўнгил яйра!

V — — — V — — — V — — — V — — —

Букун бизнинг тлаклар гуллаган, ҳой бўстон лола.

V — — — V — — — V — — — V — — —

Н. Раҳимий<sup>81</sup>

Бунинг араб-эрон арузида исми «Ҳазаж-мусамман-солим» бўлиб, ҳар мисраини тўрт дафъа «Мафойлун» блан ўлчайдилар.

Ёш шоирлардан Усмон Носир бу вазннинг ярим мисраини бир мисраъ қилиб, саккизлик шеър ёзган.

Юрак, сенсан менинг созим

V — — — V — — —

Тилимни найга жўр этдинг<sup>82</sup>

V — — — V — — —

Бунинг арузда исми «Ҳазаж-маштур» бўлиб, ҳар мисраъини икки «Мафоилун» блан ўлчайдилар.

Вазннинг аслдаги узун қёсиға қарағанда шундай қисқартирғани тузукрак бўлади деб ўйлайман.

IX. Бу вазннинг ҳар мисраъида — V — — тўплами тўрт дафъа «ист» сиз такрор этилади.

Бир мисраъ: — V — — — V — — — V — —

Нозаниним, кел бугунлар майл сахро айлагил сан

— V — — — V — — — V — — — V — —

Лолани шарманда қылғил, гулни шайдо айлагил сан

— V — — — V — — — V — — — V — —

Чиқ, хром эт, ноз бирла қўп чаманлар узра ҳар ён

— V — — — V — — — V — — — V — —

Ёсуманлар устида ҳам бир нафас жо айлагил сен

— V — — — V — — — V — — — V — —

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Рамал-мусамман-солим» бўлиб, ҳар мисраъини тўрт дафъа «Фоилотун» блан ўлчайдилар.

X. Бу вазнда ҳар мисраъ V — V — V V — — тўпламининг «ист» сиз икки дафъа такоридан ҳосил бўлади.

Бир мисраъ: V — V — V V — — V — V — V V — —

Дедингки ҳажр аро бир ишқ сўзу тобига таскин

V — V — V V — — V — V — V V — —

Киши тамуғда қачон кўнгулнинг ўтини совутмиш

V — V — V V — — V — V — .V V — —

Кўнгулга ҳар неча жабру қарору панд берур мен

V — V — V V — — V V V — V V — —

Бирини войки бошқармайин, бирини унутмиш

V — V — V V — — V — V — V V — —

Умид нахрини ашким билан не тоза қиласай ким

V — V — V V — — V — V — V V — —

Самуми ҳажр ани кул айламиш, демаки: қурутмиш

V — V — V V — — V — V — V V — —

Навойи<sup>83</sup>

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Мужтасс-мусамман-махбун» бўлиб, ҳар мисраъини икки дафъа «Мафоилун файлотун» блан ўлчайдилар.

### Ўнсаккизлик

Бунда биргина вазн бор. Уч «ист» воситаси блан  $5+4+5+4$  тарзида бўлунади:

Биринчи бўлум V V — V —

Иккинчи бўлум — — V —

Учинчи бўлум V V — V —

Тўртинчи бўлум — — V —

Бир мисраъ:

V V — V — — — V — V V — V — — — V —

Чаман ичра бир булбул саҳар ёниб ўртаниб сайрап эди.

V V — V — — — V — V V — V — — — V —

Гулу ёсуман кун нурига ўзаниб кулиб яйрап эди.

V V — V — — — V — V V — V — — — V —

Бу вазн бундан сўнгра келатурған йигрмаликнинг озгина ўзгаришидан бошқа нарса эмас ва бу ўзгариш музикага фойда эмас, зарар берган; эрон шоирлари бу вазнда йўқ даражада оз ёзганлар.

Фикримча, бунинг ярим мисраъини бир мисраъ қилиб, тўқ-қизлиқка айлантирилса ва шу тўққузлиқ ҳам V V — V — — V — формасида эмас, — — V — V V — V — формасида ёзилса яхшироқ чиқади. Араб-эрон арузида бунинг исми «Комил-мусамман-музмар» бўлиб, ҳар мисраъини икки дафъа «Мута-фоилун мустафъилун» блан ўлчайдилар.

### Йигрмалик

Бунда биргина вазн бор.

Бунда ҳар мисраъ икки «ист» воситаси блан 10+10 тарзида тўртга бўлунади. Ҳар бўлуми икки дафъа V V — V — тўп-ламидан иборат бўлади.

Бир мисраъ:

V V — V — V V — V — V V — V — V V — V —

Менга ноз қилди тафоулинг дилужон дуъоға югурдилар  
V V — V — V V — V — V V — V — V V — V —

Кўз учи блан қарадинг кулиб талабига етди гадоларинг  
V V — V — V V — V — V V — V — V V — V —

Фазлий<sup>84</sup>

Бунинг араб-эрон арузида исми «Комил-мусамман-солим» бўлиб, ҳар мисраъини тўрт дафъа «Мутафоилун» блан ўлчайдилар.

### КТОБДАГИ АРУЗ ВАЗНЛАРИ

(Ктобдаги тартиб блан)

Дафъа, 1. Мафулу Мифоил  
— — V V — —

Ҳазаж-мураббаъ-ахраб-мақсур

«—» 2. Фоилун фааъл  
— V — V — — V — V —

Мутадорик-мусамман-мақтуъ

«—» 1. Муфтаильун мафулун фавъ

Мураббаъ-матви-машкуф-мақтуъ

«—» 1. Фааъ фавулун фааъ фавул

— V V — — — V V

**Мутақориб-атрам-мақсур**

«—» 3. Фаулун

V — — V — — V — —

**Мутақориб-мусаддас-солим**

«—» 1. Мағұлу мағилун фәулун

**Хазаж-мусаддас-ахраб-макфуф-мақсур**

«—» 2. Фаълун фәълун

— V — — — — V — —

**Мутақориб-мусамман-аслам**

«—» 2. Фоилун фәаъл

— V — V — — V — V —

**Мутадорик-мусамман-мажнун-мақтү**

«—» 2. Фаулун фәълун

V — V — — V — V — —

**Мутақориб мусамман мақбуз аслам**

«—» 2. Муфаалатун

V — V V — V — V V —

**Вофир-мураббаъ-солим**

«—» 2. Фаъ фәулун

— V V — — — V V — —

**Мутақориб-мусамман-асрам**

«—» 1. Мағұлу мағойлу фәулун

— — V V — — V V — —

**Хазаж мусаддас ахраб мағдуф**

«—» 1. Фоилотун фоилотун фоилун

— V — — — V — — — V —

**Рамали-мусаддас-маҳзуф**

«—» 1. Файлутун файлутун файлун

V V — — V V — — V V —

**Рамал-мусаддас-мажнун-маҳзуф**

«—» 1. Файлутун мафайлун файлун

V V — — V — V — V V —

**Хафиғ мажнун мақтү**

«—» 1. Фоилотун мағойлун мағулун

— V — — V — V — — — —

**Хафиғ-машъас**

«—» 1. Муфтаилун муфтаилун фоилун

— V V — — V V — — V —

**Сариъ-мусаддас-матвиъ-мавқуф**

«—» 1. Фаулун фәулун Фаулун Фаул

**Мутақориб-мусамман-маҳзуф**

V — — — V — — — V — —

«—» 1. Мағойлун мағойлун фәулун

**Хазаж-мусаддас-мақсур**

«—» 1. Мағойлу фоилоту фәулун

V — — V — V — V V

**Зориъ-мусаддас-макфуф-маҳзуф**

«—» 1. Мафоилу фоилоту мафоилун  
— — V V — V V — — —

**Насиҳ-мусаддас-аҳраб-макфуф**

«—» 3. Фоилун  
— V — V —

**Мутадорик-мусамман-мажнун**

«—» 1. Мафулу мафоилу фоилотун  
— — V V — — V — V — —

**Мақраб-мусаддас-аҳраб-макфуф**

«—» 1. Фоилун  
— V — V — V — V — V —

**Мутадорик-мусамман-солим**

«—» 3. Мафоилун

**Ражаз-мусаддас-мажнун**

«—» 3. Мустафилун  
— — V — — — V — — — V —

**Ражаз-мусаддас-солим**

«—» 3. Фоилотун  
— V — — — V — — — V —

**Рамал-мусаддас-солим**

«—» 3. Мафоилун  
V — — — V — — — V — — —

**Ҳазаж-мусаддас-солим**

«—» 3. Муфтаилун  
— V V — — V V — — V V —

**Ражаз-мусаддас-матви**

«—» 2. Фоилун мафоилун  
— V — V — — — V — V — — —

**Ҳазаж-мусамман-антар**

«—» 2. Мафулу фоилотун  
— — V — V — — — V — V — —

**Ҳазаж-мусамман-аҳраб**

«—» 2. Мафулу фоилатун  
— — V — V — — — V — V — —

**Мунсариҳ-мусамман-аҳраб**

«—» 2. Муфтаилун фоилун  
— V V — — V — — V V — — V —

**Мунсариҳ-мусамман-матвиъ-мавқуф**

«—» 2. Мафоилу мафоил  
V — — V V — — V — — V V — —

**Ҳазаж мусамман макфуф**

«—» 2. Фоилоту мафоил  
— V — V V — — — V — V V — —

**Мушокил мусамман макфуф**

«—» 2. Мустафилун фоилун  
— — V — — V — — — V — — V —

### **Басит-маҳбун**

«—» 2. Мустафилун фоилун  
 — — V — V V — — — V — V V —

### **Ҳадид-солим**

«—» 1. Мағъулу мағоилу мағоилу фоилун  
 — — V V — — V V — — V V — —

### **Ҳазаж-мусамман-макфуф-маҳдуф**

«—» 4. Фаулун  
 V — — V — — V — — V — —

### **Мутақориб-мусамман-солим**

«—» 1. Мұфтаилун фоилоту мұфтаилун  
 Мұнсарих-мұсаддас-матвиъ

«—» 1. Файлутун фаилатун мағоилун  
 V V — — V V — — V — V —

### **Жадид-мажнун**

«—» 1. Файлутун мағоилун файлотун  
 V V — — V — V — V V — —

### **Ҳафиғ-мажнун**

«—» 1. Мағоилу мағоилу фоилотун  
 V — — V V — — V — V —

### **Қаріб-макфуф**

## **РУБОЬИ ВАЗНЛАРИ**

Дафъа. 1. Мұфтаилун фаилату мұфтаилун фәъ  
 — V V — — V — V — V V — —

### **Ҳазаж**

Фаулун Мағоилун  
 V — — V — — — V — — V — —

### **Тавил-мусамман-солим**

Фоилатун фаилатун фоилатун

### **Рамал-мусамман-маҳдуд**

Фаулун мағоилун фаулун мағоилун  
 V — — V — — — V — — V — V —

### **Тавил-мусамман-маҳбуз**

Мағулу фоилат мағоилу фоилун

### **Музореъ-мусамман-макфуф**

«—» 2. Мағулу фоилатун  
 — — V — V — — — V — V — —

### **Музореъ-мусамман-ахраб**

«—» 1. Мұфтаилун мағоилун мұфтаилун мағұлун  
 Ражаз-мусамман-матви-мақтүъ-мажнун

«—» 1. Фоилатун фаилатун фоилатун фаилун  
 V V — — V V — — V V — — V V —

### **Рамал-мусамман-мажнун-мақсур**

«—» 1. Мағоилун фоилатун мағоилун фаилун  
 V — V — V V — — V — V — — V V —

**Мажнун-мусамман**

«—» 2. Фоилату фоилатун

V V — V — V — — V V — V — V — —

**Рамал-мусамман-машкул**

«—» 2. Мафоилун

V — V — V — V — V — V — V — V —

**Ҳазаж-мусамман-мақбуз**

«—» 2. Фоилату муфтаилун

— V — V — V. V — — V — V — V. V —

**Муқтазаб мусамман матви**

«—» 4. Фаилотун

V V — — V V — — V V — — V V — —

**Рамал-мажнун**

«—» 4. Мустафилун

— — V — — — V — — — V — — — V —

**Ражаз мусамман солим**

«—» 2. Мафоилун

V — V — V — V —

**Ҳазаж-маштур**

«—» 4. Фаилотун

— V — — — V — — — V — — — V — —

**Рамал-мусамман-солим**

«—» 2. Мафоилун фоилотун

V — V — V V — — V — V — V V —

**Мұжтасс-мусамман-мажнун**

«—» 2. Мутафоилун мустафилун

V V — V — — — V — V V — V — — — V —

**Комил-мусамман-музмар**

«—» 4. Мустафилун

— — V — — — V — — — V — — — V —

**Комил-мусамман-солим**

## ИЗОҲЛАР

1. Илм уш-шеър — шеър илми. Араб тилида ёзилган кўпгина рисолалар бор. Биргина Форобийнинг «Қитоб уш-шеър» асари бунга мисол бўлиши мумкин.
2. Алишер Навоий. Мезон ул-авзои. Асарлар. XIV жилд, Тошкент, 1967, 133—182-бетлар.
3. Ҳжо вазни — бармоқ вазни назарда тутилади.
4. Қамият ва қайфият — бу ерда: миқдор ва сифат.
5. Мён Бузрук. Ижодий йўлимиз ҳақида. «Ўзбек совет адабиёти», 1935, 2-сон.
6. Ушбу парча Миён Бузрукнинг юқорида кўрсатилган мақоласидан олинган.
7. Басит — луғавий маъноси: ёйиқ. Халил Ибн Аҳмад тизимида учинчи баҳрнинг номи. Бу ерда: аслида оддий, жўн ҳодисани ёйиб тушунтириш.
8. «Уштур ва шеъри араб дар холатаст у тараб»— Саъдий Шерозийнинг байти. Мазмуни: Араб шеъри унинг ҳолатидан дарак беради.
9. Халил ибн Аҳмад — машҳур араб арузчиси. Тўла исми Абд ар-Раҳмон ал-Халил ибн Аҳмад ал-Азди (718—786). Араб тили ва адабиёти, товушлар назарияси ва мусиқа илми билан шуғулланган. Аруз ҳақида рисоласи бизгача етиб келмаган, унинг асосий мазмунигина қайд сифатида мавжуддир. «Айн китоби», оҳанг ва ритм масалаларига бағишланган рисолаларидан унинг назариясини ўрганиш мумкин. У ҳақда қаранг: Э. Талабов. Араб арузи. Тошкент, 1977, 5—6- бетлар.
10. Ахфаш — тўла номи: Абу-л-Ҳасан-Саъид ибн Мусъад ал-Ахфаш, арузшуносларнинг Басрә мактаби вакилларидан. Халил ибн Аҳмаднинг назарияси бўйича арузда 15 та баҳр тавсия этилган. 16- баҳр — Мутадорик (луғавий маъноси: кейин англашилган) шу олим томонидан қўшилган.
11. «Бурхон Қатеъ»— Қадимги форс маъхазларидан.
12. Ибни Қайс — Шамсиддин Муҳаммад бинни Қайс Розий назарда тутилади (бу ҳақда қўйида маълумотлар бор).
13. Маъхаз — манба, материал. Бу ерда кўрсатилган «Табодат уш-шуаро» китоби XIII асрга тааллуқли. «Табарий»— машҳур «Тарихи Табарий» («Пайғамбар ва подшоҳлар тарихи»). Асарнинг тўла нашри бизгача сақланмаган, қисқа нашри 1879—1901 йилларда Де Гуе тарафидан Лейденда нашр қилинган. Фитрат Юсуф Баёний таржимасидаги

- (1882) ўзбекча нусхани назарда тутаётган бўлиши керак.
14. «Фирдавсий ҳақидафи мақоламиз...»— Фитратнинг «Фирдавсий» («Социалистик фан ва техника», 1934, 10—11- бетлар), «Эртаклар ва ҳақиқат» («Машъала», 1934, 1-сон), «Абулқосим Фирдавсий замони ва муҳити» («Ўзбек совет адабиёти», 1936, 10-сон) мақолаларида бу фикр қайд этилган.
  15. Ал-Маарий — машҳур араб шоири. Милодий 979 йил 28 сентябрда Суриянинг Мааррат ан-Нуъмон шаҳрида туғилган. Байт унинг «Лузумийят» асаридан олинган.
  16. Бу ҳақда қаранг: Баҳром Сирус. Арўзи точики. Тахқики интиқодий. Душанбе, 1963, 13—31- бетлар.
  17. Шамси Қайс — тўла номи: Шамсаддин Муҳаммад бинни Қайс Розий, эрон арузчиларидан. Унинг «Ал-мўъжам фи маоири ашъор ал-ажам» асари (Теҳрон, 1935) назарда тутилади.
  18. Бу ўринда Навоийнинг «Мезон ул-авzon», Бобурниг «Аруз рисоласи» (яъни «Мухтасар») назарда тутилади. Бу эслатишининг ўзиёқ Фитрат Навоий ва Бобур асарларидан яхши хабардор эканини далиллайди. Бу қайд ўз-ўзидан ўзбек арузчилари кўп тақрорлаган «Бобурниг рисоласи биринчи марта 1968 йили Ўзбекистонга келтирилгани» (Қаранг: Сайдбек Ҳасан. Бобирнинг Мухтасар асари ҳақида. Кириш мақола // Бобир. Мухтасар. Тошкент, «Фан», 1971, 6-бет) ҳақидаги фикрнинг асоссиз эканини тасдиқлайди. Китоб мутолаасидан муҳтарам ўқувчилар ҳам яхши англашлари мумкинки, Фитратнинг қўлида Бобур рисоласининг нусхаларидан бири бўлган.
  19. Фитрат келтирган кўчирма ушбу манбадан олинган: Муҳаммад Фуад Кўпрулу. Турк Едебийати тарихи. Истанбул. «Милли матбаа», 1926, 165- бет.
  20. Кназ —«княз» сўзининг бузилган шакли. Бу сўз Миён Бузрукнинг мақоласида подшоҳ маъносида қўлланилгани учун Фитрат ҳам уни айнан сақлаган.
  21. Ушбу парча ҳам Миён Бузрук мақоласидан келтирилган.
  22. Фитратнинг бу эътирофи кўплаб ҳалқ қўшиқлари мисолида тасдиқланади. Масалан, машҳур ҳалқ қўшиқларидан бири Рамал баҳрида ёзилганини эслайлик:
- Оқ илон, оппоқ илон, ойдинда ётгонинг қани,  
Мен ёмондин айрилиб яхшини топгонинг қани?  
— V — — — V — — — V — — — V —
- Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
23. Бундай қавс ичida кўрсатилган сўз ва ҳарфлар Фитрат асарида учрамаган, бироқ шу кун имло қоидаларига биноан ишлатилиши лозим бўлган белгилардир.
  24. Айрим сабабларга кўра, «Аруз ҳақида»ги рисоланинг мана шу ўрнида жузъий қисқартиришлар бор.
  25. «Маддлик»— чўзиқлик, давомлилик.

26. «Узун чўзғилик тиллар учун»— айрим тилларда чўзиқ унли жуда кўп ишлатилади. Масалан, араб ва форс тиллари шундай тиллардан. Ўзбек тилида эса чўзиқ унлилар қаторида қисқа унлилар ҳам борки, улар аруз табиатига кўп ҳолларда мос келавермайди.
27. «Фаръи(й) руқнлар»—«фаръ» сўзининг луғавий маъноси: қисм, бўлак. «Аслий руқн»ларнинг қисқариши ёки орттирилишидан ҳосил бўлган ҳосила руқнлар деб ҳам қабул қилиш мумкин.
28. Зиҳофот—зиҳофлар. Аруэда бир баҳрнинг ичидаган товуш ўзгаришлари. Масалан, қисқа унлиниң вазн талаби билан чўзилиши каби ҳоллар.
29. Эргаш—машҳур шоир Эргаш Жуманбулбул ўғли назарда тутилган.
30. Ушбу ва бундан кейинги парчалар ҳам Навоий асарларининг кейинги нашрлари билан солиширилиб, Фитратдаги айрим жузъий хатоликларни тузатган ҳолда келтириляпти. 4- мисрадаги «Ўт узра...» кейинги нашрларда «Қум узра...» деб берилади. Солишириш учун қаранг: Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 9- жилд, Тошкент, 1992, 180-бет.
31. Бу парча бир вазнда ёзилгани учун Фитрат сўнгги мисрани келтириш билан чекланяпти.Faқат «ўт» сўзи «қўр» билан алмаштирилган. Фитрат, бизнингча, бу парчани ёдаки келтирган бўлиши эҳтимол.
32. Н. Раҳимий — юқорида эслатилган адаб.
33. Бухороли Исмат — тўла номи: Хожа Исмат Бухорий (1365—1436), машҳур шоир. Навоий у ҳақда «Мажолис ун-нафоис» асарида тўхталади. Бизгача 8 минг байтли бир девони ва «Иброҳим Адҳам» номли 1035 байтли достони етиб келган.
34. Комил — машҳур шоир Комил Хоразмий (1825—1919) назарда тутилади.
35. Фазал тўла ҳолда ушбу нашрда келтирилган: Бобир. Танланган асарлар. Тошкент, 1958, 38- бет.
36. Ушбу туюқ Лутфий асарларининг кейинги нашрларидан ҳам ўрин олган.
37. Бу парча Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» асаридан олинган. Қиёслаш учун қаранг: *Муҳаммад Солиҳ*. Шайбонийнома. Тошкент, 1989, 40- бет.
38. Ушбу парча Бобурнинг «Маснавий»ларидан олинган. Солишириш учун қаранг: *Бобур*. Танланган асарлар. 183-бет.
39. Таnobчилардан олинган бу парчани Муқимий асарларининг кейинги нашрлари билан солиширганда уларда вазн бузилган ҳолатларни кўриш мумкин. Эҳтимол, уларни Фитрат аруз қоидасига мос келтириш учун тўғрилаб кетгандир. Эҳтимол, асарнинг Фитрат қўлида бўлган нусхасида шундай ёзилгандир. Ҳар ҳолда солишириб қаранг: Муқимий, Асарлар тўплами. II том, Тошкент, 1960, 5—6- бетлар.

40. Навоийнинг «Искандарнома»си...— бу ўринда «Садди Искандарий» назарда тутилади. Фитрат қисқаликка интилиб, шундай атаган бўлса керак. Бундай номлаш олимнинг бошқа асарларида ҳам учрайди.
41. Муҳаммад Алихон — Мадалихон, Қўқон хонларидан. Амир Умархон ва Нодирабегимнинг ўғли.
42. Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидан олинган бу парчанинг кейинги ийллар нашри учун қаранг: Алишер Навоий, МАТ, 8- жилд, Тошкент, 1991, 195- бет.
43. Ҳадаф — нишон жойи.
44. Ҳашмат — XIX—XX аср бўсағасида ижод этган шоирлардан. Тазкиранавис сифатида ҳам шухрат қозонган.
45. Равнақ — Бу парча Паҳлавонқули Равнақ (1730—1700 йиллар охири) девонидан олинган.
46. Келтирилган ғазал Навоийнинг «Фавойид ул-кибор» девонидан. Солиштириш учун қаранг: Алишер Навоий., МАТ, 6- жилд, Тошкент, 1990, 132- бет.
47. Фитрат кўп ўринларда муаллифи кўрсатилмаган парчаларни ўзи вазн талабига мос келадиган қилиб ёзган. Айрим ўринларда эса маълум, ҳатто машҳур ғазалларни мазмунга «хиёнат» қилмаган ҳолда вазн талаби билан қайта «ишлаган». Бу парча ва бошқа намуналар бу фикрни далиллаши мумкин.
48. Арузшуносликка оид рисолаларда рубоий вазнлари алоҳида кўрсатилмаган. Фақат ҳар вазнга мос Бобур рубоийларини бериб кетган, холос. Шунинг учун ҳам Фитратнинг бу илмий ҳаракатига алоҳида эътибор билан қаралиши керак.
49. Бу рубоий ҳам «Бобур. Таинланган асарлар» китобида бор, 155- бет.
50. Саҳбо — узум сувидан тайёрланган олий сифатли май.
51. Бу рубоий сўфий шоир Ҳувайдо қаламига мансуб.
52. Навоийнинг бу рубоийси «Фаройиб ус-сиғар» даги 43- рубоийдир, унинг кейинги нашри учун қаранг: Алишер Навоий. МАТ, 3- жилд, Тошкент, 1988, 571- бет.
53. Мисранинг сўзма-сўз мазмуни: У тезликда, яъни ўткирликда ўткир, ҳолсизликда эса хазон кабидир.
54. Навоийнинг ушбу ғазали тўла ҳолда қуйидаги манбада келтирилган: Алишер Навоий. МАТ, 6- жилд, Тошкент, 1990, 139- бет.
55. Руд — ариқ, сой, ҳатто айрим ўринларда дарё маъносида қўлланилади.
56. Ушбу ғазал билан Навоий асарларининг кейинги нашри ўртасидаги фарқлар алоҳида ўрганилиши лозим бўлади. Солиштириш учун қаранг: Алишер Навоий, МАТ, 4- жилд. Тошкент, 1989, 123- бет.
57. Н. Раҳимийнинг бу шеъри шоирнинг тўпламларида учрамайди.
58. Фазлийдан келтирилган бу назм парчаси унинг девонидан олинган. Қўқон адабий муҳитида эътиборли шоирлардан

хисобланган Фазлий «Мажмуаи шоирон» номли тазкира ҳам тузган.

59. Аҳмар — қизил.
60. Аҳгар — лахча чўғ.
61. Ахтар — юлдуз номи.
62. Шаппар — кўршапалак.
63. Бу парча Навоийнинг «Фаройиб ус-сиғар» ига кирган 36-фазалдан олинган. Ўнинг тўла матни учун қаранг: Алишер Навоий. МАТ, 3- жилд. Тошкент, 1988, 52- бет.
64. Бу мухаммас Муқимиининг «Ҳожи қадоқчи» ҳажвидан. Ўнинг тўла матни учун қаранг: Муқими. Асарлар тўплами. 2- том. Тошкент, 1960, 45- бет.
65. Ушбу парча Лутфий «Девон»идан олинган. Фазалнинг тўла матнини ушбу манбадан ўқиш мумкин: Ўзбек адабиёти, I том, Тошкент, 1959, 435- бет.
66. Мунраъил — «мунғай» сўзининг лугавий маъноси «қайгуланмоқ, букилмоқ (қайфудан)». Фитратнинг «Ўзбек адабиёти намуналари» га муҳаррирлик қилган Отажон Ҳошим бу сўзга ўёлган деб изоҳ беради (Фитрат. «Ўзбек адабиёти намуналари», Самарқанд-Тошкент, 1927, 300- бет).
67. Бу ғазал Навоийни эмас, бу ерда янглиш кетган. Бизнингча, бу янглиш Фитратга тегишли эмас, чунки у «Ўзбек адабиёти намуналари» да айни ғазал матнини тўла келтириб, уни Бобурнинг бошқа асарлари қаторида кўради. Бироқ таассуфки, айни ғазал Бобур асарларининг 1958, 1961, 1983 ва бошқа йиллардаги нашрларида келтирилмаган. Фитратнинг қўлида Бобур девонининг нисбатан мукаммал нашрларидан бири бўлганини аввал қайд этган эдик. (Бунинг тафсилоти учун қаранг: Ҳ. Болтабоев. Бобуршоҳ Фитрат талқинида. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1993, 12 март).
68. Ҳувайдонинг ўйноқи бу ғазали мустазоднинг асл мисралари ёзилган вазнда битилган. Шунинг учун ҳам кейинги мустазод (лугавий маъноси ортирилган) ғазал тартибида ёзилган бўлса ҳам биз уни мустазод шаклида кўчирдик. Ўзбек шеъриятида бундан бошқа вазнларда мустазод яратилгани ҳам маълум.
69. Навоийдан олинган ушбу парчанинг тўла матни учун қаранг: Алишер Навоий. МАТ, 3- жилд, 41—42- бетлар.
70. Навоийнинг бу машҳур ғазалининг бир сатри «Қўзи қаҳринму дейиц, кирлики заҳринму дейин» (2- байт, 1- сатр») тушиб қолган, натижада кўринишдан бу ғазал парчаси мухаммасга ўхшаб қолганки, уни зинҳор мухаммас деб қарамаслик керак. Бизнингча, Фитрат бу қадар янглишига бормайди, матбаа хатоси бўлса керак. Ғазалнинг тўла матни билан солишириш учун қаранг: Алишер Навоий, МАТ, 4- жилд, 350- бет.
71. Ушбу ғазал тўла матнининг кейинги нашрларида жузъий ўзгаришлар борки, уларни қиёсан ўрганиш муҳтарам на-

- войишуносларимизни қизиқтирса керак. Қиёслаш учун қаранг: Алишер Навоий, МАТ, 5- жилд, 245- бет.
72. Фурқатдан келтирилган машхур ғазал матнида ҳам айрим ўзгаришлар бор. Бу ҳақда қаранг: Фурқат. Таанланган асарлар. I том, Тошкент, 1959, 55- бет.
73. Фитрат «Замонавий совет шоири» сифатида кўп ўринда Н. Раҳимидан мисоллар келтиради. Таассуфки, қўлимизда шоирнинг бирор тўплами (чоп этилган) йўқлиги туфайли солиштириш имкони бўлмади.
74. Ушбу парча Навоийга тааллуқли бўлиб, унинг тўла матни учун қаранг: Алишер Навоий, МАТ, 6- жилд, 304- бет.
75. Комил Хоразмийнинг бу ғазали унинг девонида бор.
76. «Баёти наср»— тўғрироғи, наср баёти. Шашмақом (яъни, олти мақом) «уч бутоққа» бўлинади. Улардан биринчиси ёлғиз куйдан иборат бўлиб, уни «мушкулот» деб атайдилар. Иккинчиси куй ва қўшиқдан иборат бўлиб, уни «наср» деб атайдилар, агар наср қисми куй ва ўйиндан иборат бўлса, бунга «уфор» деб ном берилади. Нафақат шоир, машхур мусиқашунос бўлган Комил Хоразмий шунга ишорат қиляпти. Бу ҳақда маълумот Фитратнинг асарида ҳам учрайди: *Фитрат. Ўзбек класик мусиқаси ва унинг тарихи. Самарқанд-Тошкент, 1927, 13—17- бетлар.*
77. Мутриби — чолғучи.
78. Шавқ физо — шавқ бағишлиовчи, шавқ берувчи.
79. Ушбу ғазал Комил Хоразмий девонида бор.
80. Бу парчаFaфур Гуломнинг «Совет қаҳрамонларига» шеъридан олинган. Шеърнинг тўла матни учун қаранг: *Faфур Гулом. Асалар. Ўн томлик, I том, Тошкент, 1970, 131- бет.*
81. Наби Раҳимиининг ушбу шеъри ва Faфур Гуломнинг юқоридаги асарларини тўла равишда аруз вазнида битилган деб бўлмайди. Гарчи бу бошланғич бандлар вазнга тушгани билан шеърларнинг кейинги сатрлари аруздан узоқлашиб кетган. Фитратнинг рисоласида кўрилганидек, арузни совет шоирларига боғлаш учун қилинган ҳаракат натижаси бўлса керак.
82. Гарчи муаллифи кўрсатилмаган бўлса ҳам, бу парча Усмон Носирнинг «Юрак» шеъридан олингани китобхонларга маълум бўлса керак.
83. Навоийнинг бу ғазали ҳам Фитрат келтирган парча билан солиштириб ўрганишга муҳтож. Қаранг: *Алишер Навоий. МАТ, 5- жилд, 182- бет.*
84. Ушбу парча Фазлийнинг «Девон»идан олинган.

## МУНДАРИЖА

Фитрат — арузшунос (Х. Болтабоев)	3
Ёзучидан бир-икки сўз	14
Аruz ва аruz вазни	15
Аruz вазнининг тарихий ўсушига бир қарааш	22
Аruz вазнларининг тузилиш қоидалари	31
Аruz вазнлари ва намуналари	36
Рубоъи вазни	53
Қтобдаги аruz вазнлари	69
Рубоъи вазнлари	72
Изоҳлар	74

## АБДУРАУФ ФИТРАТ

### АРУЗ ҲАҚИДА

(Адабиёт муаллимлари ва илм толиблари учун)

Тошкент «Ўқитувчи» 1997

Муҳаррир Г. Насриддинова  
Бадиий муҳаррир Э. Нурмонов  
Техн. муҳаррир Т. Грешникова  
Мусаҳҳиҳ Л. Мирзапаҳмебова

ИБ № 7076

Теришга берилди 22.10.96. Босишига рухсат этилди 12.05.97. Формати 60×90<sup>1/16</sup>. Тип. қозози. Литературная гарн. Кегли 10 шпонсиз. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 5.0. Шартли кр.-отт. 5,25. Нашр. л. 4,94. 3000 нусхада босилди. Буюртма № 23.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, 129. Навоний кӯчаси, 30. Шартнома 13—51—96.

Узбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1- босмахонасида босилди. Тошкент, Сағбон кӯчаси, 1-берк кўча, 2-йй. 1997.